

# КЎҲНА ВА НАВҚИРОН ЮРТГА

## Саёҳат

*Муҳтарам ўқувчи! Журналимизнинг галдаги сони махсус сондир. У Хоразм вилояти ижодкорларига бағишланган. Бундай тажрибани уч йил муқаддам Жиззах вилояти ижодкорлари мисолида синаб кўрган эдик. Унда вилоятнинг турли чеккаларида, қишлоқларида яшаб ижод этаётган ёш истеъдодларни кашф этган эдик. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Ижодий асарлари Сизга танишу нотаниш шоир-ёзувчиларнинг сара асарларини танлаб ҳукмингизга ҳавола қилмоқдамиз.*

*Хоразм кўҳна замин. Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд тимсолидаги валий шоирлардан тортиб бугунга қадар ўз улуғларига эга бўлган муқаддас гўша. Пойтахтга келиб марказий нашрларда асарларини чоп этолмай юрганлар ҳам кўп. Шундай қилиб, бу сафар чекимизга олис Хоразм тушиди. Хоразмликлар ижодини ўқинг, баҳра олинг, қалб сўзларини уқинг. Ўйлаймизки, улар адабиёт муҳиблари учун олам-олам тасаввур беражак.*

*Журналдан, шунингдек, вилоятнинг кечаги, бугунги кунини ёрқин намоён этувчи мақола ва сурат-лавҳаларга ҳам кенг жой ажратдик. Хоразмнинг тарихи, Истиқлол давридаги ижтимоий ҳаёти ҳам барчамиз учун қизиқарлидир.*

*Ўз навбатида «Ёшлик» журнаliga ҳомийлик ёрдами кўрсатгани учун Хоразм вилоят ҳокимлигига эҳтиром ва ташаккуримизни билдирамиз.*



Ошиқ ЭРКИН,  
Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасининг Хоразм  
вилояти бўлими масбул котиби



# Истиқлол неъматли

Хоразм! Тарихи мозийга туташ, кўҳна ва ҳамиша навқирон, қадимда ҳам жаҳон тамаддунининг марказларидан бири ҳисобланган диёрни тилга олар эканмиз, табаррук бу заминда туғилиб, камолотга етиб, яшаб ўтган Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд аз-Замаҳшарий, Нажмиддин Кубро сингари буюк олим ва мутафаккирларни, Паҳлавон Маҳмуд, Қутб, Ҳайдар ва Ҳофиз Хоразмий, Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий, Аваз Ўтар сингари номлари абадийликка дахлдор, бадий сўз заргарларининг номларини ҳам ҳар гал фахр ва ифтихор билан тилга оламиз, уларга насл ва насаб, бахтиёр бир авлод бўлганимиздан қувонамиз, кўнглимиз завқ-шавқларга тўлиб кетади.

Биз ҳали XI асрлардаёқ Жавҳарий Хоразмий деган буюк бир элдошимиз махсус учар мослама ясаб, унда бир неча фарсаҳ йўлни ҳаво орқали парвоз қилиб босиб ўтганлигини, бу — ўз даврида космос сари қўйилган илк қадам бўлганлигини ўйлаганимизда ҳам қалбимизни ҳаяжон туйғулари чулба олади.

Ўзбек адабиётида Хоразм адабий муҳитининг ўрни ва мавқеи қўндан тарихга аён. Бу муҳитдаги адабий ҳаракат ҳамма даврларда, хусусан XIX асрда Саид Муҳаммадхон ва унинг ўғли Муҳаммадраҳимхон Соний — Феруз холиғи даврида ўзининг энг юқори чўққисига чиққан эди. Ферузшоҳ ўз саройида юз нафардан ортиқ ижодкорни уюштириб шундай адабий муҳит ва шарт-шароит яратиб берган эдики, бу муҳитда етишиб чиққан қалам аҳллари яратган ва араб, форс, усмонли турк тилларидан таржима қилинган асарлар умумадабиётимиздан муносиб ўрни эгаллаган. Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий, Роғиб, Диловархўжа, Аваз Ўтар, Табибий, Муҳаммадпосуф Баёний, Чокар сингари азамат шоирлар Феруз атрофига жамланган адабий муҳитнинг энг етуқ намояндаларидир. Феруз раҳбарлигидаги Хоразм адабий муҳитида ўзбек тилига ўтирилган қадимий машҳур асарларнинг ўзи қарийб тўрт юзтага яқин бўлиб, ҳали-ҳануз ўша таржималарнинг 300 дан кўпроғи ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди. Таржимачилик соҳасида айниқса Огаҳийнинг адабий меҳнати ва жасорати диққатга сазовор. Огаҳий таржима қилган машҳур асарларнинг ўзи 20 тадан кўпроғини ташкил этади.

Мана, бугун ушбу чин маънодаги хурриятдан баҳраманд бўлиб, ўзимиз эркин, қудратли демократик давлат

қураётганимизга ҳам ўн тўрт йил тўлди. Тарихан қисқа шу давр ичида асрга татигулик буюк ишлар қилинди. Мамлакатимиз жаҳонга юз тутди. Унинг бағрида оламга кўз-кўз қилса арзийдиган архитектура ансамбллари яратилди, тоғлар оша осмонўпар йўллар, чўллар оша темир йўллар қурилиб ишга туширилди.

Хоразмнинг ўзида рўёбга чиқарилган бунёдкорликларни айтмайсизми? Қайси бирини тилга олай: Жалолиддин Мангуберди мемориал ёдгорлигиними, «Авесто» мажмуиними, Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, аз-Замаҳшарий истироҳатгоҳлариними? Урганч-Хива: жаҳонда шаҳарлар аро қурилган ягона троллейбус линиясиними, Урганч аэропортининг янги биносиними, спорт ўйингоҳлари, ўнлаб коллеж ва академик лицейлариними, замонавий таъмирланган ва тамоман қайта қурилган Урганч «Деҳқон бозори»ними? Ёхуд адолат қарор топгани, қадриятларимиз, бадий осори-атиқаларимиз ўзимизга қайтиб келганиними? Мана сизга Истиқлолнинг шарофати. Мустақиллигимиз ва халқимиз, эркин, адолатли ҳаётимиз адабиёт билан муштарак бўлгандагина ҳақиқий маъно ва бебаҳо гўзаллик кашф этади. Шўро тузуми даврида тилларимизга отнинг калласидай қулф урилган эди. Мустақиллик ана шу қулф-занжирларни ечиб, чилларчин қилиб улоқтириб ташлади. Эркин сўз айтиш ҳуқуқини берди. Бизнинг бугунги вазифамиз Истиқлолга шукроналар айтиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ўзларининг жасоратли меҳнатлари билан улкан ҳисса қўшаётган минглаб замондошларимизнинг қаҳрамонликлари, ички дунёсини чин маънодаги хуррият берган турфа ранглар ва жилоларда акс эттириб, давру давронимизга муносиб асарлар яратишдир. Ёзувчи-шоирларимиз бу борада анча ишлар ҳам қилиб қўйишди. Мустақиллик шарофати билан вилоятнинг ўзида китоб чоп этиш йўлга қўйилди. Илгари Хоразмда китоб чиқариб бўлмас, бунга рухсат ҳам йўқ эди. Китобни пойтахтдаги нашриётларда чиқариш учун анча машаққатлар чекиш, бир неча марта борди-келди қилиш лозим эди. Иш вилоятнинг ўзида йўлга қўйилгач янги-янги «булоқ»ларнинг кўзи очилди, адабий ҳаракатга янги-янги истеъодлар келиб қўшила бошлади. Пировардида наср ҳам юксалиш сари юз тутди. Насрда қалам тебратаётган ижодкорлар сафи кенгайди.

Ана шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Хоразм адабий муҳити бугунги кунда ҳам ўз фаоллигини йўқотгани йўқ. Ўзбек шеърини осмонининг бугунги



юлдузларидан бири ҳисобланган элдошимиз, Ўзбекистон халқ шоири, Давлат мукофоти совриндори, 50 га яқин бебаҳо китоблар муаллифи Омон Матжон Хоразм фарзанди эканлигидан ҳақли равишда фахрланамиз. Яқинда таваллудининг 70 йиллигини фаол ижод оғушида кутиб олган таниқли шоир, носир ва драматург, 30 га яқин шеърий китоблар, «Дарёсини йўқотган қирғоқ», «Тангри қудуғи» романлари, бир неча драмалар муаллифи Эркин Самандар ҳам Хоразм адабий муҳитида етишиб чиққан, камол топган, қўлаб асарлари бир неча тилларга таржима қилинган, ўқувчилар хурмат-эҳтиромига сазовор бўлган пешқадам ижодкорларимиздан биридир. Эркин Самандар «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» деган фахрли унвон соҳиби ҳамдир.

Хоразм адабий муҳитининг бугунги кундаги ривожини ва равнақини таниқли шоир ва таржимон, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, 2002 йилнинг «Энг яхши шоири» номинацияси бўйича «Офарин» мукофоти совриндори Матназар Абдулҳакимнинг самарали ижодисиз тасаввур қилиш сира мумкин эмас. Унинг файласуфона, лирик, гоёт бадийий етук шеърлари ва китоблари, минглаб мухлисларнинг китоб жовонларидан аллақачон ўрин эгаллаган, ўқувчиларнинг сеvimли асарларига айланган.

Матназар Абдулҳакимнинг таржимонлик фаолияти ва маҳорати ҳам алоҳида таҳсинга муносиб.

Хоразмнинг яна бир умри адабиётга бахшида, тиниб-тинчимас, фидоий ижодкори — Комил Аваз. Комил Аваз 30 га яқин китоб муаллифи. Унинг «Қўналға» романи кўпсонли ёзувчи ва адабиётшуносларнинг ҳамда китобхонларнинг ҳақли эътирофига кўра ўзбек насри ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилганлиги бизни беҳад хушнуд қилмоқда.

Хоразм адабий муҳитида роман жанрига қўл ураётган ижодкорлардан бири шоир ва носир Давлатёр — Қўзи Давлатовнинг номини алоҳида тилга олишни истар эдим. Мустақиллик унинг ижодига қанот бахш этди. Истиқлол йилларининг ўзида унинг 6 та шеърий китоби чоп этилди. Кўпгина шеърлари қўшиққа айланди.

Давлатёр адабий жамоатчилиқни, кўп сонли китобхонларни 2001 йилда кутилмаганда йирик бадийий асар — «Хусумат» деб аталган роман билан хушнуд этди.

Шуниси қувончлики, Давлатёр яқинда ана шу катта эпик асарининг иккинчи китоби — «Йиллар сурони» деб аталган романини ҳам нашрдан чиқарди. Давлатёр бу романда Исфандиёр хонлигининг 1910-1918 йиллар оралиғидаги даврида юз берган ҳаётий воқеа ва ҳодисаларни бадийий тадқиқ этган.

Қувонч устига қувонч: таниқли шоир ва носир «Ургач оқшоми» газетаси муҳаррири Сотим Аваз «Муруват чоғи», моҳир журналист ва ёзувчи Рўзимбой Ҳасан эса «Оқ майдондаги ёлғиз уй» деб аталган илк романларини ёзиб, чоп этишга ҳозирлаб қўйишди.

Вилоятимизда қисса ва ҳикоя жанрида ҳам камоли эҳтирос ила, баракали қалам тебратаётган адибларимизнинг ҳам қўшларини эҳтиром билан тилга олиб ўтиш мумкин. Жумладан, Шухрат Маткаримнинг «Ёнаётган одам», «Рақс», «Қиш қуиларининг брида», Юсуф Латифнинг «Ора йўлдаги одам» қиссасини, «Оқтой» ҳикояси, Рўзйобий Қўлматнинг «Иситма», «Аҳмад», «Рух», «Йўлда», Исмоил Олбергановнинг «Тўй нони», «Интиқом» ҳикоялари Хоразм муҳитида яратилган яхши асарлар жумласидан эканлигини қайд этиб ўтишни истар эдим.

Шу ўринда яна бир янгилик! Бўлимимиз Хонқа туманида фаолият юритаётган «Этиқод» хусусий фирмаси (раҳба-

ри журналист Қадамбой Солаев) билан адабий ҳамкорликда «Дийдор» деб номланган газета чиқаришини йўлга қўйган эдик. «Дийдор»нинг нашр этилиши вилоятда адабий ҳаракатчиликнинг жонлиниб кетишига самарали ёрдам берди. Юқорида мен тилга олган қисса ва ҳикоялар, шунингдек, Жуманазар Юсупов, Сайёра Самандарова, Йўлдош Эшмурод, Бахтиёр Маҳмуд, Абдулла Ўрозбоев, Зебо Нурзода, Шокир Бек, Дурношша Худойназарова, Даврон Ражаб, Мурод Иброҳим, Маҳмуд Ражаб сингари кўпгина талантли шоирларимизнинг туркум шеърлари ана шу газета саҳифаларида чоп этилди ва ўқувчиларда яхши таасуротлар қолдирди.

Ёш муаллифлар асарларини алоҳида китоб ҳолида нашр этишда «Хоразм» нашриётининг мадади ва ёрдами таҳсинга муносиб бўлмоқда. Ушбу нашриётда кейинги тўрт беш йил ичида ёш ижодкорлар қаламига мансуб юзга яқин китоб чоп этилганлигининг ўзи ёшларга ғамхўрликнинг ёрқин бир намунасидир. Жумладан, ушбу нашриётда анъанавий «Зомин» учрашувлари қатнашчиси, ёш шоирларнинг Эллиққалъада бўлиб ўтган «Оқчакўл илҳомлари» биринчи республика кўрик-танловининг биринчи ўрин совриндори Умида Нурзоданинг «Юрагимдан яралган тилак», Фароғат Жабборованинг «Юрагимда яшайсан, Ватан», Зебо Юсупованинг «Меҳр истаб», Назокат Шербоеванинг «Бинафшагинам», Зумрад Худойберганованинг «Сизни ўйласам», Мунира Рўзметованинг «Ғунча табассуми», Нафосат Ражабованинг Тошкентдаги «Истиқлол» нашриёти 2004 йилда ўзбек ва инглиз тилларида чоп этган «Меҳр қўёши», Нодира Янгибоеванинг илк шеърлар китоблари вилоятимизда умидли ёш талантлар гуркираб етишиб чиқаётганидан далолат беради. Шоира қизларимиз Муножот Абдуллаева, Фароғат Жабборова, Умида Нурзода Зулфия номидаги республика Давлат мукофотининг совриндорлари бўлишгани ҳам адабий ҳаётимизда қувончли воқеа бўлди. Ёш ижодкорларнинг «Зомин-2005» анъанавий кўрик танловида иштирок этган ёш шоира Нафосат Ражабова совринли ўринни эгаллаб, пул мукофоти ҳамда қимматбаҳо совға соҳиби бўлганлиги ҳам унинг келажагига катта умид уйғотди.

Ёш ижодкорларимизнинг шеърият сирларини, умуман адабиётшунослик тартиб-қоидаларини қувонч билан эгаллашларида вилоят маънавият ва маърифат маркази қошида фаолият кўрсатаётган «Ёғду» клуби (раҳбари Муҳаббат Сафоева), вилоят болалар кутубхонаси ҳузурида ташкил этилган «Адабиёт меҳмонхонаси» тўғрагида мунтазам равишда олиб борилаётган машғулотлар, воҳанинг таниқли шоирлари билан ўтказилаётган учрашувлар, қизиқарли мушоиралар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни пайтда вилоятда республика ёзувчилар уюшмасининг йигирма нафардан зиёд аъзоси яшаб, ижод қилишяпти. Бурноғи йили Уюшманинг Абдулла Орипов раҳбарлигида бўлиб ўтган кўчма йиғилишида Йўлдош Эшмуродов, Насиба Юсупова, Исмоил Оллаберганов ҳамда Муҳаббат Сафоевалар уюшма аъзолигига қабул қилинган эди. Бултур яна бир ишчи-шоир Раҳимберган Каримов ҳам ибратли ижоди инobatга олинди, уюшманинг аъзоси бўлди.

Ҳа, воҳамизда йил сайин яхши-яхши асарлар яратётган, истиқлол шарофати ила мустақиллигимизни мустаҳкамлашга камарбаста бўлиб, бадийий сўз хазинасига ўз топилдиқлари, дил изҳорлари билан ибратли улуш қўшаётган кекса, ўрта яшар ҳамда ёш авлод вакиллари ҳисобланган ижод аҳллари — шоир ва носирлар, драматург ва адабиётшунослар жуда кўп. Бу ўринда кейинги

йилларнинг ўзида бир неча китоблар чоп қилдирган уюшма аъзолари: Фозил Зоҳиднинг, шунингдек Жумабой Матёқубов, Оллаберган Пўлатов, Рустам Назар, Гавҳар Ибодуллаева, Сотим Аваз, Ҳамдам Абдуллаев, Нурмат Қобулов сингари адабиётшуносларнинг, бир неча китобларнинг муаллифлари ҳисобланган Неъматжон Солаев, Раззоқ Иброҳим, Қўзи Исмоил, Маҳмуд Ражаб, Болтабой Бекматов, Бахтиёр Маҳмуд, Эрпўлат Бахт, Содикжон Иноятов, Отабек Исмоилов, Абдулла Сафоев, Жўшқин, Саҳий Аҳмад сингари ижоди шишиқ, маҳорат сирларини анчагина эгаллаган қалам соҳибларининг адаби-

ёт майдонидаги меҳнатлари ҳам таҳсинга сазовор. Зеро, Истиқлол улар учун самарали ижод қилишдек нурафшон йўлларни ҳар тарафлама кенг ва равон очиб берди. Адабиёт майдонига от суриб кирган чинакам қалам аҳлига бундай имкониятдан фойдаланмаслик асло ярашмайди. Ижод масъулиятининг талаби ҳам шу: Истиқлолга, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга бадий, яхши сўз воситасида сидқидилдан хизмат қилиш ҳамда умрбоқий асарлар яратиб, халқимизнинг мунаввар саодатдан баҳраманд юракларига завқ-шавқ бахшида этишдир.

### ДИЙДАМГА СЕН ҚҲЙСАҒ ҚАДАМ

*Гулбадан, айлаб ибо, кўнглим олурга дам-бадам,  
Айлагайман жон фидо, дийдамга гар қўйсанг қадам.*

*Сенга неки жон фидо, борим менинг ҳар он фидо,  
Гулжабинлар ичра йўқдир сен каби бир муҳтарам.*

*Айланар дostonга васфинг дурри гавҳарлар сочиб,  
Тарк этиб уйғу саҳарлар ҳар неча сурсам қалам.*

*Кўнглим ичра чарх уриб бўлбул навосозлик қилар,  
Хислатинг бир-бир санай тортиб раҳам узра раҳам.*

*Айлагайдурсан намоёиши минг бир хислат, дилрабо,  
Кўйласам минг бир кеча, чехра очиб минг бир карам.*

*Билмагайсан, дилда борим, минг яшиб маҳшиар қадар,  
Ғам недур, недур ситам ҳам дард недур, недур алам.*

*Ошиқ Эркин айлагай минг бир губорин тўйтиё,  
Маҳвашим, яйраб келиб, дийдамга сен қўйсанг қадам.*

### ҚАЙДА СЕН КАБИ ҲХШАШ

*Дуч айлади Яратган, ёр, сен каби лобарга,  
Жисми-жони муаттар, ҳуши ибо, зулфи зарга,  
Севги боғида илмам ўзга бирин назарга,  
Алишмагайман тилло, дурларга баробарга,  
Қайда сен каби менгзар шамшиодга, санобарга.*

*Аслинда-ку ёр танлар бозор эмас муҳаббат,  
Севган-севилганларга озор эмас муҳаббат,  
Бир ситамкорга муштоқ ё зор эмас муҳаббат,  
Алишмагайман тилло, сурларга баробарга,  
Қайда сенингдек ўхшаш шамшиодга, санобарга.*

*Дилдорига садоқат қолган Одам Атодан,  
Чин сеvgи қароргоҳин қуриб бўлмас матодан,  
Фарҳоддир ишқда кимки холи эса хатодан,  
Алишмагайман сени ҳурларга баробарга,  
Қайда сен каби менгзар шамшиодга, санобарга.*

*Вафо деган, маҳвашим, давлатларинг мўл бўлсин,  
Меҳрингдан тома-тома дарё бўлсин, кўл бўлсин,  
Сен борда кўнглим ичра бошиқаларга йўл бўлсин,  
Алишмасман Ошиқ Эркин нурларга баробарга,  
Қайда сен каби менгзар шамшиодга, санобарга.*

### МУҲАББАТ ДЕГАН ДАВЛАТДА

*Ман ишиқ деган давлат фуқаросиман,  
Ғусса ила ғам найлагай бу давлатда.*

*Тўладир шодликка, бахту саодатга,  
Дийдалари нам найлагай бу давлатда.*

*Меҳру вафодандир унинг ҳар саройи,  
Қадди-бўйи ҳам найлагай бу давлатда.*

*Пойдевори адолатдан бу давлатнинг,  
Ошиққа ситам найлагай бу давлатда.*

*Туганмасдир бу давлатнинг завқи-шавқи,  
Баҳрасиз одам найлагай бу давлатда.*

*Бахтиёрдур унда бари сеvишганлар,  
Фароғатсиз дам найлагай бу давлатда.*

*Унда барча ошиқ-мошиқ мурувватлик,  
Ахир бекарам найлагай бу давлатда.*

*Бахту саодатдан порлоқ пешонаси,  
Бесубут санам найлагай бу давлатда.*

*Бу давлатда йўл ҳам йўқ бевафоларга,  
Ўғри, муттаҳам найлагай бу давлатда.*

*Йўл йўқ бунда на озор, на жафоларга,  
Дил эзар алам найлагай бу давлатда.*

*Ошиқ Эркин, адоси бўл муҳаббатнинг,  
Содиқ эсанг ғам найлагай бу давлатда.*



# Оналик ва болаликка эътибор

Хоразм вилояти хотин-қизлар кўмитаси «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирлар доирасида аёллар ва болалар соғлиғини яхшилаш, улар ўртасида ногиронликни камайтириши, соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиши ишларини аҳолининг онгига синдириши борасида муайян ишлар олиб бормоқда.

Вилоятда хотин-қизлар, ёшларнинг ҳам ақлан ҳам жисмонан ривожланишлари учун барча шароитлар яратилган. Иқтидорли қизларнинг Зулфия мукофоти вилоят кўрик-танлови, «Олма аёл» уюшмаси билан бирга «Ёш олималарнинг илм-фан тараққиётидаги роли» мавзусидаги илмий-амалий анжуманининг юқори савияда ўтказилиши ишлар жумласидандир.

Вилоятда аёллар ва ёшларни спортга жалб қилиш, спортни ривожлантириш мақсадида Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, вилоят хотин-қизлар кўмитаси, «Олма» илмий-амалий маркази, «Маҳалла» жамғармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши билан ҳамкорликда тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди. 2005 йилнинг шу давригача кўплаб спорт тадбирлари ўтказилди. Наврўз, 8 март байрамлари, 15 май-Олма кўни муносабати билан хотин-қизлар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилди. Шунингдек, 8-12 июн кунлари Чирчиқ шаҳрида ўтказилган Республика аёллар спартакиадасида ҳам вилоят вакиллари муваффақиятли қатнашди. Жорий йилнинг 2 июнида Олимпия захиралари коллежида ногирон болалар ўртасида II-вилоят ёзи махсус спорт ўйинлари ўтказилди.

Вилоятда хотин-қизларни иш билан таъминлаш, ишчи ўринлар яратиш масалаларига ҳам эътибор қаратилмоқда. Шу бугунгача иш билан таъминлашни сўраб мурожаат қилган 9678 хотин-қизларнинг 4564 нафари иш билан таъминланган, 3313 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланган, 404 нафари қайта ўқишга, 559 нафари жамоат ишига жалб қилинган.

Вилоятда кам таъминланган кўп болали оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Болалар жамғармаси ташаббуси билан Хонқа тумани Томадурғадик қишлоғида ЮНИСЕФ ташкилоти ҳомийлигида «Олчин умид учқунлари» ўқув ишлаб чиқариш маркази ташкил қилинди. Марказда бугунги кунда 42 ишчи ўрни мавжуд бўлиб, нон-кондитер маҳсулотлари, макорон, музқаймоқ ишлаб чиқариш, паррандачилик, болалар бозчаси фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек марказда аёлларни ва ёшлар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, оилавий тарбия масалалари, ёшларни касб-ҳунарга ўрнатиш, уларни спортга жалб қилиш борасида бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Шу билан бирга вилоятда хотин-қизлар саломатлиги, экологик муҳитнинг носоғломлиги ҳам муаммо бўлиб қолмоқда.

Тиббий кўрик натижаларига кўра хотин-қизларнинг 75,8 фоизидан экстрагенитал касалликлар бор. Вилоятнинг экологик жиҳатдан носоғломлиги оналар ва болалар саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Оналар ва болалар ўртасида камқонлик, бўғоқ, буйрак касалликлари кўплаб учрамоқда. Бу борада аҳоли ўртасида барча мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида тушуштириш ишларини олиб боришмоқда.



Матназар АБДУЛҲАКИМ

# Сангиб кетар севингдан бағир

\*\*\*

Қаттиқлиги эмас ширин жонимнинг,  
шабада эггувчи нозик бир лола  
мени сақлаб қолар тошбўрон бўлсам  
ва қайтадан яшар қаршимда олам.

Дўстлар кўз ёш тўкиб руҳимни эзар  
қилганида жоним вужудимни тарк.  
Нафисгина шу гул, шу лола эса  
жимгина, жимгина тўкади гулбарг...

\*\*\*

Билмадим, бу қандай урғубат,  
Билмадим, бу қандайин бир ҳол.  
Бизлар ҳақда хоразмлик деб  
Ёзмоқдалар таржиман ҳол.

Энди эгик бошлар осмонда,  
Сангиб кетар севингдан бағир.  
Бизга маҳкум бўлди умрбод  
Шу зирқираб тургувчи фахр.

\*\*\*

Ёлғиз бир йўл — ўзинг...  
Ярим йўлдаман.

Илтижо қиламан,  
Мени тарк этма.

Чўққиларга боғлаганим, умидим,  
узилиб кетма!..

## МУҒОМБИР

Куракда турмас бир фикр-фавод  
айтгин,  
пайингни қирққан у минтазам,  
Кўйингдан тўппонча, тепкиси қайтган,  
отиб ташламоққа ичгансан қасам.

Кирасан мудҳиши бир ўчга шайланиб,  
у кўрқмас. Севиниб кетади,  
Ўргилар айланиб-айланиб,  
Ихлосини изҳор этади.

Отиши қайда!.. Ичиндан сўқинасан,  
газабингдан туша бошлайсан аста...

Туриб-туриб, қаттиқ ўқинасан  
олиб келмаганинг учун... гулдаста.

## ОҚШОМ ХАЁЛИ

Юлдузлар йиғлайди. Юлдузлар кулар,  
Ёғду бўстонда йўқ поён, йўқ чек.  
Уйқунмас, сени севади улар,  
Уларнинг кўзлари... чўлпондек.

Биладилар, ҳозир ҳар лаҳза олтин,  
бахтдир, ёниб сенга нигоҳ солмоқ жим.  
Бечоралар қуёш чиқишидан олдин  
дийдорингга тўйиб қолмоқчи.

\*\*\*

Севгим, кел, жон жонсиз қолмасин,  
Дашт бўлиб дил, бўстонсиз қолмасин.

Тонггача ботдинг-да кетдинг, эй қуёш,  
Душманинг ҳам меҳрибонсиз қолмасин.

Кўзларимда чақнасинлар кўзларинг,  
Осмонлар осмонсиз қолмасин.

Ҳамма яхши сен учун, бир мен ёмон,  
Яхши дунё бир ёмонсиз қолмасин.

Ўй-хаёлимни сира тарк айлама,  
Богларим сарви равонсиз қолмасин.

Тўхтаб ол. Кетмоқдадирсан кўп равон,  
Қўтлуғ ишқ йўли довосиз қолмасин.

Айрилишни мағлуб эт, Абдулҳақим,  
Ишқ мулки паҳлавонсиз қолмасин.

\*\*\*

Хилватда ўлиши мумкиндир вафо,  
Кўнада ўлиши мумкиндир ва ё.  
Насиб бўлган жойда қилади вафот,  
Завол турин танлаб ўтирмас ҳаё.

Лекин Виждон эмас ширчаки бир жон,  
Инкор қилмас буни ҳеч бир муҳтаҳид.  
Жон таслим этмайти ширчаки виждон,  
Виждон курашларда бўлади шаҳид.



\*\*\*

Ҳал бўлса ҳар муникул муаммо,  
бахт бахш этиб шодликлар жонга,  
севинг яхши кунларни, аммо  
теллақларни отманг осмонга.

Юракларни тарк этгайдир ҳақ,  
унут бўлар замин ва замон.  
Бўлар-бўлмас қийқириб, қувноқ  
Теллақ отиши хумори ёмон.

Довдиратар тентак бир фикр,  
Кўретамай кам-кўстларингизни.  
Уза олмай қоласиз, ахир,  
теллақлардан кўзларингизни.

## ВАҚТ

Қовғираб ўй сурак маҳзун ва карахт,  
На бир дона мева, на бир яшил барг...  
Фақатгина минг йил яшади дарахт,  
Жувонмарг...  
Жувонмарг...  
Жувонмарг...

Энди унга ҳамма томон барибир,  
Жануби, шимоли, ғарби, шарқи йўқ.  
Ҳаётнинг кўзқорин умридан  
фарқи йўқ...  
фарқи йўқ...  
фарқи йўқ...

\*\*\*

Илож қанча. Кетиб бормоқдаман мен.  
Қайсар сенпарвар ва ғамгин бир одам.  
Ҳеч бўлмаса, ҳамроҳ бўлладинг сен,  
Умриг ҳамроҳим — иродам.  
Қолаёттир сен деб айтганим кўйишқ,  
Қолаёттир андуҳ—сен деб чекканим.  
Қолаёттир меҳр, қолаёттир ишқ  
Чарос кўзларингга экканим.  
Қолатинг қолмоқда ниҳолдек дурқун,  
Қолмоқда руҳсоринг—қўтлуғ бир чаман...





# ХОРАЗМ

## МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

1004-1017 йилларда Хоразмшоҳлар давлатининг маркази Гурганчда (ҳозирги Туркменистоннинг Кўхна Урганч шаҳрида) замонасининг йирик олимлари тўпланган ва тарихда Маъмун академияси деб ном олган илмий маскан фаолият кўрсатган.

Маъмун академиясида Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Саҳл Масиҳий, Абу Наср ибн Ироқ, Абу Саид ибн Муҳаммад ибн Мискавайх, Абул Хайр Хаммор, Абу Мансур ас-Саолибий, Аҳмад Муҳаммад ас-Саҳрий, ал-Хўжандий, Зайниддин Журжоний, Абулкарим Зирғамий, Абу Абдуллоҳ ал-Вазир, Абул Ҳасан Маъмун, Абу Муҳаммад Хоразмий, Абдувал ибн Абдусамадий, Абу Аззоқ ибн Баҳром, Абу Абдуллоҳ Илоҳий, Абусаид Шабибий, ан-Нассабурий, ал-Хорожий, ал-Хамдакий, Аҳмад Маъсурий, Абу Муҳаммад Раккоший, Ҳомид Хоразмий, Абу Бақр Муҳаммад Хоразмий, Камарий, ал-Сухайлий ва бошқа олимлар ижод қилганлар. Улар математика, астрономия, кимё, тиббиёт, фалсафа, тарих, руҳият, мантик, тилшунослик, таълим-тарбия, адабиёт, мусиқа, география, геодезия, механика сингари турли фан соҳалари билан шуғулланиб, уларнинг келажакда жаҳон миқёсидаги ривожига замин яратганлар.

Хоразм Маъмун академияси асрларга татигулик икки буюк сиймо — Беруний ва Ибн Синони етказиб берди; дунёвий илмлар, хусусан, математика, кимё, геодезия, минерология, тиббиёт, доришунослик, тарих, сиёсат, тил ва адабиёт, фалсафа, мантик, ҳуқуқ каби фанлар юксак босқичларга кўтарилди. Маъмун академияси минтақада фанни ривожлантирибгина қолмай, балки турли давлатлар ўртасидаги маданий алоқаларни ҳам мустаҳкамлади, турли халқларни, эътиқодларни бирлаштирувчи дўстлик риштаси бўлиб тарих саҳифасига ёзилди. Шунингдек, бу илмий жамоада гипотеза тар-

зида олға сурилган ғоялар илм-фаннинг кейинги 500 йили ривожини учун омил бўлди.

Маъмун академияси 1017 йилда Маҳмуд Фазнавий томонидан Хоразмнинг босиб олиниши билан ўз фаолиятини тўхтатса-да, бу илм масканида ўртага қўйилган илмий ғоялар, муаммолар атрофида мунозаралар давом этди ва ривожлантирилди. Кейинчалик, Хоразмда етишиб чиққан Замахшарий, Сулаймон Боқирғоний, Чағманий, Нажимиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд каби пиру устозлар ҳам шу академиянинг бевосита давомчиларидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1997 йил 11 ноябридаги Фармонида асосан Хива шаҳрида Хоразм Маъмун академияси қайтадан ташкил этилди.

Академиянинг таркибидаги «Археология, тарих ва фалсафа» бўлимининг ходимлари «Хоразмда қадимги ва ўрта асрлар ўзбек давлатчилиги тарихи», «Ўзбек халқининг этник тарихида Хоразм воҳасининг ўрни», «Хоразм вилояти археологик ёдгорликларини тадқиқ қилиш» мавзулари бўйича илмий изланишлар олиб боришди.

«Ўзбек халқининг этник тарихида Хоразм воҳасининг ўрни» мавзуси бўйича Хоразм воҳасида мавжуд бўлган айрим этник гуруҳлар ва элатларнинг жойлашуви аниқланди. Уларнинг урф-одатлари, турмуш маданиятлари ҳақида маълумотлар тўпланди.

«Қадимги ва ўрта асрларда Хоразм давлатчилиги тарихи» мавзуси бўйича археологик изланишлар, ёзма гувоҳликларни таҳлил қилиш ҳамда қадимги давлатчилиги тарихини ёритувчи илмий манбалар муомаласига киритилди. Ўзбек давлатчилигининг асосини ташкил қилувчи Хоразм давлатчилиги тарихини 3000 йиллик, деб олишга илмий исботлар етарли эканлиги аниқланди.

«Тил ва адабиёт» бўлимида «IX-XIII асрларда Хоразм ёзма адабиёти ва оғзаки эпос, IX-XIII асрлар Хоразм ёдномалари тили» мавзуси бўйича Хоразм ёзма адабиёти ва оғзаки афсоналар ҳамда ривоятлар «Авесто»даги мифологик қатлам билан қиёсий таҳлил қилинди. Оғзаки ва ёзма намуналар таҳлили орқали адабий ва бадиий тилларга хос хусусиятлар, уларнинг ўзаро таъсири ўрганилди.

1997-2002 йилларда «Биология муаммолари» бўлимида 4 илмий мавзу бўйича тадқиқотлар бажарилди. Хоразм воҳаси тупроқ-иқлим шароитларида истиқболли серҳосил, касалликларга ва зараркунандаларга чидамли ўсимликларнинг навлари ўрганилди. Экинларни алмашлаб экишнинг биологик асослари тадқиқ қилиниб, 12 нав гўза, 2 нав буғдой ва беда, 10 нав шолининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги ўрганилди.

Вилоят шароитида асосий, оралиқ ва такрорий экинларда озуқавий экинларни парвариш этишнинг самарали технологиялари ва маккажўхорининг уруғлик тизимини яратиш бўйича изланишлар амалга оширилди.

Сув танқислиги шароитида ерларнинг шўрини ювиш, чигит уруғини оптимал муддатларда ундириб олиш, экинларни мавсумий суғоришларда захкаш сувлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

2003 йилдан бошлаб академияда 2 фундаментал ва 8 амалий дастурлар бўйича 52 ходим, шу жумладан 2 академик, 11 фан доктори ва 26 фан номзоди илмий изланишларни амалга оширмоқда.

Хоразм Маъмун академияси жамоаси илмий тадқиқотларни халқ хўжалиги талаблари асосида шакллантириш, уларни мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратиш, бюджет маблағларининг самарадорлигини оширишда устивор фундаментал тадқиқотларни амалга оширишга интилмоқда.

Бозор муносабатлари шароитида фанга нобюджет маблағларни кенг жалб қилиш, бу борада халқаро илмий дастур ва грантлар, хорижий давлатлар илмий марказларининг фаолиятдан кенг фойдаланиш ҳамда хўжалик шартномаси асосида бажариладиган ишларга эътибор кучайтирилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида олимларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида ўқув жараёнида, ўқув дастури ва ўқув қўланмаларини яратишда олий ва ўрта таълим тизими билан самарали ҳамкорлик қилинмоқда.

Хива тумани ёш табиатшунослар ижод маркази негизида кичик академия ташкил қилиниб, унинг фаолияти Маъмун академияси раҳбарлигида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон мустақиллигини иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш, миллий мафкура, маънавият ва миллий қадриятларимизни халқ орасида тарғиб қилишда академия олимлари фаол қатнашмоқдалар. Академияда Беруний номидаги илмий семинар фаолият кўрсатмоқда.

Хоразм Маъмун академияси қошида хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатувчи «Доривор ўсимликлар боғи» ташкил қилинди. Хоразм Маъмун академиясининг наشريёти ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда.







Шухрат МАТКАРИМ

# Раис

## Ҳикоя

Ширкат бошқаруви биноси олдига раиснинг оппоқ «Волга»си келиб тўхтади. Эрақау аёл оёққа қалқди.

— Ҳа?! — кутаётганларга ёвқараш қилди раис. — Этадиган ишларинг йўқ-да, идорага югурасизлар. — Баланд бўй, қориндор раиснинг кайфияти йўқроқ. Важаҳатидан битга-яримгани тутиб урадигандай эди. Кутаётганларнинг дами ичига тушиб кетди. Раис хонасига йўналди. Йигирма ёшлардан эндигина ҳатлаган такаббур, аммо юриш ва қарашлари ажиб қилиқли қиз — котиба дик этиб ўрнидан турди.

— Ҳоким сўраган эди.

Раис қўлини бепарво силкиди.

— Чой бер!

У хонасига кириб оромкурсига чўқди. Кўзларини юмиб, бошини орқага ташлади. Бир нафас тин олди. Телевизорни ишлатди. Экранда ям-яшил водий, сокин чайқалаётган кўл ва негадир ҳар бири яланғоч аёлни эслатадиган бепоён қайинзор тасвирлари намоён бўлди. Телевизорнинг товуши қулоққа гоҳ чалинар, гоҳ чалинмас даражада паст эди. Овознинг раисга ҳожати ҳам йўқ эди ҳозир. Шундоғам асаблари таранг.

Бироз ўтиб қўлида чойнак билан котиба қиз кирди.

— Ҳоким сизни тополмаётганмиш...

— Ким бор қабулда?

— Одам кўп.

— Кирсинлар бир-бир.

\* \* \*

Эллик беш ёшлардаги қишлоқ оқсоқоли ўттиз ёшлардаги қотмагина, қўнғиз мўйлов йигитни бошлаб кирди.

— Ассалому алайку-ум, раис бува! — бироз эгилди оқсоқол.

Йигит миқ этмади.

— Ҳа, саломингни еб қўйдингми?

— ...

— Ҳей, сен не деяжаксан ўзи?! — Раис ўрнидан сапчиб турди. — Устимдан ёзиб, мени қўрқизажакмисан?! Шимбил қоқини ебсан, билдингми? Сендан қўрқсам, раис бўлиб ишламайман.

Йигит тишларини асабий ғижирлатди, кўзлари нафратдан қисилди.

— Тушундингми?! — раис кетмондай кафти билан столни гурсиллатиб урди. — Қаллангни юлиб ташлайман!

— Қичқирманг-эй! — йигитнинг ҳам асаби дош бермади. — Қичқирманг менга! Сизга ҳам кучи этадиган бордир, ахир, районда!

— Мен сенга айтдим, ҳей! Бор, боражак ерингга бор! Лекин сени... сени ширкатдан кўчиртираман. Шикоят ёзадиган қўлларингни чоптираман. Ҳей, сени ёзувчи бўлган энангни...

— Энага ёпишманг!

— Раис бува-аа, — ялинди оқсоқол. — Раис бува-аа...

Йигит томоғига алланарса тикилиб, ютинаман деган эди, кўзларидан ёш потирлаб чиқди.

— Раис бува-аа, — деди оқсоқол яна. — Шикоятини қайтиб оламан девотир бу. Агар...

— Агар ярим гектар ер қўшиб берсам, а?

— Йў-ўўқ, — оқсоқол йигитга юзланди. — Айт, ахир, бояги гапларингни, қоққан қозиқдай тураверасанми?

Йигит гапирадиган аҳволда эмас эди.

— Айт, — яна уни қистади оқсоқол. — Раис бува ўз қулоғи билан эшитсин.

— ...

— Несини эшитаман, шикоятда ҳаммасини ёзган.

— Қайтиб оламан девотир шикоятини...

— Эҳ-ҳейй! — Раис ғазабнок жилмайди. — Қайтиб олар эмиш... Ёзганлари прокурорнинг қўлидаю!

Ўртага ноқулай жимлик чўқди.

— Уларга ҳам яхши бўлди, — овоз чиқариб фикрлай бошлади раис. — Худо берган иш-да бу уларга ҳам... — Хўш, — деди раис қутилмаган осойишта оҳангда. — Невчун олиб келдингиз мунининг олдимга?

— Айт ахир! — эланиш жонига теккан оқсоқол ҳам йигитга ёвқараш қилди. — Тилинг томоғингга кетдими?

— Еримни ўтган йилдаги ўлчовда қолдирса... — аранг гулдиради йигит.

— Иложи йўқ мунинг. — Раис сизлар билан гап тамом дегандай телевизорга тикилди.

— Невчун иложи йўқ! — туйқус тетиклашди йигит.

— Қолдириб турган бор-ку.

— Менга қара, — раис йигитга қайрилар экан, яна кўзлари совуқ йилтиллаб кетди. — Нечча гектарга чиқардилар ерингни?

— Икки-уч.

— Кўпми бу?

— Кўп!

— Еринг бундан озми?

— ...

— Озми, айт ахир! Ана, лолсан ахир, айтолмайсан!

— Невчин айтолмайман. Айтаман! Бригадирнинг ерини...

— Йў-ўўқ! — Раис танглайини тақиллатиб кўрсаткич бармоғини чайқади. — Бригадирга осилишма. Унинг подаси бўлак. Еми ҳам бўла-ак. Сен ўзингни гапла.

Йигит яна жим қолди.

— Икки-ю уч озми-и, кўпми? — раис кафтини елпана қилди. — Сен муни гапла-аа.

— Кўп.

— Кўпми-ии? — раис қадини ростлади. — Эртага ўзимнинг одамларимни юбориб ўлчатаман ерингни. Чиққанини ёзсалар розимисан?

— ...

— Ҳа, нега индамайсан? Биласан-да еринг ундан ҳам кўплигини, а?!

— Бир меники эмас, ҳамманинг ҳам ери ортиқ.

— Ҳа-а, баракалла. Энди ўзингга келдинг. Ширкатдаги юз гектар ерим йўқ менинг. Ўтган йили икки юз эди. Бу йил юз гектарини қўштирдим. Ҳозирдан айтиб қўйин, эндиги йил ерингни икки ярим гектар деб ёзадилар.

— Навчун энди бизларникини ошираверади, бригадирники қолаверади?! Улар юраверами маза этиб?! — Не маза экан уларга, тушунмадим?

— Ўтган йили эллик тонна шоли олди бригадир...

— Йў-ўқ, янглишдинг. Етмиш тоннадан ҳам кўпроқ олган бўлса керак у!

— Ана, ўзингиз айтдингиз, уларнинг шохи борми?

— Бор. Сенга ўхшаган хезалак эмас улар.

— Оғзингизга қаранг! Ким хезалак?! — Сен хезалаксан! Бўлмаса хотинингни ўрис юртга юбориб, ночор одамнинг топганини е-еб ётасанми? Бир бригадир хотини ўрис юртга кетдима?

— Тўғри, кетмайди, йилина етмиш тонналаб шоли олса!

— Етмиш тоннани ўзи еймикан бригадир?

— Емий не иш этади?

— Не иш этади?! Шу етмиш тонна олади деган бригадир кеча-кундуз ётмайди. Итдай югуради. Биласанми шуни? Ёзу киш дам олмайди. Тахникани соз сақлайди, насосини ўчирмайди. Не запчас керак бўлса ўз киссасидан олади.

— Шунинг учун етмиш тонна шоли олиши керакми?

— Етмиш эмас, юз тонна олиши керак, икки юз тонна олиши керак. Бир комбайннинг ремени бозорда неча сўм эканини биласанми? «Олтой»нинг гилза-поршени қанча эканини биласанми? Биласанми, неча сўм?!

— Мен қаёқдан биламан?

— Сен билмайсан ахир! Чунки сен суришда уйингда ётасан. Совуқда кўчага чиқиш ёқмайди. Ини пирли ерда турибсан, ўзинг айта қўй, бу йил сенинг пудратингни кимлар сурди?

— ...

— Қачон сурди? Тракторчиларга ҳеч бўлмаса бир чойнак чой бердингми?

— ...

— Бундай гапларга келганда индолмайсан. Чунки билмайсан. Мен сенга айтиб қўяй, сенинг пудратингни сураётганда тракторларнинг тўрт марта плуги синди. Анави қўшни райондан ўғирлик этиб олиб турган тракторнинг гилза-поршени кетди. Учётчиги билиб қолиб тракторчини ишдан ҳайдаётганида ўша учётчикка бир тонна шоли берди бригадирнинг. Гилза-поршенни бозордан олиб ремонт қилдириб берди. Икки тракторчига беш юз килодан ҳақ берди яна. Энди сен ҳисоблаб кўр, бир сенинг пудратинг учун қанча шоли берибди бригадир?

— Запчасларни ширкат бергандир ахир?

— Сен бу яқин орада ширкатга бир ердан запчас келди, деб эшитдингми?

— ...

— Келмаса ширкат запчасни энасиникидан оладими? Ҳаммаси бозордан, ҳаммаси киссадан бўлиб турибди-ку буларнинг.

— Барибир менга ёзилгани кўп.

— Чиқ-ай, падаринга лаънат! Менам жилли сенга гап айтиб ўтирган.

— Еримни ўтган йилдагидай этиб қолдириб беринг!

— Бўлмайди дедим-ку. Чиқ!

— Эса яна ёзаман!

— Менга деса ёзиб ўлмайсанми, падарингга лаънат! Йигит бироз жим туриб, раисга кўзларини нафратдан қисиб тикилди.

\* \* \*

Раиснинг олдига иккинчи йигит кирди. Бу йигирма беш-йигирма етти ёшлардаги қоқ юз, чағир кўз эди.

— Ҳа, мулламиз, айланиб юрибсиз?

— Бизларга жой топиб бермасангиз бўлмайди.

— Бизларингиз ким?

— Келинингиз билан менга.

— Тушунмадим?

— Уйда ўнглашиб бўлмижак.

— Ўттиз йил ўнгишиб келган уйда уйлангандан кейин ўнглашиб бўлмай қолдингми? Уйланганингда қанча бўлди ўзи?

— Етти ой.

— Энди етти ой бўлган бўлса қариларга хизмат қилиш керак ҳали.



— Муслмон ота-онага эмас, Худого хизмат қилиши керак.

— Баракалла-а. Ҳали болаларимизни бузиб юрган ким деса, мен десанг-а!

— Амру маъруф айтамыз.

— Сени отанг уйдан қувган бўлса, яхши этибди.

Жой йўқ сенга, жўра.

— Топиб бермасангиз бўлмайди.

— Қизиқмисан-ай! Ширкатда жой қайда ахир?

— Хотиним билан кўприк тагинда яшайми бўлмаса?

— Бизни кига кўчиб бора қўй.

— Дим топмасак шундай ҳам этармиз ҳали.

— Ҳай, менга қара, — раис овозини пастлатди. — Сени мен туғдирдимми? Нечун дағдага этасан?

— Оғзингизга қараб гапиринг, раис бува! Кейин хафалашиб ўтирмайлик!

— Хафалашганда сен билан қуда бўлажакманми? Чик, санг-о, жой йўқ.

— Раис бува, кейин хафа бўлмаг яна!

— Ҳай бола! Бир ураман, ерга кирасан! Ҳай, сени ўқитган муллаларинг билан бирга қўшиб...

\* \* \*

— Мумкинми-и, раис бува? — Сочларининг ярми тўкилиб, ярми оқарган, оғзида олти-етти тиши қолган қирқ ёшларда бўлса ҳам ҳийла қари туюладиган бир киши кирди.

— Ҳа, Шомми, хотин билан яна уришдингми?

— Йўқ, раис бува, шу аввалги уришганимиз.

— Бўлмаса нега келдинг? Уни ҳал этдим-ку, ахир.

— Шу-да, раис бува, бўлмаётир.

— Бўлмаса-аа, — раис хохолаб кулди. — Муллага ўқитиб юбор!

— Йўқ, раис бува, ўйин эмас. Шу дўкончини бир чўчитиб бермасангиз бўлмайди.

— Қайси дўкончини?

— Шу маҳалланинг дўкончисини-да, раис бува.

— Невчин кўрқитиш керак уни?

— Шу-у, раис бува, бизни хотинни шу йўлдан уриб юрибди.

— Қўйсанг-а, бўлмаган гапни! Одамлар айтаверади.

— Йўқ, раис бува, ўзи айтди.

— Ким айтди?

— Хотиним.

— Не деди?

— Шунинг яхши кўраман, шу билан юраман дейди.

— Сен не дединг?

Йигит эгини қисди.

— Ҳай, манглайи қора, қирқ ёшда яхши кўриш бўлама, демадингми?

— Бир нарса десанг, кетиб қоламан, беш болани ҳам ўзинг боқаверасан, дейди.

— Аниқми шу гап?

— Аниқ.

— Уфф! — Раис бошини чангаллади. — Менга қара, — деди анча жимликдан кейин. — Шу хотинингни ўлимчи қилиб бир урмайсанми?

— Йў-ўқ-ай, раис бува, ночор одамни уриб бўладими. Кейин... яхши кўраман уни. — Йигит бироз жим қолди. Кейин пиқиллаб йиғлаб юборди. — Урсам кетиб қолад-ин... яхши кўрама-аан...

— Ана баракалла-ай! — раис бундай бўлишини сира кутмаганди. — Ҳай, йигит киши, йиғламасанг-ай!

— Кетиб қоламан дейди-и...

— Ҳа, кетса-кетсин! Қизиқ экансан! Барибир... кўзингга чўп солиб юрибди-ку.

— Мен... қандай уйланаман кейин? Олдимда дангирдоб бўлиб турган оғайним бўлмаса, тувганим бўлмаса. Болаларим бор кейин...

Раис телефон дастагини кўтарди.

— Ҳозир прокурорга айтаман. Айбини топиб қамайтиб юборади.

— Йўқ-йўқ, раис бува! — Шоша-пиша кўз ёшларини артди йигит. — Қаматманг, қаматманг! Мендан кўради кейин.

— Сендан не кўради? Ишидан бир гап топади прокурор.

— Йўқ, йўқ, кўрқитиб қўяверинг. Ўзингиз кўрқитиб қўяверинг.

— Қизиқ экансан сенам! Мен не деб кўрқитаман? Қаматтириб билмасам, уриб билмасам, сўқиб билмасам. Прокурорга айтаман, сенам қутулсан, хотининг ҳам қутулади.

— Йўқ, йўқ, раис бува! Иши прокурорга тушса, бизлардан пулини сўрайди...

— Не пул?

— Пул бериб қўйибди бизларга. Қарзга.

— Ўлма-а. Эса ўзинг айт, мен не иш этиб берай сенга?

— Кўрқитиб беринг!

— Не иш этиб кўрқитаман, ўргат йўлини! Вў-ў, дейми бўри бўлиб!

— Шу-уу... Сиз раисиз-ку. Бир йўлини қилинг...

Раис бироз жим қолди. Сўнг кафти билан столга урди.

— Бўпти! Боравер, ўзим гаплашиб қўяман.

— Раҳмат, раис бува, раҳмат! — Йигит эгилиб-эгилиб хонадан чиқди.

\* \* \*

Эшик «қарс-қурс» очилиб калта бўй, азбаройи тўлатўқлигидан юм-юмалоқ кўринадиган ўрта ёшлардаги аёл кириб келди.

— Ҳа, манглайи қора? — Хонага кира солиб раисга дағдага қила кетди у. — Дим улуг одам бўлиб кетибсан, кўринган одамнинг юрагини ёрасан!

Раиснинг лабларига беихтиёр кулгу югурди. Ўрнидан туриб кучоқларини ланг очиб аёл томон юрди.

— Келағай айланин, келағай бўйинган!  
— Тур-ай! — Раиснинг қўлларини уриб юборди аёл.  
— Жойинга ўтир, бўлмаса ўзим ўтқазиб қўяман!  
— Бир кучоқласам ўлиб қоларминдиг, мактаб вақтинда изларимда юрганларинг ёдингда йўқми?  
— Вой... вой... вой...  
— У не вой, вой? Дарров ёдиндан чиқдим?  
— Жилли эканман, шу вақтда сени маҳкам тутмадим...  
— Тутганингниң фойдаси йўқ эди, опам қозоқ қизни келин этмас эди барибир.  
Раис жойига бориб ўтирди.  
— Опанг билан ўзим гаплашар эдим.  
— Йўр-э...  
— Ҳай, бошқа гапларни қўй, бояги ваъдангни бажарасанми йўқми?  
— У не ваъда?  
— Ёшулли, гаранг бўлибсан, бугун ваъда берасан, эртанг ёдиндан чиқарасан.  
Раис оромкурсида ўтираркан, бошини орқага ташлаб хузур қилиб кулди.  
— Қачон тилинг тийилар экан.  
— Бўйрада. Гапни айлангирма, бўл тезроқ айт, қизимни ишга оласанми?  
— Ололмайман, — бирдан жиддий тортди раис. — Ололмайман. Қатнаб ишлолмайди ахир идорага. Ора узок.  
— Қатнайди...  
— Ҳай. Бевош, ишдан эрта кетари бор, кеч қайтари бор. Ёз бор, қиш бор. Ўн километрдан ортиқ ахир қатнайдиган йўли. Ана, уйингнинг ёнидаги боғчада ишлайверсин.  
— Бўлмайди боғча. Бухгалтер ахир у.  
— Бўлаверсин. Айтаман, оладилар ишга.  
— Туврисини айтгинми? Қизим шу ерда ишлаши керак.  
— Навчун, навчун ахир?  
— Анавуларнинг кўзи олдида кириб-чиқиб юриши керак қизим.  
— Ҳай, инди айрилишган бўлсалар, у жўрамиз ҳам бошқага уйланган бўлса-а, нетасан ётган илоннинг қуйруғини босиб?  
— Айй, айтасанда, — аёл шоша-пиша рўмолчасини юзига босди. Пиқиллаб йиғлаб юборди. — Не гаплар ўтмади орадан, не гаплар...  
— Ҳай, манглайи қора, не йиғлайсан? Не гап ўтган бўлса ҳаммаси ўтди-ку. Ана, уйланганига уч йил бўлса мундан ҳам боласи йўқ-ку бу йигитнинг, тавба этдим тагин...  
— Қайдан бўлади боласи, тамом бўлган у. Отаси пулдор. Тошкентда ўқиб юрганда квартира, мошин олиб бериб, эркалатиб қўйди. Бу ҳам ўқиш ўқимай, героин чекиб юраверган... Қизим зор йиғлади-ёв, зор йиғлади бормийман деб. Шу ўрлик этдик, бой хўжалик дедик, хор-зор бўлмайди, дедик. Ана энди мундай бўлиб чиқди.

Раис синфдоши Бозоргулнинг, бир вақтлари ўт-олов қиз, сочларининг ярми оқариб кетганлигини қўриб, негадир юраги эзилди.

— Ҳай, менга қара, мен-ку олавераман. Лекин яна одамлар гап топади-да, яна раис идорасина ёш қиз олибди деб.

— Ҳе, ўл! — Бозоргул кўз ёшларини артди. — Менинг ҳурматим бордир, ахир!

— Бор. Лекин одамларга ничик тушунтирасан буни?

— Одамларнинг гапи мени қизиқтирмайди.

— Бўпти унда. Кейин йиғлаб келмасанг бўлди. Олдим ишга қизингни.

— Раҳмат! Раҳмат сенга, раис.

\* \* \*

— Мумкинми-и, раис бува-а?

Эшик қия очилиб, ёши олтмишлардан ошиб қолган, сочлари оқ, кийим-боши ювила-ювила униқиб кетган киши кўринди. Унинг ҳаракатларида қандайдир ҳадиксираш сезиларди.

— Э-э домла, келинг! — раис ўрнидан туриб унга пешвоз юрди. — Қандай шамоллар учирди? Келмай кетдингиз...

— Сеням минг дардинг, минг эмчагинг бор, безовта қилавермай дейман.

Раис домлага чой узатди.

— Айтиб қўйибман-ку ахир, ҳечам тортинманг, деб.

— Айй, эшитиб юрибмиз. Дим ишинг ҳам, ёрдам сўрайтурган одамларинг ҳам қўпайиб кетган. Мен ҳам келаверсам бурнимни тортиб...

— Уларнинг йўли бўлак, домла, — раис олдида турган конфет солинадиган идишни домлага томон сурди. — Уларнинг йўли бўлак. Ёрдамни сиздан ортса, бошқалар олиши керак. Ҳадисларда ҳам бор экан: ку ахир, садақанинг энг яхшиси илми толибга берилган садақа дегани.

— Шундай деганинг учун ҳам раҳмат, раис. — Домла чўнтагидан мўъжазгина китоб чиқарди. — Мана бу сенга. Биринчиси, ўзимга ўқишга берилгани. Шунга сенга бўлсин дедим.

— Раҳмат, домла, — раис рапидадай кафтига китобни авайлабгина, худди полапонни ушлагандай эҳтиёт қилиб олди. — Ўтказиб берган пулим етдими?

— Етди, раҳмат! Лекин яна бир китобимни нашриёт планига киритибдилар...

— Хўш, хўш?

— Уям бир икки юз эллик, икки юз саксонгача бўлар экан...

Раис бир зумгина жимиб қолди.

— Ҳисобда-аа, пулим бор. Худога минг қатла шукур. Районнинг бирор ширкатининг йўқ ҳисобиди пул. Лекин менда бор. Бо-оор... Бирок, сизга тўғриси айтаверай, мени прокурор текшириб ўтирибди ҳозир. Шунга-аа...

— Бўлди, бўлди, тушундим, — домла ўрнидан кўзгалди. — Шунча ёрдам берганинг ҳам етар эди ўзи.



— Э-э, ўтиринг, ўтиринг, — раис ҳам ўрнидан бир қўзғалиб қўйди. — Мен ўйлаётирман, ўйлаётирман ҳозир. Овоз чиқариб ўйлаётирман...

Домла ўрнига қайтиб ўтирди. Хижолат бўлганидан бармоқларини қисирлатиб, қайириб ўйнай бошлади.

— Қийналиб кетдик-да, ўзиям, — домла минғирлаб гапира бошлади. — Қийналиб кетдик. Топганимиз учма-уч. Илм қиламан, изланаман десанг, ҳеч иложи йўқ. Миянга бир халта унинг расми туширилгандай қотиб ту-раверади. Қориннинг гами еб ташлар экан одамни.

Раис домланинг қув оқарган сочига, униқиб кетган кийимларига боқиб, негадир ўзини ноқулай сазди. Столга тиралиб турган қорнини ҳам бироз тортиб ўтиришга ҳаракат қилди. Шу домлагаям бир гектар, ярим гектар шоли экадиган ер бериб қўйишим керак асли, деб ўйлади у. Буларнинг ойликдан бошқа оладиган ўн тийини бўл-маса...

— Э, домла, қисинманг, — деди раис овози қутилма-ганда қандайдир синиқиб. — Ўлимдан бошқасининг бир иложи топилар.

— Қийналиб кетдик-да, — ҳамон такрорларди дом-ла. Овози ниҳоятда шикаста эди. — Югурсанг, елсанг бир умр. Ийна билан қудуқ қазсанг. Сўнгида мана мундай қилиб ўтирсанг...

Раис чўнтагини ковлаб бир даста доллар чиқарди. Учтасини олиб домланинг олдига қўйди.

— Қисинманг, дедим-ку, домла. Мана уч юз доллар. Алмаштиринг-да, истаган ишингизга ишлатаверинг.

Домла стол устида ётган кўкиш пулларга бир зум тикилиб қолди. Кейин раисга қаради. Кейин тагин пул-ларга.

— Йў-ўў, — деди домла. — Ололмайман мунди. Бу сенинг ўзингни пулинг.

— Менда бировнинг пули бўлмайди, ҳаммаси ўзим-нинг пулим.

— Ме-ен ширкат-ниркатнинг пулидан ўтказиб бер-санг, деган эдим, ҳамишагидай.

— Э-э раис қўлини силтади. — Буниям менга отам ясаб берган эмас. Ширкатники шуям. Қисинмасдан олиб кетаверинг, домла. Хўш, бошқа хизмат борми?

Домла ялт этиб раиснинг юзига қаради.

— Кечирасан, сениям ишдан қўйдим. — У ўрнидан туриб кета бошлади. — Бу пулингни бўлса, ололмайман.

— Домла! — деди раис кескин. — Олинг, анави пулни! Домла тўхтаб орқасига ўтирилди.

— Олинг, олинг, — раиснинг овози қутилмаганда қан-дай кескинлашган бўлса, ана шундай бирданига юмшади. — Олинг, менинг сизга шахсан ўзимнинг пулимдан бер-ган ёрдамим бу. Қайтанга орқайинроқ юрасиз.

Домла бироз ўйланиб турди-да секин қайрилиб пулни олди. Индамай чиқиб кетди.

— Уфф! — Раис худди елкасидан тоғ ағдарилгандай энгил тортиди ва бориб диванга аста чўқаркан: — Ким бор, кирсин, — деб қичқирди.

«Ҳей домла-эй, берган пулимниям зўрға олди. Ин-софсиз баттол бир текширувчи келса бир қат теринг-ни ҳам қўшиб шиламан, дейди. Вой, товба-аа, Худойим ҳам буларнинг ҳар қайсисини ҳар турли этиб ярата-верган-да!» — хаёлидан ўтди раиснинг.

\* \* \*

— Мумкинми-и, раис?

Хонага раиснинг тенгдоши, башанг кийинган йигит, қўлида сигаретасини буруқситиб кириб келди.

— Ке, кел! Лекин шу қўлингдаги тутатқингни таш-лаб келсанг, яхши бўлар эди.

— Наоборот! Сенам чексанг бироз озармидинг.

— Семирганда сенга оғирим тушиб тургани йўқ-ку!

— Менга-ку оғиринг тушиб тургани йўқ, лекин ким-ларгадир кўринишинг ёқмай қолганга ўхшайди.

— Ўзимам ҳайронман. Мажлисдаям талайди, ўзимни чақириб ҳам талайди. Не гаплигини айтмай-ди. Бугун ҳам тонг-азондан мени тополмаётганмиш. Мен ҳам ўтирибман, не бўлсанг бўл, сенам бир қисин деб.

— Ўзи районда ҳам цов-шув-да, сени ҳоким бўлади эмиш, деб...

— Биров сотган, энангни...

— Ким сотади, ким билади буни?

— Ҳайронман, ҳайронман.

— Шу шофёрингга ҳам кўп нарсани ишонасан-да.

— Ҳай, сенам қизиқсан, шофёрга ишонма, хотинга ишонма! Кимга ишонасан бўлмаса?!

— Ҳеч кимга! Ина гапинг чиқиб турибди-ку! Ё Тош-кентдагилардан биров-ярми оғзидан гуллаб қўйдимикан? Тошкентдагиларинг аниқ одамларми эди ўзи?

— Аниқ, аниқ. Ўзим ишга жойлаганман, ўзим шу вақтгача боқиб ўтирибман.

— Шунда нердан чиқади бу гап?

— Билмасам, билмасам.

— Энди, ўртага чиқдинг-да, жўра.

— Э-э, ўртасини ҳам, четини ҳам қўй! — Раис қутил-маганда ўрнидан турди. — Тур кетдик, бир жойга чой айтиб қўйибмиз. Ажойибидан икки нарса ҳам бўлади. Бир чарчоқлар чиқиб кетсин. Ҳаммасининг ҳам падари-га лаънат!

Икки ўртоқ «Волга» машинасига ўтириб шаҳарга қараб йўл олдилар. Раиснинг қабулига кириб ўз дар-дини айтолмаган беш-олти аёл гап-сўзсиз, бир-бировла-рига қарамай тарқай бошлашди. Ҳаммасининг хаёлида бир ўй эди: «Ишқилиб раиснинг кайфияти эртага яхши бўлсин-да!»



Сайёра САМАНДАРОВА

# СЎЗГА ОЛОВ ИЛАШДИ



Дарахтлар бир  
 майин  
 чайқалар,  
 Қайғу йўқ, озор йўқ,  
 ҳижрон йўқ.  
 Чайқалар  
 ҳар битта яроғи,  
 гўё бу оламдан кўнгли тўқ.  
 Дарахтга  
 айлангим келяпти,  
 тўқ тутгим  
 келяпти кўнглимни.  
 Рухимни тинч қўйса савдолар,  
 Озорлар тарк этса дилимни...  
 Дарахтлар бир озод  
 чайқалар,  
 Соғинчининг азобин билмайин.  
 Япроқлар ҳурғина шодланар,  
 Дунёни назарга илмайин.  
 Дарахтлар бир майин  
 чайқалар...  
 Дарахтга айлангим  
 келяпти...

\* \* \*

Сиз шундоқ  
 кўзимнинг  
 Ўнгидасиз, ёр,  
 ва лек  
 Сизга элтар  
 йўллар адоғсиз.

Юрсам,  
 узоқлашиб  
 бораверасиз.  
 Турсам,  
 жойланасиз  
 қароқларимга...  
 кўзим қаросида  
 қолинг,  
 майли,  
 ёр...

\* \* \*

Кимнидир кутяпман  
 Ва ё ненидир.  
 Гўё портлаб кетар  
 бир кун жаҳоним  
 ва ё қувончидан  
 узилиб кетар  
 бузун япроқ янглиг титраган  
 жоним.  
 Балки ҳеч ким келмас.  
 Ҳеч нима содир бўлмайди балки...  
 Барибир  
 кимнидир  
 кутяпман,  
 кутяпман  
 ненидир  
 ва ёки.

\* \* \*

Тун...  
 Айланаман

бирдан ўзимга.  
 Юрагимга  
 яқинроқ билиб  
 ундаги ҳар оҳанг,  
 ҳар бир фарёдни  
 янглимай эшитаман,  
 аниқ эшитаман.  
 Ў!..

Кўндузни омон  
 кузатган юрак,  
 нигоҳларни омон  
 узатган юрак!  
 Менга ҳамроҳлигинг  
 бўлсин муборак!  
 Энди алдамайди  
 бизларни ҳеч ким,  
 энди товланмайди,  
 дўнмайди ҳеч ким!  
 Юрагим!  
 Тунги дунё ичра  
 айтар сўзимиз  
 фақат рост сўзлардан  
 бўлгай иборат!  
 Сен мени алдама,  
 Мен алдамайман,  
 покиза дийдорлар.

\* \* \*

Мулки борлиқ ичра кўнглим яғонадир,  
 Чарх ранжисига бало жоним мағнанадир.  
 Вужудимда барг ёзади сўз дарахти,  
 Илдизига юраккинам остонадир.

\* \* \*

Манинг беғам кўнглима бало бўлди муҳаббат,  
 Ҳур руҳима жавр ёлди, жафо бўлди муҳаббат.  
 Отаи бўлди жисму жон, бўлди руҳ-равон,  
 Ким айтадир, хастага шифо бўлди муҳаббат?

\* \* \*

Сўзга олов илашди, жонга олов туташди,  
 Ишқнинг ишқи шу қаро кўзларимга тушибди.  
 Қанча авайласам-да дил тубига яшириб,  
 Муҳаббатим сояси юзларимга тушибди.

Бошига ташвиш тушиганда мендан паноҳ топди дўст,  
 Омад кулиб боққанда эшикларни ёнди дўст.  
 Ўзининг-қу қудрати етмас бир гул экишига,  
 Мен эккан дарахтларнинг илдизини чопди дўст.

\* \* \*

Сизнинг иссиқ нафасдан тафтли эрур бу дунё,  
 Сизнинг гўзал дийдордан жонга жондир бу дунё.  
 Ота, сизни асрасин, авайласин дуолар,  
 Сизсиз менинг қалбимга ёвдир, қондир бу дунё.

\* \* \*

Сизга фақат дилимнимас, бор эркимни берибман,  
 Асли ҳикмат кўп экан руҳи озод, ҳурликда.  
 Мен ўзимни ҳўб соғиндим, бағритош дўст, ҳуи қолинг,  
 Эркинликдан ҳориб бўлдим, мен қирнадим қўлликдан...

# Очиқ осмон остидаги МУЗЕЙ

Бу йил Хива шаҳрида илк музей очилганига 85 йил тўлди. Аслида Хиванинг ўзи музей, хонларнинг эрамиздан олдин қурилган тўрт дарвозали, паҳса деворли саройлари, масжид, мадраса, минора, мақбара ва бошқа меъморий обидалар унинг экспонатларидир.

Дунёнинг қадимий шаҳарларидан бири, асрлар мобайнида инсониятнинг маънавий ва моддий маданияти ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келган Хивани шунинг учун ҳам очиқ осмон остидаги музей шаҳар, деб аташади. Жаҳон туризмнинг марказларидан саналган бу шаҳарда 130 дан зиёд меъморий ёдгорликлар сақланиб қолган.

Тарихдан маълумки, Буюк ипак йўлида жойлашган ушбу шаҳардан хоразмлик олимларнинг асарлари ва кўпгина бадиий ҳунармандчилик намуналари дунёга тарқалган. Ушбу осори-атиқалар ҳанузгача Рим, Париж, Лондон, Копенгаген, Берлин, Истамбул, Қоҳира, Санкт-Петербург, Москва, Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги йирик музейларни безаб турибди.

Хива хонлигида архитектура ёдгорликларини сақлаш ва таъмирлаш ишлари қадимдан одат тусига кирган бўлса, осори-атиқаларни йиғиш ва ажойибхона ташкил

қилишга XIX аср охирида Муҳаммад Раҳимхон II даврида киришилган. Бунга Хива хонлигида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик ва ҳунармандчилик маҳсулотлари, осори-атиқалар ҳамда архитектура ёдгорликларининг фотосуратлари Россия ва жаҳон кўرғазмаларида намойиш этилиши ҳам сабаб бўлган. Чунки 1890 йилда Тошкентда, 1895 йилда Нижний Новгороддаги Бутунроссия кўрғазмаларида, 1900 йилда Парижда, 1904 йилда Американинг Олои шаҳрида ўтган халқаро ярмаркаларга Хива хонлигидан 16 соҳа бўйича ҳунармандчилик ишларининг гўзал намуналари юборилган. Париждаги кўрғазмада Хоразм обидаларидан 143 бинонинг Бомачинский томонидан олинган фотосуратлари ҳам намойиш қилинган.


1898 йил 12 апрелда Муҳаммад Раҳимхон II Кўҳна Урганч, Хўжайли ва Қўнғирот ҳокимларига: “Қадимдан қолган ёдгор нимарсаларни йўқ қилдирмасунлар, ҳар тариқа кўҳна жой ва қалқа ва иморатлар бўлса, не тариқа бино бўлгонларини ва кўҳна тилла ва танга ва фуллар бўлар борлаб топиб мунда юборсун”, деб буйруқ беради. Лекин тўпланган буюмлар Россияга юборилиши натижасида Хиванинг ўзида музей очилиши орқага сурилиб, 1920 йилдагина амалга оширилди. Ҳама йил 11 апрелда Хоразм халқ шўролар жумҳуриятининг Муваққат ҳукумати “Хива халқининг ўтмиши ва ҳозирги пайтдаги маданиятига оид барча буюмларни, шунингдек, хонлик зулмининг жазо қуролларини халққа кўрсатиш ва келгуси авлодлар учун сақлаб қолишни назарда тутиб, музейни ташкил этилиши”, - деган қарорни қабул қилади.

Музей кўрғазма 1920 йил 27 апрел куни Бутунхоразм халқ вакиллари I Қурултойи қатнашчиларининг иштирокида, эски хонлар қароргоҳи Кўҳна Арк биносининг арзонасида очилди. Музейнинг очилишига Маориф ва маданият нозир Мулла Бекжон Раҳмон ўғли ва “Ёш хиваликлар” партиясининг йўлбошчиси Мулла Жуманиёз Султонмуродовлар ўзларининг катта ҳиссасини қўшдилар.

1924 йилгача Хива шаҳрининг ичкари қалъасидаги 1831-1839 йилларда қурилган улкан Тошҳовли саройида Оллоқулихоннинг авлодлари яшаганлар ва бу саройни ўз мулки ҳисоблаб, унинг жиҳозларини сота бошлаганлар. Бундан хабар топган шўро ҳукумати музейни Тошҳовли биносига кўчириб, саройни ҳам ўз ҳисобига киритган.

1957 йилда Тошҳовлида экспонатлар фонди қолидрилиб, музей Хоразм тарихий инқилобий музейи номи билан шаҳарнинг ташқари қалъасида жойлашган Нуруллабой саройига кўчирилган.

Ўзбекистон Вазирлар кенгашининг 1967 йил 30 ноябр 616 сонли қарори билан Хива тарихий —меъморий



музей шахри деб эълон қилинди. 1969 йил 29 июл 343 сонли қарорига мувофиқ эса Хива Давлат тарихий меъморчилик “Ичан-Қалъа” музей-қўриқхонаси ташкил қилинди. Музей қўриқхонанинг ташкил қилиниши ва ривожланишига Давлат мукофоти лауреати, халқ рассоми Абдулла Болтаев, адиб ва драматург Юнус Юсупов – Айёмий, журналистлар уюшмаси аъзолари М.Ёқубов, А.Исмоилов, Ю.Рўзметов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари Т.В.Середа, Усто-Собиржон Юсуповлар ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшдилар.

1990 йил 12 декабрда Хива шахрининг “Ичан-Қалъа”си ЮНЕСКОнинг маданий мерослар қўмитаси қарори билан жаҳон маданий мерослари рўйхатига киритилди, 1997 йил 21 октябрда эса 2500 йиллик юбилейи ўтказилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин музейлар фаолиятини яхшилаш, уларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий техника билан бойитиш, тарихий обидаларни таъмирлаш, янги музейлар ташкил қилиш ва йўлқўрагич, каталог, буклетлар нашр қилишга катта эътибор берилди. 23 декабр 1994 йилда Вазирлар Маҳкамасининг Республика музейлари фаолиятини яхшилаш ва 12 январь 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонлари, 2001 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш тўғрисида”ги қонунинг қабул қилиниши, бунинг яққол ифодасидир.

Музей-қўриқхонанинг умумий майдони 26 гектар бўлиб, унинг 3253,2 кв. метр майдонида 15 та доимий экспозициялар жойлашган. Уларда Хоразмнинг қадимдан то ҳозирги кунгача бўлган тарихи акс эттирилган.

Бугунги кунда музей-қўриқхонанинг илмий ходимлари жамоаси Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ва Хива туман ҳокимлигининг бевосита ёрдами ҳамда назорати остида ота-боболардан қолган бу муқаддас бойлик – меъморий обидаларни кўз қорачиғидай асраш ва келгуси авлодларга етказиш учун улардан оқилона фойдаланиб, ҳар бир ёдгорликни ўз вақтида таъмирлашга жиддий эътибор қаратмоқдалар.

Ҳар йили вилоят туманларига илмий экспедициялар уюштирилиб, 1000 га яқин музейбон буюмлар тўпланиши эвазига янги музейлар, интерьерлар ташкил қилинмоқда, фондимиз бойитилмоқда.

Кейинги йилларда “Хива йўл кўрсаткичи”, “Хива хонлари шажараси”, “Ёзувларга яширинган тарих”, “Хива тарихий-этнографик очерклари”, “Ҳазрати Полвон пир”, “Қадимий Хивага сайёҳат” каби рисоалар нашрдан чиқарилди.

“Ичан-Қалъа” музей-қўриқхонасига ташриф қилаётган сайёҳларнинг сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Улар учун “Ичан-Қалъа” худудида интернет маркази очилган ва бу тизимда Хиванинг реклама сайти ташкил қилинган.

Чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда иш олиб борилиши натижасида Япония мамлакати Оллоқулихон мадрасасининг таъмирланиши ва унда анъанавий хунармандчилик маркази ташкил қилиш учун катта маблағ ажратди.

ЮНЕСКО билан Англиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигидаги Яқуббой хўжа, Абдурашулбой мадрасаларида Хива ёшларини иш билан таъминлаш ва инак гиламлар ҳамда сўзаналар тўқиш маркази очилиб, ишга туширилди.

Япониянинг Киото Университети олимлари билан музей фондида сақланаётган қозихатларининг каталогини нашрга тайёрлаш, Республика Ёш олимлар миллий жамияти билан ҳамкорликда музей фондидаги тарихий ҳужжатларни “электрон версияда” сақлаш ишлари олиб борилмоқда ва ҳозирги кунда бу ҳужжатларнинг баъзилари “электрон версияси” тайёрланди.

Яқинда Москвада “Оружейное палата” музейи директори Гагарина билан маслаҳатлашиб, уларда сақланаётган Хива буюмларини Хивага келтириб, маълум муддатга кўргазма очишни режалаштирдик.

Олиб борилган улкан ишларимиз натижасида 2004 йилда жамоамиз вакили Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан “Энг яхши музей ходими” номига сазовор бўлди. 2003 йилда эса музейимиз вазирликда ўтказилган илмий-амалий семинарда мамлакатимизнинг энг яхши қўриқхонаси деб эътироф этилди, ҳамда замонавий компьютер билан тақдирланди. Бу бизнинг бутун жамоамизга берилган баҳо бўлиб, олдимизга катта вазифаларни қўяди. Биз албатта, бу ишончни оқлашга ҳаракат қилиб, Маълум академиясининг 1000 йиллик юбилейига муносиб совға бўлиши учун бутун кучимизни тўпланган бой ва ноёб осори атиқалар орқали халқимизнинг кўп асрлик тарихи, маданияти, Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришган улкан ютуқлари билан сайёҳларни таништириб, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек муҳим вазифани бажаришга йўналтирамиз.

**БОТИР ДАВЛЕТОВ,**  
*“Ичан-қалъа” Давлат меъморий музей-қўриқхонаси директори.*





Исмоил ОЛЛОБЕРГАНОВ

# ИНТИКОМ

Ҳикоя



Бу ғаройиб хабар дўппидек ихчамгина қишлоққа сув бетига тушган ёддек бир зумда ёйилди. Кечагина дафн қилинган Норим тўнкани гўр чиқариб ташлаганмиш. Эрталаб қарашса, мазорнинг сувоғи кўпчиб, ичидан сув сизиб турганмиш. Кимдир шу жойдан булоқ кўз очгандир, дея тахмин қилди. Бошқа бировлар эса бу дунёда одамларга берган азоблари бурнидан чиқаётгандир, деб тусмоллади. Учинчи хил тахминларга кўра, гўё Мункару Накирнинг саволларига жавоб беролмай жиққа терга ботиб ётганмиш. Хуллас, қутилмаган гап бўлди.

\* \* \*

Эл оёғи тинган палла. Қишлоқни суқунат аллалайди. Ҳали хўрозлар қичқирғига анча бор. Ойсиз тун. Юлдузлар чарақлаб турибди. Бироқ шунча юлдуз битта ойнинг ўрнини босолмас экан. Бундай ваҳимали қоронғулик ҳатто чириллаши оламни бузадиган чигирткалару эзма қурбақаларга ҳам ўз ҳукмини ўтказгандай. Бу ёқимсиз жимжитликни итларнинг аҳён-аҳёндаги вовуллашигина бузади. Сал экинга шитирлайдиган терак барглари ҳам нафасини ичига ютган. Балки бундай зулматга ошно кечалар бўлмаганда жонзотлар ёруғ қулар қадрига етишмасмиди?

Шундай сокин ва сирли тун қўйнида бир кимса бормоқда. Қоронғида йўлнинг ўйдим-чуқур жойларига палапартиш қадам ташлаётган бу киши мункиб-мункиб кетади. Қанчалик аҳтиёткорлик қилмасин, «шип-шип» этган қадам товуши суқунатни чўчитади. Пароканда хаёллари қоронғулик қаърига сочилиб, руҳига безовталиқ бағишлайди. У ихчамгина электр сувнасоси ва темир қозик солинган челақни маҳкам чангаллаб олганича қишлоқнинг кунботиш тарафидаги қабристон томонга бормоқда.

\* \* \*

Одам боласи қасам ичмасин экан. Аслида қасам киши ўзига раво кўрган қийноғдан бошқа нарса эмас. Йўқса, ярим оқшомда якка ўзи қабристонга кириш Икромга зарил кептими?! Абадий уйқуга кетган бандаларнинг ётоғи-

га қадам қўйиб, уларнинг руҳини безовта қилиш ҳазилакам гувоҳ эмас! Буни Икром яхши билади. Бу гуноҳдан огоҳлантиргандай бойўели ваҳимали қичқириб қўяди. Кўзларининг ялттираши эса жон-жондан ўтиб кетади. Ҳаққушнинг мунгли қичқирғи юракка баттар қўрқув солади. Икром бир хаёли шарт бурилиб ортга қайтмоқчи ҳам бўлди. Аммо қасамдан қайтиш қийин экан. Аслида онтни бузиш ўзинг тулурган тулқини ялашдан ҳам жирканч нарса. Норим тўнканинг қабрига яқинлашар экан, Икромнинг тиззаларидан мадор кетди. Ҳали сувоғи селгиб улгурмаган қабр бошқа оқланган мазорлар ёнида янада ваҳимали кўринади. Атрофи пахса девор билан ўралган қабристоннинг иккита жойида тошқудуқ қазилиб, тошқудуқ ёнидаги симёғочга розетка ўрнатилган эди.

Икром аслида қасамни бузаверса ҳам бўларди. Чунки бу ёруғ оламда унинг қасам ичганини энди ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди. Аммо Норим тўнканинг қилмишлари унинг жон-жонидан ўтган эди. Икром қалтироқ кўллари билан темирқозик ёрдамида қабр тепасидаги битта фиштни кўчириб, туйнук очди. Челақдаги сувнасосни тошқудуққа тушириб, резинка ичакни ўша туйнукка суқди. Сувнасос бир маромда шигиллаб ишлай бошлади. Икром чеккароққа чиқиб, карахт ҳолда бошини ҳам қилиб тураверди. Бутун вужуди қалтираб, юрагининг дукурлаши ўзига эшитила бошлади. Ўрнидан туриб сувнасосни тўқдан ажратди. Қабрдан кўчирган фиштни ўрнига қўйиб кундузи қабрни суваш учун қорилган лойнинг ортиб қолганидан бир чангал олиб туйнукни беркитди. Сўнгра челақини кўтариб мадорсиз оёқларини олға қис таб, қабристондан узоқлаша бошлади.

Шу пайт елкасига қўлин қўйиб, кимдир силтаб орқага тортгандай бўлди. Қадами секинлашди. Юраги қинидан чиқиб кетаёзди. Дарҳол калима қайтарди. Барибир ҳалиги қўл уни қўйиб юбормади. «Султон Увайс бобога бир қўй садақа айт!» деган овоз келди қулоғига. У садақа айтди. Елкасидан тортаётган қўл уни аста қўйиб юборди. Икром уйга келиб, ўринга чўзилди. Эрталабгача алаҳсираб чиқди. Эртаси кунни бир жонлиқни олиб Султон Увайс бобо зиёратига бориб келгач, кўнгли сал таскин топди.

\* \* \*

Ўшанда Икром қанчалик суюнган эди. Энди улар янги уй қуришади. Уларнинг ўрамидаги хонадонлар икки қақирим наридаги янги посёлкага ёппасига кўчадиган бўлишди. Бир томондан Норим тўнка, иккинчи томондан эса Қурбон фермерлар билан қўшни бўлишди.

Ер ўлчовчилар Икромнинг янги уй ўрнини ҳам белгилаб, йўл тарафга иккита қозиқ қоқиб кетишди. Болалигининг давоми гўё шу икки қозиқдан бошланажагини сезгандай Икром энтиқиб қўйди. Қайтагга мактабига яқинроқ бўлди.

– Норим тўнка билан ёнма-ён бўлиб ёмон тушдингизлар, – дейишди кўнчилик, – ундан четроқ юрган маъқул!

– Зарари йўқ, ёмон бўлса ўзига, – дея бошқа бировлар тасалли беришди.

Бунинг боиси шуки, Норим тўнка – тунд, ичи қора одам. Биров билан эл бўладиган сиёғи йўқ. У текканга тегиб, тегмаганга кесак отадиган, тақир ердан чанг чиқариб, гавғо кўтарадиган кимса. Йўқ ердан жанжал тошиб роҳатланадиган одати бор. Тарки одат эса амри маҳол экан. Элатда терс тутушмаган одами кам. Ҳар доим жанжалга ўзи хамиртуруш бўлар ва ҳар гал калтак ер, бу ҳам кор қилмай жўжаҳўроздай кекирдагини тўзгани-чўзгани эди. Ўзи шунақа, йиқилган курашга тўймас экан.

Яхши гапга тушувмаслиги ва дилозорлиги туфайли Тўнка лақабини олган. Бу ном унга ярашади. Ярамас тўнка арава ағдаради, деган гап бежиз айтилмаган.

Хуллас, тақдир экан, қўшни бўлишди. Орадан қанча сувлар оқиб ўтмади, дейсиз. Икром кечагина бир дунё орзулар оғушида юрган мактаб боласи эди. Йиллар ўтиб улғайди. Ота-онасини тупроққа бериб қўйди. Энди ўзи ота бўлди.

Норим тўнка бу орада Икромлар билан арзимаган баҳоналарни рўқач қилиб, неча бор сен-менга боришди. Норим тўнка ҳар йили ҳар хил қилиқлар чиқариб, уларнинг дилини хира қилди.

Икки ўртага симтўр тутилган. Беихтиёр қўшинининг қўшнига кўзи тушади. Норим тўнка булар тарафга қараб, намоийшкорона пешоб қиладиган одат чиқарди. Унга бир нима деб гап уқтириб бўлмаса. Ўзи атайлаб қилади. Қайтага бу кашфиётдан роҳатланади.

Кўрмайин ҳам, қуймайин ҳам деб Икром ўртани паҳса девор қилишга киришди. Бироқ Норим тўнка бунга тиш-тирноғи билан қарши чиқди. Даъвоси шуки, унга бир метр жой ташлаб кейин девор қуриш керак эмиш.

– Сен менинг ҳаддимга аввалдан бир метр ўтиб қўйибсан, – деди Норим тўнка.

Яна жанжал, асаббузарлик. Икром унинг кўзининг олдиди қайта ўлчатди. Тўппа-тўғри чиқди. Сал ўтмай паҳса девор қад кўтарди.

– Тагига сув юбориб барибир паҳсангни йиқаман, – деди Норим тўнка иржайиб.

– Нимани эп кўрсангиз, шуни қилинг, – деди у билан ёқа тутушга ор қилган Икром.

У паҳса пойдеворига туташ томорқасининг марзасини текислаб, отизга тиззадан сув очишга киришди. Икки ойлардан кейин девор аста қийшай бошлади. Кўп ўтмай қулаб тушди. Норим тўнканинг муроди ҳосил бўлди. Икром қанчалик асабийлашганини битта ўзи билади, Худо билади. Ахир тошга ёмғир кор қилармиди?! Қайтага севинади у. Яна жанжал ахтара бошлади. Қулаб тушган деворнинг кесакларини буларнинг томорқасига, экинлар устига ота бошлади. Икром чидаб туролмади.

– Бу дунёда ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бор. Буни қайтар дунё дейдилар. Сен паҳсамни тагига сув қуйган бўлсанг мен вақти келиб мазорингни сувга тўлдираман. Бу қуруқ гап эмас, қасам ичаман! – деб юборди Икром қони қайнаб.

– Сен мендан олдин ўлсанг-чи? – дея илжайди Норим тўнка.

– Буни Худо билади. Мабодо шундай бўлса бу ишни болаларим амалга оширади, – деди Икром.

Аммо бу гап Норим тўнкага чивин чаққанчалик ҳам таъсир қилмади.

\* \* \*

Ичган қасамини бузмай Норим тўнкадан ўчини олган Икромнинг кўнгли таскин тошиб, ҳовуридан тушгандай бўлди. Ўзини неча бор хаёлан суд қилди.

Норим тўнканинг қилмишлари билан ўзининг бу гуноҳини тарозига солиб кўрди. Норим тўнканинг кирди-корлари оғир чиқаверди. Шуларни солиштириб Икром сал енгил тортди. Ҳукм ўқиб, ўзини ўзи оқлади.

Бироқ, Икром яқинда бир журналдан ўқиган жажжигина ҳикоят унинг ҳукмини бекор қилди.

Икки қўшни бир метр жой устида талашибдилар. Иккиси ҳам бу ер меники, дермиш. Шунда ердан овоз чиқибди.

– Эй, нодон бандалар! Нимани бунча талашасизлар? Аслида икковингиз ҳам меникисан-ку!

Бу ҳикоятни ўқиган Икром бўшашиб қолди. Кўз олдини хира туман қоплади. Ўзи ўқиган ҳукм бу туман ичига сингиб, тарқалиб кетгандай бўлди. Оёғи остидаги замин чайқалди ё боши айландими, ерга юзтубан йиқилди.

У гўё ерни қучоқлаб, тавба-тазарру билан кечирим сўраётгандай эди.

Исмоил Оллоберганов 1957 йил Хоразм вилоятининг Хонқа туманидаги Қоратоп қишлоғида туғилган. 1981 йилда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университетининг филология факультетини тамомлаган.

«Хатобойнинг саргузаштлари», «Менинг ёруғ юлдузим», «Ажабтовур болалар», «Ҳамқишлоқларим» каби қатор китоблари эълон қилинган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Айни пайтда «Хоразм» нашриёти директори вазифасида ишламоқда.



Сотим АВАЗ

# БИР БОР ТЕРМУЛИШГА ЖОНИНГНИ ТИКСАНГ



\*\*\*

Ўт ичрамену, намдурмен,  
Сув ичрамену, жамдурмен.

Кўнгилни узиб кўнлардин,  
Кўн ичра камдурмен.

Эл, деса масту масрурлар,  
Эл ичрамену гамдурмен.

Теграмда ниҳондур тоғлар,  
Тоғ ичрамену хамдурмен.

Хар дам манго юз ҳакамлиг,  
Дам ичрамену дамдурмен.

Нур, агар баҳри ҳидоят,  
Нур ичрамену шамдурмен.

\*\*\*

Севганинга кўра,  
Ўлгудек севсанг.  
Кўчинг қолса фақат  
Нафас олишига.  
Бир бор тикилишига  
Жонингни тиксанг,  
Шай турсанг  
Тикилиб қотиб қолишига.

Севганинга кўра,  
Ўлгудек севсанг.  
Маҳубиндан бўлак  
Тангринг бўлмаса.  
Сен ундан ҳамиша  
Ижобат кутсанг.  
Лек ҳеч илтижодан  
Кўнгилинг тўлмаса.

Севганинга кўра,  
Ўлгудек севсанг,  
Ўзни тутиб берсанг  
Кўргуликларга.  
Энг қаттиқ  
Азоблар ичра ҳаётинг

Дўниб бораверса  
Эзгуликларга.

Севганинга кўра,  
Ўлгудек севсанг.  
Дол қолса  
Тириклик ғамин еганлар.  
Улар англолмаса,  
Сен айтолмасанг.  
Ахир ўлишмас, деб  
Ўлгудек севганлар.

\*\*\*

Жоно, жамолу хуснинга инсоф керак,  
Жонлар ахир озурдадир, қонда юрак.

Кўзларинг жаллодлари билгай қачон,  
Кўзларимда дод этар орзу-тилак.

Лабларингким, устида хол ўйнатиб,  
Лабларимни бир умр этмиши ҳалак.

Оғзим, гар истаса ёлмоқ учун,  
Оғзинга баҳонадур сўзлар демак.

Юзларингнинг шўғласи куйдирса гар.  
Юзинг яшашига бетламас мушкул кўмак.

Инсоф тилаб кўнгил айтур, бекор эрур,  
Инсофга ёр келса қачон, севдим демак.

## ҲАҚИҚАТНИНГ СУРАТИ

Эй, менинг,  
Севимли душманим — дардим  
Ҳамиша эркинлик истаги.  
Энди сўз ўзгарди, либос ўзгарди,  
Лекин бир сен ўзгарганинг йўқ.

Эй, ҳамхона—қадрдон заҳар,  
Ўткир шароб, қадаҳ тўла май,  
Ёғдирсам ҳам сенга ланатлар,  
Бепарвосан, мендан кўнгилинг тўқ.

Эй жон қадар ширин бир оғу —  
Амри мудом вожиб гўзал юз,

Ахир юрак, ҳамон ўша-ку,  
Дунёга ўт берадиган чўғ!

## НАМОЗШОМГУЛ

Салом, намозишомгул сиймбар,  
Оқшоим сеникидир батамом.  
Сенингдек бир хуркак жилвагар,  
Менинг кўнглим қилган намозишом.

Салом, намозишомгул, сиймбар,  
Роз айтарсан тунда юлдузга.  
Мен эрсам азондан шом қадар,  
Илтижо қилурман гулзога.

Салом, намозишомгул, сиймбар,  
Билмассан олдинда хазондир.  
Мен эса билурман жон қадар.  
Севмоқ, яшамоққа имкондир.

Салом, намозишомгул, сиймбар,  
Гулмисан ё ишқинг ёлқини.  
Сени кўргач армон кўзгалар,  
Сувдаги сандиқдай қалқиниб.

## ТҮРТЛИКЛАР

Гулламаслик керак, сўлмаслик учун  
Мафтанма, шарманда бўлмаслик уяун.  
Бу дунёда ҳамма безғунча,  
Яшамаслик керак ўлмаслик учун.

\*\*\*

Тоғ, деб билганимиз, тоғмикан, ёраб,  
Бог, деб билганимиз богмикан, ёраб.  
Телба, деганимиз бир кун соғ чиқар,  
Соғ, деб билганимиз, соғмикан ёраб.

\*\*\*

Менинг дали кўнглим, бечора кўнглим,  
Бунча урдинг ўзни бозора, кўнглим.  
Мен-ку бир сени деб кечдим ўзимдан,  
Сен ҳам мени дегил бир бора, кўнглим.

Сотим АВАЗ 1952 йилда Урганчда туғилган. «Кечиккан баҳор», «Таниш хислар», «Хулук», «Нозбўйларим» — шеърлар тўпламлари, «Мадраҳим Шегрозий», «Темурғози Тўра» қиссалари, бир қанча таржима асарлари чоп этилган. «Муруват чоғи» романи нашр этилиши арафасида. «Урганч оқшоми» газетасининг Бош муҳаррири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

Саломат ВАФО

# Номсиз кема

Ҳикоя



(Устозим Одил Ёқубовга бағишлайман.)

Самолётдан тушганимда гўё минг йиллик тўшақда ётган бемордай беҳол, ичимни аллақандай номсиз дард кемираётгандай ғуссадан азоб чекардим. Тақдир тақозоси билан олис шаҳарда яшаганим учун, туғилган юртимга учадиган самолётга патта ололмадим, кечикдим, яна мен бошқа мамлакат фуқароси эдим. Хуллас, самолёт Орол бўйига жойлашган овлоқ бир шаҳарга қўнган эди. Вақт алламаҳал бўлиб қолгани учун аэропортда одамлар жуда кам, бинонинг иккинчи қаватида хира ёруелик кўзга ташланар ва маст-аласт одамларнинг шодон қийқириқлари эшитилиб турарди. Қаяққа боришни билмай турганимни дарров киракаш ҳайдовчилар пайқаб қолиб, чақира кетишди.

«Яхши қиз, кетдик, қаяққа борасиз?» «Юринг мен билан, дунёнинг у бурчагига ҳам олиб бораман», «Ўзи берадиганингиз қанча, нега туриб қолдингиз?», «Ородан ўтказиб қўйишим мумкин». Томошаталаб ҳайдовчилар бири олиб, бири қўйиб бақира кетишди. Бу орада мен билан учиб келганларнинг бари жўнаб кетишди. Қон-қоронғи овлоқ кутиш залида киракашлар, ҳар замонда эснаб, бошини рўмол билан танғиб олган ва кир қўллари билан қовурилган гўмма сотаётган, тишлари тушиб кетган ёш аёллар ва аравакаш болалар қолишди. «Уфф, дунёнинг бир четида туғилганман, Ўрта Қўлга ҳали қанча узок. Саҳрони кечгач, дарёдан ўтишим лозим. Сўнг қўлни излаб кетаман». Бир кўнглим кеч бўлса ҳам гаплашиб машинага чиқиб кетаверайми дедим-у, лекин улар сўраётган пулни эшитиб капалагим учиб кетди. Бу режалаштириб қўйган пулдан ўн барабар кўп эди. Меҳмонхонада қолишга қарор қилдим, эрталаб соат тўрт ёки бешда чиқсам, етти-саккизда уйда бўлишим мумкин. Киракашларнинг психологигига қойил қолдим, гўё улар миямда кечаётган ҳар бир фикрни, ўйни, иккиланишни англагандай гап қотишарди. «Худо ҳаққи, қиммат эмас, бу ерга қўлни кўриш учун келган туристлар, биласизми, қанча беришади? Бу пуллар сизнинг хаёлингизга ҳам келмайди».


- Мен сизларга турист эмасман.
- Лекин бу ерлик ҳам эмассиз.
- Лекин шу ерда туғилганман.

— Дунёнинг олти миллиард одами ҳам қаердадир туғилган.  
— Нима бўлибди?

«Тўғри-да, йўлда мошиннинг бузилиши, синиши бор, саҳронинг ўрласида сувсиз озиқсиз қолиш — бу ўлим билан барабар. Оч шаколлар тун бўйи изғиб ўлка излайди. Тайёр ўлка бўла-миз-қўямиз. Сиз шу томонларини ҳам ўйланг-да, ойимқиз».

Бугун киракашлар оламининг ҳирс, таъма, олтирлик ва бир қадар лоқайдлик балқиб турган нигоҳлари қаршисида оламининг дарди ва ўйларига ботиб турардим. Меҳмонхонанинг зах ва қоронғи йўлакларидан ўтиб хонага кирганимда, бу ерда ҳам рутубат ва қадим иси ўтириб қолганини англадим. Хона болаларнинг картондан қурилган уйчасига ўхшарди. Уйчанинг эшиклари, тутқичлари, деразалари, дераза шишалари тинмай лиқиллар, тикиллар ва дунёда бор-йўқ товушларни чиқарар эди. Деразаларни очиб, пардаларни «шиғаш-шиғаш» сурдим, қон-қоронғи тун қўйнидан аллақандай кўрқинч қараб турарди. Бирдан чивинми, аллақандай сахро ҳашоратлари, худди дераза очилишини асрлар бўйи кутгандай ўзларини ичкарига урдилар, аранг ёпиб улгуриб қолдим. Шунда ҳам дунё ҳашоратларининг тенг ярми картон хонага кириб олиб, қон сўришга шайланишарди. «Минг лаънат, яна меҳмонхона, яна отнинг калласидай пуд олишади. Бизда иссиқ сув бормиш. Иссиқ сувинга қуйиб ўл».

Асабларим бузилиб бирон нарса ичиш учун «Ресторан», деб ёзилган залга кирдим. Бу ернинг, тўғрироғи аэропортнинг бир нарсаси ҳайрон қолдирарди. Ҳамма нарса хира, кир, гўё бинолар, шу заллар, ҳатто стол-стуллар, ҳаммаси ҳаводан зарарланиб, кун сайин қариётганга ўхшарди. Одамларининг қоврилган гўшт, балиқ, яна аллақандай, назаримда, эскирган маҳсулотларни еяётгани, чайнаётгани, тинмай кулаётгани кўнглимни айнитарди. Рухиятимга қарама-қарши ўлароқ нимадир ширин нарса егим келди, кофе ва ширинлик буюрдим. Қаршимдаги столда уч-тўртта фермерми ёки балиқчилик совхозида ишлайдиганми, ҳар қалай бу ерга юмуш билан келиб, ишини битиргач аллақандай муваффақиятларини юваётган эркаклар ўтирган эди. Улар келишим билан бегона ва ёлғиз аёли кўргандай сергак тортишиб, нимадир дейишга чўтлани-



шарди. Уларнинг ёнида куриб бораётган кўл бўйини кўкаламзорлаштириш учун юрган семиз, дароз-дароз сариқ хорижлик эркаклар баланд овозда алларсани муҳокама қилишарди. Ҳамиша уларнинг фикрий озолигини хурмат қилардим, лекин бошқа бир маданият руҳида ўсганим учун жамоатчилик жойида калта иштонда, ярим яланғоч ўтиришлари кўфримни кўзготарди. Худога шукур, кофени олиб келишди, официантдан «бизда сув ёки кофе тугаб қолган» деган хабарни эшитаман деб турган эдим. Шукур. Хушбўй кофени хўшлаб ўтиргандим, фермерларнинг столига иккита қиз келиб ўтирди. Иккаласининг ҳам бўйи баланд, бири малласоч, мовий кўз қиз, иккинчиси қисик кўз, сочлари ниҳоятда узун маҳаллий қиз эди. Ҳайратларда қолдим, дунёнинг энг чекка жойида ҳам фермерларимиз зерикмаслиги учун офатижон қизлар бор экан. Балиқчилик хўжалигидан келганлар бахтиёр эди. Афтидан бу йил атрофдаги кўлларда балиқ мўл бўлган кўрилади. Офатижонлар уларни роса шилишадиган бўлди. Ҳечқиси йўқ, балиқчилар борганидан кейин хуморига тинмасдан хотинини, болаларини сўқиб, калтаклаб, кўпроқ ишлайдиган бўлади. Хорижликларнинг балиқчиларга ҳаваси келиб, менга нимадир дейишга чўтланишарди. Ҳали самолётда ғалати манзарага дуч келдим; ғуссага ботиб, иллюминатор дерезасидан қараб ўтирсам, биздан пастроқда Антарктида музликларидай елиниб турган қумушранг булуғларни кўрдим. Бизнинг қаршимизда самолёт кетаётган йўналишининг ўнг-рўйида ой опшоқ сўтдай мангу нурларини сочиб жишва қиларди. Сукутта чўмган Антарктида музликлари ва табассум қилаётган ой, олис-олисларда қасрми, минораларга менгаб кетадиган саробсимон музликлар чексиз гўзаллик пайдо этган эди. Назаримда самолётимиз ўзга дардлар, аламлар, қайғулардан, «онанг ўлди» деган мудҳиш хабарлар келадиган телеграфлардан холи, фақат мангу гўзаллик ва сукунат тантана этадиган оламда парвоз этарди. Айни шуларни ўйлаётганимда кўзимдан ёш чиқиб, бир-икки томчиси юмалаб-юмалаб чашкага ва бўйинимга тушди.

— What you doing now? Can I help you? — деди малла соч хорижлик.

— Thank you. Я не могу с вами разговаривать. У меня беда. Моя мама умерла, — дедим бўғилиб, томоғимга алланарсалар ёпишарди.

Хорижликлар бир зум менга сўзсиз тикилишди. Қандай бахтсиз одамман: дунёнинг барча миллат ва элатлари учун катта фожера ҳисобланган мусибатга учраганман. Яна кўзларимдан ёш оқди. Столда ўтирганларнинг энг кексаси, бир қадаҳ аллақандай ичимлик узатди.

— Пейте девушка, немношка легко будет, — деди соф русча талаффузда.

— Это что? — дедим.

— Водка! — деди ифтихор билан, бир оз ютиниб.

— Я не пью.

— Правда говорю... это вам помогает.

О, рус сўзлари, она тилимдай севаман уни, айниқса хозирги аҳволимда бу оҳанг ва сўзлар энг гўзал мусиқанинг нағмаларидай эди. Кўшни столда шовқин-сурон кўтарилди, қизлар бизнинг жафокаш фермерлар билан негадир келишолмаётган эди. Чорвадорлар барибир қай бир маънода содда, тараққиётдан четда қолган эди.

— Сен айтсангўй, мунга, — дерди семиз, мўйловдор,

лаблари гўшт, мойдан ялтираб кетган фермер маҳаллий қизга. — Мен сени суямангўй, — дея кўкрагига урарди палвонсифат одам.

Улар келишдилар чоғи, биринчи жуфтлик столи тарк этди. Алвидо, фермернинг ҳалол пуллари. Ҳоким ва раислар олдида эгилиб-букилиб топан пуллари. Ичимдаги холатта қарама-қарши тарзда қадахни кўтариб юбордим. «Ой... это что, внутри все меня горит. Простите мне...». «Зачем прощения. Это вам поможет как лекарства, не зря у христианах в поминке шот».

Кўзимни юмиб олдим, ичимлик ошқозонимга етгунча нафас олмай турдим, гўё нафас олсам, бутун вужудимни, юрак бағримни ёндириб юборадигандай эди. Кўшни столдаги хорижликлар кулиб юборишди. Яна кўзларимдан ёш думалади. Балиқчилик хўжалигидагилар менга диққат билан қаради.

— Сенга не бўлди? — деди хорижликларга ёв қараш қилиб, бағрида мудраб ётган миллатпарварлик қонлари жўшиб.

— Ҳеч не, арақ беришди, жуда аччиқ экан.

— Ибий, берса ичабересанми, қанақа қизсан ўзи? Арақ ичасанми? — деди столда чайқала-чайқала.

Кўзларимни юмган куйи «йўқ» деб бош чайқадим.

— Арақ ичанг, мана бизда мўл, — деди у худди менинг жавобимни эшитмагандай. — Ма, ич.

— Ҳа, кўйсанг-чи сенам, дардимни янгиллама! Илгари сира ичмаганман. Мен сўрамадим улардан.

— Ма, ич, ўзимизнинг Нукуснинг арағи, биласанми, буни Московда ҳам ичишади, — деди балиқчи худди ўз-ўзига гапиргандай.

Хорижликлар воқеани, музокарани диққат билан кузатиб туришарди. Икки ўртада халқаро совуқ урушнинг сабабчиси бўлмасам эди, дея кулгим ҳам қистарди. Ўзи тарихда ҳам ҳамма урушлар хотин сабабли содир бўлган. Дарёлар қуриган, обод шаҳарлар вайрон бўлган. «Клеопатранинг бурни қийишқ бўлганда тарих бошқатдан яраларди».

— Ҳа, қўй мени, ана, ёнингда сулув қизлар бор. Менинг энам ўлди... шунга кетаётирман. Бошқа гап ортиқча.

Бирдан балиқчининг юзлари буришиб, қора ва дағал кўллари билан юзини артди. Шу он кўзларидан ёш чиқиб кетди.

— Ўйбай боврим, энанг ўлдима, — деди худди ўзининг энаси ўлгандай чинакамга қайғуриб. — Нечча ёшда эди? Касалмиди? — деди яна кўз ёш ва ичкиликдан қисилган кўзларини тикиб. — Худайа шукур, мени энам бор. Кўсберган, хотинди юзига қарама, сенга гап қайтариб, юзингга сачраса, қўйиб юбор. Қали кучим бор, яна ўн марта ўйлантираман дейди.

Кўсберган ўзига дардкаш топилганига суюниб тинмай жаврар, онаси ва хотини ўртасидаги тинимсиз жанжаллар юз беришини, шунинг учун йилда бир-икки марта шаҳарга тушиб, шу Ободонни кўриб кетишини, тинмай уни қумсашини айтди.

— Ол, боврим, юрагингни тафти босилади. Овулга борсанг икки катта балиқ бервораман, энангта олиб борсан.

— Кўсберган, менинг энам дунёдан ўтган, — дейман асабим кўзиб.

— Ҳей, боврим-а, боласан, боласан, эналар ўлмайди. Ахир ўзи эмаса, маъракасига олиб борасан-ку, боврим. Сен буни ичиб жуборсанг-чи.

Қарасам бўлмайдиган, не қилай энди, балиқчининг ароғини ичмасам ўз ватаним манфаатларини қўлламайдиган бўларканман, ичиб юбордим, ичимда алланарсалар «жимм» этиб кетди. «Нукус арағи экологиянинг зарарини қайтарди-да,— деб жаврарди хотинбоз балиқчи. — Шунинг учун юрибмиз-да, эллик, олмишга чиқиб. Бу ёшга етмаганлар қанча бизнинг юртимизда. Уйбай қудайим, дунё ўтиб кетди биздан...» Ичиб юбордим, назаримда балиқчи ватандошимнинг берган ароғи, ҳалиги қадахда ёнмай қолган бошқа аъзоларимни битта қолдирмай ёқиб юборган эди.

— Боврим, кел бизнинг устолга. Ма, ол буни... — қўйнидан йирик-йирик ғижимланган пулларни олиб узатди.

Бош чайқадим, ҳали ҳам ичим ёнаётгани учун, ҳам дарддан, ҳам ароқдан кўзларим ёшланди.

— Осанги, меники табаррук. Қалол, — Қўсберган чайқалиб мудранарди. — Йил бўйи балиқ тутдираман, алкашларга ароқ бериб.

Хорижлик сариқ безовталаниб қадахни столга қўйиб, қари малла кишига норозилик оҳангида гапирди. Иккала столнинг диққат-эътибори менинг ғамгин кайфиятимни кўтаришда бўлди. Балиқчиларнинг ҳамроҳи офатижон қизлар ҳам норози бўлиб, қошларини чимириб-чимириб қарашарди.

— Девушка, вам помочь? — ичкиликдан қалбининг энг эзгу туйғулари юзига балққан рус кишиси хайрихоҳлик билан қараб турарди.

— Да, нет, они мои радные, каракалпаки... — дедим ёш болалардай кўз ёшларимни артиб.

— Почему тогда...

Эзгу рус кишиси воқеани хорижликларга тушунтира кетди, лекин улар негадир ҳеч нарсани англай олмай «what, what» дея қайта-қайта елка қисшарди. Қўсберган қўярада-қўймай пулларини киссамга тикқач, иккита катта балиқни олиб кетмаётганимга роса афсусланди. Мен унга, онам балиқни яхши кўрарди, деб айтгандим-да, шунга фарзандлик меҳри жўш урди чоғи. Хорижликлар Қўсбергеннинг хатти-ҳаракатларига анграйиб қолишди. Негадир атрофимда, умуман ҳаётимда содир бўлаётган ҳамма нарса аҳмоқона, бемъани ва кулгули туюлди. Бошимни иккала қўлим билан ушлаб «қаҳ-қаҳ» отиб кулдим. «Кул, боврим, кулабер, дардинг енгиллашади. Ҳеч бўлмаса етгунча куч тўплайсан, энанинг дарди ёмон бўлади. У отни ҳам йиқитади». «Дард отни йиқитади» деган гап юрагимни тешиб ўтди. Энди қандай яшайман? Ким менинг муваффақиятимни кўриб қувонади, ҳасратимдан куяди? Энди менинг ҳаётда муносиб фарзанд мақомим кимга керак? Ўзи кимга суяниб яшаган эдим? Ҳаётимнинг маъноси не эди? «Ваа... онааа». Бор овозим билан йиғлаб юбордим, ўша лахзадагина дунёда ёлғиз қолганимни, энди ўзим туғилиб ўсан уйимга борсам кулиб чиқадиغان онам йўқлигини, умуман у овул, у қишлоқ, ҳатто Ўрта Кўл-да... мен учун моҳиятини йўқотганини англадим... Онааа. Минг лаънат сенга, Қўсберген. Мурсога келмайдиган хотинларингга лаънат». Хира задан кимлардир, назаримда Қўсберган етoviда хонамга олиб чиқишди. Хорижликларнинг столдан ўтиб кетаётганимда, эзгу рус кишиси «жинни бўлмаганимни, биринчи бор ича-

ётганимни...» инглизчалаб тушунтираётгани узук-юлуқ қулоғимга кирарди. Барзанги хорижликлар жундор ялонғоч оёқларини узатганича қотиб, тикилиб ўтиришарди. Жуда сезувчан бўлганим учун ичимда икки қитъа шароби қилич уриштираётган бўлса ҳам, хонада туриб қолган ҳиддан акса уриб юбордим. Миямда ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб ётарди... Оқ рўмолли бир аёл билан аллақаерларда юрибман, хотинбоз балиқчининг семиз юзи чироқда ялтирайди, киракаш ҳайдовчилар қоп-қора қўлларини чўзишади, «дод» деб қочаман. Мен ўтирган самолёт ағдарилиб кетаётганмиш. Юрагим тез-тез уради. Бахтим ҳам бор-да... «Ойдин» деб чақирарди ташқарида кимдир. Яна ухлаб кетаман, яна қулоғимга аллақандай овозлар, ёввойи саслар, кулгилар киради. Бир лаҳза ҳеч нарсани эшитмай қоламан. Яна «Ойдин» деган овоз эшитилди. Хира йўлаклар сув қуйгандай жим, навбатчи аёлни ойнаванд дарчасидан чироқ нури араг кўзга ташланади. Олдинги даврлардан қолган қўпол тутиқчи, баланд эшикларни қийналмай очиб, ташқарига чиқаман. Қўзимга ярқ этиб кумушранг ойдинлик ташланади. Осмонда юлдузлар чаман бўлиб очилган, кўкиш самодаги аста силжиётган булутларнинг ноziқ қанотларини кўриб турардим. Қаерда кўргандим бу манзарани, сира эслолмасдим. Атрофдан сувнингми, аллақандай чўл гулининг иси келар, қурбақалар, чигирткалар тинмасдан кўриллар, чирилларди. Олислардан аллақандай ёввойи жондорнинг улиган саси элас-элас эшитиларди. Бошимни бурдим, қоп-қора, баҳайбат бинонинг ҳайҳотдай эшиги очик турар, чексиз сахро ичида жойлашган меҳмонхона эшитининг тунда ёпилмаслиги хайратга соларди. Сал нарироқда, деворнинг ёнбошида туянингми, ненингдир бошини, совуқ ялтираётган кўзини кўргандай бўлдим. Бирдан даҳшатта тушдим, бу орада меҳмонхонадан эллик-олмиш қадамгир узоклашган, қоронғилик сатҳига бориб қолган эдим. Қоронғилик улкан бир махлуққа айланиб тутиб олмоқчидай қўл чўзади, шунда жонжаҳдим билан орқага қочаман. Эшикларга урила-сурила, бир нафасда хонамга кириб олдим. Қора терга ботиб нафас оларканман, бу ҳолатимни туш ёки ўнг эканлигини англай олмай гангиб турардим. Ўзимни ўринга отдим, шунда тунги манзарани самолётда, Худонинг уйига жуда яқин жойда кўрганимни эсладим. Афтидан мен ўша жойни излаб юрар эдим. Ўша манзаралар ортида... дунёнинг чеккасидаги юрт бор... кўл... Бир зум ўтмай чайқалаётган, шовуллаётган олам тинчиб қолди.

Қулоғимга аллакимнинг йиғисими, кулгисими кирарди. Қаерда эканлигимни англамай ётдим. «Жиннихона!». Сакраб ўрнимдан турдим, не кўз билан кўрайки, куёш аллақачон ўз ётоғидан кўтарилиб кетган эди. Атрофдан тонги ғала-ғовур эшитиларди. Нарсаларимни апил-тапил йиғиб эшикка югурдим. Кечаги киракашлар кумга сингиб кетгандай кўринмас эди. Янги, яна ҳам очкўзроқ ва олғирроқ уч-тўртта ҳайдовчи изғиб юришарди. Ёши ўттизлар атрофида, қорачадан келган, юпқа тўн кийиб олган бир киракаш билан келишдим. «Бошқалардан бир соат олдин олиб бораман». «Қандай қилиб, яқин йўл борми?» «Сир, сир... кўрасиз». Машинага ўтириб жўнаб кетаётсам, кимдир хўнграб йиғлаб юборди. Савол назари билан ҳайдовчига қарадим.

— Менга Раҳим деб гапираверинг. Буми... — бино деворининг бурчагида муштдеккина бўлиб, катак сумкани ус-



тида йиғлаб ўтирган аёлга ишора қилиб. — Потма бу. Потма бириси билан дон олишарди. Ўша ҳайдовчи кеча буни пулини олиб, меҳмонхонага келган деушклар билан... — Раҳим жуда тотли бир нарсени эслагандай энтиқди, — кетиб қолибди. Номард. Бу болаларининг олдига боролмай шаҳарда қолиб кетибди.

— Кечаси билан шу ерда ўтириб чиқибдимиз? — сўрадим ичим ачиб.

— Энди жуда ўтирмагандир-ов, қоровулми, кочегарми жой бергандир, энди барибир аёл кишида... бу ердагилар ҳақини сўрайдиган одамлар.

— Қандай ҳақ, қайси маънода?

— Тўғри маънода... — Раҳим саволимни ёқтирмай, кабина ичини артаркан, қошени чимирди, — аёл бўлганидан сўнг... бу ердагиларнинг кўпчилиги ё ўтириб чиққан, ё алкашлиги учун уйдан ҳайдалган. Шунинг учун ҳақини сўрайди.

— Йўлимиз бир бўлса олиб кетайлик шу опани, — дедим бир оз ўйланиб.

— Кетдик, Потти, — деди шофёрга жон кириб, деворга суяниб ўтирган аёлга қараб.

— Фақат кейин ҳақини сўрамайсиз.

Кабинадаги тер ва чанг ҳиди шамолда қўзғолиб, акса уриб юбордим. Музыка янграйди, сўнг радио гапирди.

— Кечирасизлар, аллергиям бор.

«Нега гашимни бўласиз, сўрагандан кейин эшитинг-да. Сизларнинг тартибингиз ёқмади менга. Кечаси билан териб тушолмадим. Бу адолатданмас...» — дерди жаҳл билан бир радио мухлиси.

Раҳим машинани равон йўлга соларкан, «ҳеч ким сиздан касалингиз ҳақида сўраётгани йўқ» деди. Яна радиодан «Бу водий садоси, эфирда Қизлархон» деган ёш диктор қизалоқнинг қувноқ овози эшитилади. «Қизлархон, сизни байрам билан табриклайман. Совғам бор эди. Манзилингизни билмаяман». Диктор қиз бир зум язим қолади. Барибир аёл қалби нозик, ўша лаҳзалик сукутда аёллик дунёсига шўнғиб кетади. «Қоровуларимиз жуда ёмон, совға билан ичкарига қўймайди. Эфир кунни биз, умуман, ичкаридан чиқмаймиз». Ҳаётда ичкаридан чиқасизларми ўзи, ўрмонда оқ айиқлар ҳам баҳорда инидан чиқишади, Қизлархон, дейди тонги радио мухлиси.

Эркакнинг ўтинчи ва эътибори олдига аёл юраги эриб кетади. «Эфирдан сўнг телефон қилинг. Сиз учун Юлдуз Усмонованинг «Мендан мени сўрама» ашулласини совға қиламан. Тингланг, дунёнинг энг гўзал қўшиғи «Мендан мени сўрама». Тунги бедорлар учун».

Қўшиқ янграйди, хаёлим олисларга кетади. Ичимдан қувноқ қизнинг сўзларини такорлайман. «Тунги бедорлар учун». Мен ҳам бедор эдим, балки бутун умр бедор эдим. Хорижда икки йил ишлаб келдим, ҳамшиша нимадир етишмади. Кеча Тошкент аэропортида ўзимнинг оқизилигимни ва заифлигимни яна бир марта тан олган эдим. Ўттиз етти минг сўм тўлаб овул томонга борадиган патта олган эдим. Учишга жуда оз вақт қолгани учун ҳаллюсуб рўйхатдан ўтказадиган жойга бордим. Олтмишга яқинлашиб қолган, кўкрагига «Ҳасанми, Тешами» деган илдирма қистириб олган хизматчи «кассага боринг, паттангиз нотўғри ёзилган» деди. Қоп-қора кўзларини мовий ранга бўяб олган мулозим қиз, «ҳаммаси тўғри» деб жеркиб берди. Изимга қайтиб Ҳасанми, Тешани излаб борсам, рўйхатдан ўтказиш вақти тугаган, таблода «Ўрта Қўл 1059» рейс деган ёзувлар қолган эди. Бу ёзув ғуссали

юрагимга ёзилиб қолган эди. Қўлимда патта билан ўз юртимга учолмадим. Бу ерда нимадир тўғри эмас эди. Овул йўналишига патта олганимда бўғзимга аллақандай аччиқ нарса тиқилиб, кўзларимдан оқарди. Ҳеч ким менинг ҳароб аҳволим билан қизиқмас эди. Мендан бошқа ҳамманинг иши шошилич, галстук таққан қориндор мансабдорларнинг, сонсиз катак сумкалар йиғиб олган тижоратчиларнинг, доира ва тор кўтарган олифта артистларнинг — ҳеч кимнинг вақти йўқ эди.

Яна хаёлот дунёсидан узилдим. Орқа ўриндиқда ўтирган Фотима рўмолча узатди. Рўмолча жуда чиройли бўлиб, гирдига турли-туман рангдор мунчоқлар тақилган эди. Юрагим бир орзиқиб кетди, рўмол овулни, ёшлик хотираларини қўзғаб юборди. Мен ҳам севган йигитимга шундай рўмолча совға қилар эдим.

— Фотима, нега кечаси қолиб кетдингиз?

— Э, синглим, отингиз ким эди?

— Ойдин.

— Ойдинжон, ҳаммаси тирикчилик, сингил, тирикчилик.

Раҳим безовта қимирлаб, олд ойнага осилган туморларни бир-бир ушлаб қўйди.

— Сизга айтсам, ҳар кун қора хуфтонда уйга бориб, тошдай қотаман. Ярим кечада уйғонаман. Соат учдан бошлаб гумманинг хамирини ёйиб бука бошлайман.

— Ҳеч ким кўмаклашмайдимиз? — дейман атрофимизда гоҳ илон изи, гоҳ кенгайиб кетаётган сап-сарик сахрога қараб. Йўлдан «вариллаб» ўтган катта-катта юк машиналари шамолдан «Жигули» миз тебраниб кетарди.

— Кўмаклашади. Эрим қассобдан арзонроқ гўшт олиб келади.

— Буни эри Жабборга мазза, курортда яшайди. Бозордан келиши билан гўшт қовуриб, бир шишани отиб олади, — дейди жонланиб Раҳим ва аллақандай тамшаниб.

— Отмай ўлсин. Ман унга сиз ярим умр яшайсиз дейман. Тушгача бозорга бориб гўшт, пиёз олиб келган бўлади.

— Нега ярим умр? — дейман ажабланиб.

Сухбат шу ерга келганда ҳайдовчимизнинг юрагидаги армонлар қўзғолиб кетади.

— Бир-иккита ҳамшиша жўралари билан икки-уч пиёла отиб олади. Иссиқина сомса билан.

— Сомса емай, ичмай ўлсин. Тушдан сўнг ўликдай қотади. У тушгача яшайди.

— Фотиманинг эрини яхши танийсиз шекилли, — дейман ярим ўгирилиб.

Машина йўлнинг қия жойида қуйига шўнғиб, радио шиғиллаб ишламай қолади. Қувноқ диктор қизнинг «Йй... мени эшитаяписизми» деган шодон овози, аллақандай тўлқинлар орасида қолиб кетади. Ҳаводан қуйган асфальт иси келади. Олдинда қорайиб чўзилиб кетган йўл саробдай жимирлаб кўринади. Яқингинадан аллақандай кўримсиз сув қушлари (булар ҳам экологиядан зарар кўрган дея кулгим келади) «ғийиқ-ғийиқ» деган саслар чиқариб учиб ўтади.

— Раҳим ҳам Жабборнинг ўртоғи эди-да, акаси машинасини бериб, бу одам бўлиб қолди, — дейди Фотима ҳар кун кўнглига уриб қолган йўлларга лоқайд тикилиб.

— Лекин Ойдинжон синглим, шундай бўлса ҳам сира

сотиш йўқ. Туя кўрдингми, йўқ, — дейди мағрур ҳолда Раҳим.

Ҳайдовчи олд ойнадан айёрларча орқа ўриндиққа тикилиб турарди.

— Ўла, нимани сотмоқчисан ўзингча, бизам сизни биламиз, — дейди кулиб бир оз маҳзун ва бир оз завқли оҳангда Фотима.

— Ҳар куни узоққа юрадиган машиналарга тушиб келганимга шундай дейди. Нима, қопларимни орқалаб, йўл бўйи сузмани оқизиб келайми? — дейди бир оз жаҳли чиқиб.

Йўлларда насибасини териб юрган, турмушнинг қийинчиликлари эзиб, инсоний туйғулари хиралашиб қолган эркак ва хотин, фақат иккаласигагина тегишли бўлган олам, аллақандай сирлар ҳақида даҳанаки жанглар олиб боришарди. Дунёнинг айланганини, ҳаёт кечиришини, қолаверса тирикчилигини шу йўлларда дея билишади. «Булар мендан бахтлироқ». Яна ғуссали йўлар ёпирилиб кетди. Машина ойнасидан аτροφни кузатиб ўтирдим. Олис-яқинда қўйлар ўглаб юрар, яқкам-дуккам уйлар кўринарди. Туллаган, ўркаклари осилиб қолган туялар, зипиллаб кетаётган тўртбурчак ранго-ранг қутилларга ҳайронлик билан тикилиб қолишарди. Туялар, қўйлар, сарғайган чўл бир зумда орқада қолиб кетарди. Осмон билан саҳронинг жуда узоқда, кўз илғамас жойларида бирлашиб кетган уфқ чизиқлари кўнглимни қайғули йўлларга тўлдирарди. Энди келажакда бу ерларни кўрармиканман, бу ерларга йўлим тушармикан?...

— Фотима, кеча уйга бормаганингиз учун болалар, эрингиз хавотир олиб ўтиргандирлар. Уриш-жанжал бўлмайдими ё бизлар Раҳим билан кириб чиқсакмикан?

Киракашимиз шарақлаб кулиб юборди ва қўли билан рулни уриб қўйди.

— Ойдинжон, бу бормаса эри хурсанд бўлади-ю.

— Нега энди? — дедим ҳайронлигим охиб.

— Яшириб қўйган ароқ-пароғини жўра-ёронлари билан ичади. Кейин уйқу планини бажараяди.

Фотима қизариб ерга қаради ва бирдан маънос тортиди. Қалбининг нозик жойлари тирналгандай бир антикиб қўйди.

— Нега ундай дейсан? Ҳаббор ҳам хавотир олади, қизларим қараб ўтиради, — кўзлари намлангандай яттираб кетади.

— Ҳов билмадимов, уйга биров билан борсанг ҳам Ҳаббор индамаса керак, — дейди Раҳим, ўйланиб, кўзларини қисиб олдинга қарайди.

— Ўзинга қараб гапир, ўзингни бил, бировнинг ҳаётига бурнингни тикма. Менинг ташвишим сенга қолдими?

Шу маҳал радио гапирворади. «Эфирда «Наврўз» радиоси. Азизлар, Музаффарман, диққат ҳозир «ҳа ёки йўқ» ўйинини бошлаймиз. Тайёرمىслар. Эътиборингизга бир гўзал қўшиқ ҳавола этамиз».

Киракаш қўлини кўтариб «пасс» дейди ва йўлга қараб дунёнинг ҳаёлларига ботиб кетади. Фотима асабий ҳолатда оёғининг остида турган каттак сумкасини «шиға» очаяди ва «шиға» беркитади. Аллақандай газета ва қоғозларни шитирлатади, афтидан гумма ўрашдан қолган бўлса керак. Бу аёл кечкурун нималар ҳақида ўйлар экан, нималарни орзу қиларкан? Мотор гувиллар, биз яна юқорига ўрмалай бошлаган эдик. Кўёш энди аτροφга ёйилиб, тонгги гўзаллигидан мосуво бўла бошлаганди. Саҳро ҳам тасмадай чўзилиб рангсиз тусга кирган эди.

— Ойдинжон, неччи ёшга кирдингиз? Фарзандларингиз нечта? — деган гуммачининг овози эшитилади орқадан.

— Ўттиз саккиз ёшдаман. Учта фарзандим бор, — дедим. Шахсий ҳаётим ҳақидаги саволлар кўпам ёқавермасди менга.

— Ўттиз саккиз? — деди у кўзида ночорлик ифодалари балқиб. — Мен ўттиз икки ёшдаман.

Раҳим йўлни кесиб ўтаётган оқ рангли «Москвич»га сигнал берди ва гуммачини нимагадир рози қилмоқчидай шафқатсиз ҳолда:

— Ҳар кун куёшнинг тифида гумма сотганинг учун ошланган теридай тиришиб қолгансан-да. Опамнинг... — бир оз ўйланиб, шу сўзга урғу бериб, — опамнинг... йўли бошқа, кабинетда ўтиради. Вақтида ейди, ичади, ухлайди. Унинг устига сеникидай аҳмоқ ва пианиста эри йўқ.

Фотима жим қолди, қоғозларни ҳам шитирлатмади, ҳа, ёш, ҳусн тўғрисидаги гапни ҳамма аёл ўринли қабул қилади. «Кет, ҳаётимдан кет... кет, тилагимдан кет... бардошим йўқ, қийнама... ҳаётимдан кет, кет». Мавлуда Асалхўжаеванинг овози кенг саҳролар, адоқсиз йўллар узра янгради. Машина йўлнинг четига чиқиб аста тўхтади.

— Машина қизиб кетди. Сув-пув ичиб туришлар.

Бу ерда автобуслар, юк ва енгил машиналар турар, йўловчилар, маъданли сув, аллақандай егуликлар ва нон сотаётган одамлар олдида уймалашиб юрарди. Бозорча чўлнинг қоқ ўртасига жойлашгани учун сотувчиларнинг қаердан келиб қолганига ҳайрон бўлардим. Бу яқин орада овул ёки қишлоқ кўринмасди. Қулоғига гул тақиб олган қиз муз солинган айрон сотиб ўтирарди. Оппоқ айроннинг ичида муз бўлаклари ва райхон шохлари сузиб юрарди. Кўнглим сует кетди. Ичгим келса ҳам ўзимни тийдим, чунки шаҳарда яшаб анча нозиклашиб кетган эдим. Одамлардан чеккароққа чиқиб, узоқларга боқдим. Ичимдан яна алланарса узилгандай бўлиб кетди. Олисроқда қабристон жойлашган эди. Ўшанчун ҳам ғалати ис келаятган экан. Одам исн. Орол бўйи томонларда сув ер юзасига яқин бўлгани учун ўликни сандиққа солиб ер устига қўяверишади. Қабристон устида ранго-ранг туелар, аламлар ҳилпирар, рангсиз мақбаралар қад кўтарганди. Булар олислардан қайгадир отланаётган кичик елканли кемага ўхшарди. Бағрига ёш, қари, армонли-армонсиз, соғ ва касалларни олиб олисларга отланган номсиз кемага... Яқинда онам ҳам номсиз кеманинг номсиз фуқаросига айланади. Яна дардим янгиланди, ичимдан қачон юртга етаман деган аламли савол уйғонди. Олис мамлакатда яшайганимга минг лаънатлар ўқидим. Машина ўридан жиляётганда Фотима мени туртиди, «ановини қаранг» деб ишора қилди. Йўл четида тамадди қиладиган столларнинг бирида кечаги гўзалларнинг бири, яъни Фотиманинг номаълум дўсти билан пулни олиб кетган Ободон ўтирарди.

— Бун ҳам шимиб ташашибди-ю, — деди Раҳим алланарсадан хурсанд бўлиб. Биз ялт этиб Ободон ўтирган томонга қараймиз. Йўлдан катта-кичик машиналар сигнал бериб ўтади.

— Эркак зотиға қирғин келсин, — дея Фотима юзини ўтириб олди.

Афтидан кечаси жуда кўнглисиз воқеа юз берган, қиз ҳаёлларга ботганича, ҳаво иссиқ бўлса ҳам жунжклиб ўтирар, бинафша ранг қўйлагини шамоллар учирар, ўтган-кетган ҳайдовчилар «кетасанми» дегандай сигнал беришарди.

— Олиб кетайлик шу бечорани, йўлда қолибди. Бу ўтиришида саратонда мияси суғулиб қолади.





— Опа, бунақалар йўлда қолмайди. Башарасини қаранг, бузуқлиги кўриниб турибди, — дейди гуммачи ёниб-қўйиб.

Ҳа, ўзинг машинага чиқиб олиб энди бошқаларни суяқ оёқ дейсан. Бечорани дўстинг ишини қилиб бошқа бировга ошириб юборган. Афтидан у хоҳламаган ва йўлда қолган, — деди Раҳим жайдари йўл фалсафасини изҳор қилиб, машинасини хиёнаткор шофёрнинг собиқ маҳбубаси олдида тўхтатди. — Ободон, юр кетсанг.

Қиз дафтатан мақсадимизни англай олмай гангиб қараб турди, қўлини қарама-қарши томонга чўзиб «орқага қайтаман» деди.

— Унда нега бу ерда ўтирибсан? Сояга ўтиб ўтир, қайтишда олиб кетаман, — деди кирагашнинг овози аллақандай хотиралардан бир оз тираб.

Қиз елкасини қисиб жалмайди, у жуда ёш эди. У дунёга болалик кўзи билан қарарди. Бизнинг ёмон ниятда эмаслигимизни англаб хурсанд бўлиб кетган эди.

— Реҳмет, — деди Ободон, унинг овозида гўё онасидан меҳр излаган қизалоқнинг ўтинчи бор эди. Улкан автобус мусиқани варанглашиб ўтиб кетди.

— Стерва! — деди Фотима алам билан.

— Ўзинг стерва, ўзим бор деб гапиривераркансан-да, — деди Раҳим машинанинг пешойнасидан қараб.

Одамлар, юклар, тугунлар билан тўла автобуслар, баҳайбат юк машиналари, қўли-қўлига темайётган сотувчилар орқада қола бошлади. Амударё томон кетаётган турнақатор машиналар сафига қўшилди. Ичида алами қолган ҳайдовчимиз «Жигули»нинг тезлини ошириб босиб кетди. Фотима орқа ўриндикда бўш қолган тугундай сакраб, ҳар ёққа урилди. «Аста юр, недан қолдинг». Раҳим барча норозилисларига гуммачи айбдордай машинани иланг-биланг ҳайдар ва орқадан «ўла, ўл» деган сасларга парво ҳам қилмасди. Яна йўлнинг ўнг томонида эски бир қабристон қолиб кетди. Умримда биринчи мартаба ўзим тунилган юрда қабристонларнинг қўлигига аҳамият бердим. Соат ўнларга қолмай дарё кўпригига яқинлашиб тўхтаб қолдик. Нега тўхтаб қолганимиз сабабини билиш учун кетган Раҳимнинг оғзи қулоғида қайтиб келди.

— Опа, кўрсангиз қулгидан қотасиз. Нарити қирғоқдан келин келаётган экан. Бу ёқдан, яъни 150 чақиримдан ошқ жойдан куёв уни кутишга чиққан экан. Келинни кутиб қолган куёв сал кўпроқ отиб юбориб, дарёнинг саёз жойига йиқилиб кетибди. Кўрсангиз шундай қулили, куёв сувдан «Кувончой... Кувончой... жоним, бундаман» деб бақиради. Келин бечора ошқ кўйлақда дарё бўйида чошиб юрибди. У ерда Аёзқалъадан келган «АЭЗИНТУР» деб ёзилган автобусда япониялик туристлар ҳам бор экан. Расма олиб ётишибди.

Бозорларда юравериб саргузаштгашиб бўлиб кетган Фотима сакраб тушиб чошиб кетди. Мен ҳам кўприк томонни кузатиб турдим. Дарёнинг икки томонида ҳам катта-кичик машиналар, одамлар гуж бўлиб туришар, она дарёнинг суви камайиб ўрталаридан кумлюк ерлар чиқиб қолган. Қирғоққа яқинроқ жойларда битта-яримтасини демаса, қачонлардир шавкатли байроқларини ҳилспиратиб юрган кичик кемалар занг ва кум босиб ётарди. Бошқа катта-кичик кемаларнинг бўёқлари шамол ва қуёшда ўчиб кетган эди. Узоқдан улар ҳам номсиз кемаларга ўхшаб кўринарди. Фақат баъзи бирларига «Орол», «Аму» деб ёзиб қўйилган эди. Бу кўприк беш-олти йил олдин ўтганимда қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай эди. Жуда кўп баржалар ва эски кемалар сувда чайқалиб

турадиган узун кўприк эди. Сирғалувчан кўприкка бирданига оғир машиналар чиқса, сувга ботар ва титрар эди. Узоқдан келин-куёв кўринмас, бир тўп одам гуж бўлиб турар, уларнинг шапка ва кўзойнақларидан японлар эканини билиб олдим. Юрагим севинчдан энтиқиб кетди. Машинани ўт олдириб аста силжиб кетдик. Радио тиниқ ва равон гапира бошлади. «Бугун Чеченистон президенти Аҳмад Қодиров ҳалок бўлди. У 9 май шарафига Грознийда ҳарбий парад қабул қилаётган эди. Чечен экстремистлари томонидан портлатиб юборилди». Э Худойим, инсоннинг умри чумолича қадрсиз бўлиб қолди. Аввал Зелимхон Яндарбиев, энди Аҳмад Қодиров. Дунёда чечен эркаги қолдимикан? Эй, одамзод, не талашасан, эҳтиёжларингнинг сўнгги борми?».

Кўприкдан тушганимиздан сўнг машинага чиқиб олган Фотима тинмай гапирар, гуммаларимни бу ерга олиб келиб, кунига беш юз-олти юз гумма сотардим деб афсусланарди. «Келин-куёвлар университет талабалари экан. Бир қари япон эр-хотини уларга уч юз доллар берибди. Янги кийим-бош олиш учун. Куёв олмайман деб туриб олган эди, ўша ердаги бир қари чол: «Болам, бу сенга Амунинг совғаси, бу давлатли кунингни бошланиши.» деди. Сўнг куёв пулни олиб келинга берибди. У қирғоққа етиб борганимизда келин-куёвлар машинага чиқашаётган экан. Кўприкдан тушаётганимизда машина қарсизлаб аллақандай темира урибди, Раҳимнинг тиши сингандай афли буришди.

Шолизорлар ичига жойлашган пастқам уйлар томонга Фотимани ташлаш учун киздик. У чой ичиб кетинглар деб ёнишиб олди. «Қўйима тайёр, уч-тўртта иссиқ гумма еб кетасизлар» дерди. Ўзи шундай, бу юртинг одамлари жуда меҳмондўст, сийишга нони бўлмаса ҳам, меҳмонга товуқми, қўй сўяди.

— Иссиқ гуммалар тайёр экан-ку бу ерда, — деди машинанинг орқасидан Фотиманинг юкларини олиб бераётган Раҳим гужум томонга ишора қилиб.

Уйнинг ёнибошида чинор остидаги сувада уч одам ичиб ўтирар, улар ҳам бизни кўриб пеллвот чиқяпти.

— Эрталабдан захарига ютиб олибди, ит. Топганимни қўчага едиради-да бу ифлос, — деди гуммачи алам билан қўзлари жикда ёшга тўлиб.

— Қўй, хафа бўлма, Поти.

Фотима шавқатор ёшлар оқётган юзини қўпол ва киз қўллари билан артади.

— Гуммаларингни пишириб турсанг, қайтишда олиб кетаман, — деди Раҳим исидан келиб чиқиб, умрида биринчи марта унга раҳм қилиб.

— Манглайим қора бўлиб шунга теккан эканман.

— Келинлар, меҳмонлар. Потижон. Менам сени кеча кемаслигингни билгандай, оқшом яхши ухламаганим учун бозорга бормагандим. Зоврани томоғи оғриб кечаси билан ухламади. Тушинг, тушинг опа. Энди бозордан келиб туришим эди. Нуриш қассоб қўштинг ёнига ўйна, тумшук, қулоқларини ҳам қўшиб берди, — эри бировга ҳақлигини иботламоқчидай тез-тез гапирарди.

Бир вақтлар келишган ва бақувват бўлган Жаббор, бир оз айбдор, бир оз гуноҳкордай, гўё бошқаларнинг ёнида индама, дегандай илтижо билан хотинига боқиб турар, олд тишлари тушиб кетгани учун оғзидан сўлак оқар ва ҳадеб қўли билан артарди. Фотима қалтираб катак-катак сумкасини тортиқларди, қўзларидан нилтиглаб ёш оқарди.

— Ассалому-алайкум, Ойдин опа. — Ёшгина йигит хузуримга югуриб келди. — Мени танимадингизми? Эгам рассомнинг невараси бўлман. Сиз Ўрта Кўлга бормадингизми?.

— Яхшимисан? Ўрта Кўлда нима қиламан? Овулга маъракага кетяпман.

— Опангиз катта энангизни кўришга борганда Ўрта Кўлда вафот этибди, ҳамма ўша ёққа кетган.

Бирдан ҳамма, ҳатто ичувчилар ҳам ачиниш билан қаради.

— Бир ёмон томони энди онангизни бу ёққа ўтқизмайди, — дейди у ўзининг билафонлигини намоён этиб. — Кўлнинг у қирғоғидаги қабристонлар эса пастда жойлашган. Кейинги вақтларда бизнинг қабристонларни ҳам шўр сув босиб кетди. Қариндошларингизнинг танишбилиши бўлса, опангиз энди мазза қилиб қуруқ ерда ётади.

Яшин ургандай титраб кетдим, Худойим, бундай ҳам синовинг бормиди, энди нетдим мен. «Бу боланинг эси жойидами, қуруқ ери нимаси. Бўлмаган гап. У қирғоқни шўр босиб кетган. Кейинги вақтда катта энамларнинг ҳовлисида ёмғир ёғса икки-уч кунгача кўлмаклар синмай тураркан». Йиғилганлар бир муддат жим қолди. Фотиманинг ёшли кўзлари катта очилиб кетди, унинг бўйнига юзлари ҳали ҳам ҳароратдан салқиб турган учтўрт ёшли қизи осилиб олган эди. У алаҳсираган куйи «опа, опа, тарвуз, тарвуз» дерди.

— Чатоқ бўлибди, — деди жуда раҳмдил бўлиб қолган Раҳимбой. — Қандай қилиб чегарадан ўтар экансиз. Ўликни соат ўн иккига чиқарса. Бир вақтлар ўша ердан ўйнаб ўтиб кетар эдик-а, — дейди афсус билан.

Ҳали ҳам ганғиб турган Фотима бирдан ўзига келди, гўё унинг онаси ўлгандай (ўзи бу одамлар шунақа, бировнинг дардини ўзиники деб тушунади) кўлимдан ушлаб торгди.

— Опа, анчадан буён туз тотмадингиз, — энди опангизнинг мақоми ўзгарган эди. — Ҳали маъракада кечгача тик оёқда турасиз. Юринг бир пиёла сутли чой ичиб кетинг. Йўмасам йиқилиб қоласиз.

Кўзлари сархушлиқдан ялтираб турган Жаббор ҳам бирдан қувониб:

— Юринг, опа, Потимани қўли жуда ширин, сутли чойни жуда яхши дамлайди, — дейди ичкиликдан абгор бўлган ва тезроқ мунтазир бўлиб турган ароқни ичишга шошилаётган одам.

— Кечир, Фотима, бошқа сафар. Ҳозир томоғимдан сув ҳам ўтмайди. Энди мен маъракага кечикмаслигим керак.

— Тўхтаг, опа, бўлмаса, — у каттак сумкаларини ташлаб, ичкарига югуриб кетди. Ҳали унчалик тузалмаган қизалоқ ҳеч нарсани тушунмасдан жовдирарди. Ҳамшишалар бегоналик билан типирчиларди.

Машина юриб кетди, касал қизини бағрига босиб Фотима энди мен учун йиғларди. У қора ва қўпол кўллари билан тинмай юзини артарди. Тиззамда турган помидор ва болаларинг совуғи танамга ёйилиб борарди. У эри ва болаларидан яшириб қўйган меваларни бир нон билан бизга олиб чиқиб берганди. Раҳим жимгина помидор билан нон еб борарди. Йўл четида МОНОҚО-ВУЛ деган ёзувли кўрсаткич пайдо бўлганда карахт бўлиб қолган эдим. Бир вақтлар ўзим туғилган қишлоққа бориш учун ўнгга қайрилишимиз керак эди. Лекин онамнинг маъракасига етиб боришим учун чегара томонга

юришим керак эди. У чегарадан биратўла иккита мамлакатга ўтиш мумкин эди. «Оҳ онажон, нега бундай қилдингиз? Наҳот анови телба боланинг гапи чин бўлиб қуруқ ерда ётишни истадингиз? Гўё менинг иродамни, муҳаббатимни синамоқчидай, нега у қирғоққа ўтдингиз, онажон. Шўр босган қирғоққа. У ёққа қандай ўтаман». Йўл четидаги уйлар олдида, одамлар кундалик ташвишлари билан мол етаклаб юришар, болалар ўйнашар, бурнини рўмол билан ўраб олган хотин тандирда қип-қизил нонлар ёпарди. Фақат менинг юрагим ёнар, ахир онам вафот этган эди.

Чегарага яқин жойда юк ортган машиналар, одамлар, сумка кўтарган хотинлар юқорига ўрмалаб кетишарди. Ўтиш жойига яқин қолганда, менга ўхшаган йўловчиларни олиб келган ҳайдовчилар орқага қайтиш учун одам кутиб ўтиришарди. Бир пайтлар болалигимда шибда, машинада ўтиб юрадиган жойда улкан бинолар пайдо бўлган, тиканли симлар тортилган эди. Божхона кийимидеги ёш, совуққон йигитлар қоғозлар ва ҳужжатлар билан машғул бўлишар, тизилиб турган одамларни тартибга чақирарди. Ўттиз-қирқ чоғли одамлар ўтиш учун навбатда туришарди.

— Опа, билмадимов ўтишингизни, сиз ўтириб туринг-чи, шофёрлардан билиб келай, — деб Раҳим ўйга ботганича машинадан тушиб кетди. У кўп ўтмай одамлар тўпидан қайтиб чиқди. — Опа, нима қилсангиз экан. Ҳозир чегараларни қаттиқ текшираётган экан. У ёқдан ҳам, бу ёқдан ҳам ҳеч нарса ўтмаётган экан. Тўғри марказий ўтиш жойига бориб кўрасизми? Самолёт билетларингизни кўрсатсангиз, мусулмончилик қилишса балки ўтказиб юборишар.

Навбатда турган одамларни четлаб ўтиб тўғри назоратчи йигитларнинг олдига бордим. Уларга паспортларимни, билетларимни кўрсатдим. Шу ерда туғилганимни айтдим. Кўз ёшларимни кўрсатмаслик учун кўзойнак тақиб олган эдим.

— Лекин, опа, сиз бошқа мамлакат фуқароси экансиз. Онангизнинг ўлими тўғрисида телеграмма борми?

— Йўқ. Телеграмма йўқ, кечаси телефон қилишди. Мусибат юз берса телеграмма кимнинг ёдига тушади. Тонгда минг азоб билан патта олиб учиб келавердим.

— Бизда расмиятчилик, опа.

— Ука, ёрдам беринг, соат ўн иккига етиб боришим керак. Мен Ойдин Жаҳонман.

— Танидим, опа, лекин на илож...

Божхона бошлиғи касал экан. Уларнинг катта-кичигига воқеани тушунтирганча, бир соатдан ошиқ ушланиб қолдим. Мен улкан бинолар ва тиканли деворлар қаршида лаҳза сайин тугаб бораётган кум соатга ўхшардим. Ўтаётган лаҳзалар билан жоним ҳам қўшилиб чиқиб бораётганга ўхшарди. Хуллас, қўшни мамлакатларнинг чегарасига борганимда соат ўн бирдан ошган эди. Темир дарвоза ортида туриб ўрта ёшлардаги хизматчига тушунтирдим. «Ер курраси яна бир марта айланса ҳам, соат ўн иккига етиб боришим керак», дедим. У одам тушунди, қонунни бузсам-да, ёрдам беришга ҳаракат қиламан деди. Дунёда яхшилар кўлиги учун ер курраси ўз ўқидан чиқмай айланади деб ўйладим. У одам энг сўнгги пунктгача борди, лекин ёшгина бир хизматчи қизнинг олдидан қайтдим. У



телеграмма бўлганда ҳам истисно тариқасида ўтказардим, деди кибр билан. Синглим, ёнимда қирқ доллар пул бор, шунга олиб ўтказиб юборинг. Сизнинг онангиз сира ўлма-син, дедим. Йигирма долларни ҳали Раҳим берган эди, етмай қолса ишлатасиз деб. Қиз юзимга узоқ тикилиб турди. Ичимдан Худога илтижо қилдим. Менга кўмак бер! Охириги марта онамни кўриб қолай, дедим.

Чегаранинг мудҳиш соатлари ўн иккига яқинлашиб қолган эди. Ёнгинамдан юк ортган машиналар, қути ва жомадон кўтарган одамлар ўтар, лекин менга йўл йўқ эди. Катта энамнинг уйидан, ёғоч дарвозадан олиб чиқилаётган тобутни кўриб турардим. Қари, чўпдай озгин қари энам кўзларини юмиб айтгим айтади. «Армонли кетган болам». Ўзи умр бўйи унинг кўзидан бир томчи ёш чиқмайди. Бу ҳолатни бошқа маракаларда ҳам кузатганман.

— *Вы мне предлагаете взятку? Даже за тысячу долла-ра не пропушу вас, —* дея бирдан русча гапирди, бир вақтлар менга кўшни бўлган шаҳарнинг фуқароси хизмат либосини тўғрилаб.

Баланд ва қаттиқ деворга осилган соат «данг» этди, сўнги умидларим чилпарчин бўлди... Мен тамом бўлган эдим. Изимга қайтдим. Қўзларимдан тинмасдан ёш оқар, умримда биринчи мартаба ўзимнинг энг ожиз ва жирканч одамлигимни ҳис қилдим. Вужудим, бутун оёқ-қўлим қалтирарди. «Бошқа йўллари йазлаб кўрарсан. Қўлимдан келган ёрдамимни бердим», деди ўрта яшар боғхоначи.

Текшириш жойидан шошиб ўтганимда қари бир хотин «қизим, уялмайсанми, нега навбатсиз ўтасан» деганди. Икки соат давомида чегаралар орасида сарсон-хор бўлиб йиғлаб юрганганимни, бошимга тушган мусибатдан хабардор бўлган чоғи, «болам, куйинма, нетасан, онанг сени кўриб турибди», деди бошқа одам.

Абгор ҳолатда ичкаридан чиқсам, Раҳим кутиб ўтирган экан. Иккаламиз ҳам сўзсиз йиғлардик.

— Опа, онангизни қайси қабристонга қўйишаркан?

— Ўрта Қўл бўйидаги Қора хўжа бува қабристонига бўлса керак.

— Юринг ҳеч бўлмаса кўтариб ўтаётганларини кўриб қоларсиз. Йўл чегаранинг ёнгинасидан ўтади-ку.

У машинани катта тезликда ҳайдаб кетди. Эски «Жигули» ҳозир сочилиб кетадигандай тарақлар, чиқиллар, ғийқилларди. Қишлоқнинг ўнқир-чўнқир йўлларида сакраб-сакраб, сим тўсиғи ёнидан кетиб борардик. Айтилган жойга етиб борганимизда, сим деворнинг у ёғида ҳеч ким кўринмасди. Қабристоннинг жуғлари кигиздай осилиб ётган бир-икки дайди итлари юрарди. Баҳор оёқлаб қолган бўлса ҳам кўп дарахтлар барг чиқарган, юқори шохлари қурий бошлаган эди. Йўл бўм-бўш, ўтган йилги барглари шамолда учарди. Сим тўсиқнинг у ёғида оғир бир сукунат ва ҳазинлик бор эди.

— Опа, ўтиб кетишибди. Сал кечикибмиз, — деди Раҳим юзлари аламдан қорайиб.

Унсиз инградим, энди йиғлашга, ўйлашга ҳам ҳолим қолмаган эди. Энди тутаган қум соат эдим. Шу маҳал радио тиниқ ва равон гапириб юборди. «Азизлар, мен Музаффар Мирзабеков сизларни жуда яхши кўраман.

Оллоҳ ҳаммамизни, она Ўзбекистонимизни ўз паноҳида асрасин. Омон бўлинглар. Сизлар билан эртагача хайр-лашаман».

Мотор ўт олиб орқага қайтдик. Юзимга совуқ шамол урди. Қарахтлик оламига шўнғиган эдим.

— Опа, опа, анов келаётганлар шулармасми, таниш одамлар борми, қаранг-чи, — Раҳим тезлик билан машинани буриб яна сим деворларга яқин борди.

Хиралашган кўзларим билан қарадим. Бирон таниш башарани кўрмасдим. Тўхтаган тегирмон тошларидай миям фикрлашдан тўхтаган эди. Тобут кўтарган одамлар жуда яқин қолганда кўшни мамлакатда қолиб кетган кенжа укам ва Бозорбой почтамни таниб қолдим. Қарахтлик оламининг чоки сира сўкилмасди. «Онаа» дедим ва мадорсиз сим деворларгача ўрмалаб бордим. «Она, эшитяисизми? Она, мен Ойдинман». Сира овозим чиқмас, қўлларимни сим деворлар орасидан чўзардим. Раҳим ҳам ёнимга келиб унсиз йиғларди. Одамлар сира эшитмас, тилсим лашкарларидай аста узоқлашиб борарди.

— Ҳей, оғайнилар, қўлларингиздаги Бекпошша опами? — деди Раҳим овози титраб.

У ёқдан «ҳаа» ишорасини қилишди, лекин ҳеч нарсани кўрмасдим.

— Сал яқинроқ келинлар, Ойдин опа ёнимда турибди. Уни чегарадан ўтказишмади.

Қора издиҳом бир муддат тўхтаб, таррадуланиб қолди. Сўнг тиканли девор томонга юра бошлади ва симга жуда яқин келди.

— Ойдин опа, ана онангиз.

Онамнинг ўрнида қизил бахмал ёпилган узунчоқ қути мавжуд эди. Кичик номсиз кема.

— Она, онажон, мен етиб келдим... — лекин сира овозим чиқмасди, овоз ҳам мени тарк этганди.

— Қизим, бир қисим тупроқ ташла, онангнинг кўзи очиқ кетмасин. Охириги дақиқাগача сени кутдик. Шунинг учун ярим соат кеч йўлга чиқдик. Тезроқ юрмаса кун оғиб, кўл бўйида шамол уйғонади. Ҳали майитни сандиққа жойлаштиришимиз лозим.

«Сандиқларга айланган онам».

Қўзларимга тикан кирар, тирноқларим остида нимадир гижирлар, лекин ердан ҳеч нарса ололмасдим, сўнг Раҳим бақувват панжалари билан бир қисим тупроқни кафтимга қуйди. Тупроқни отдим, у тобутга етиб ҳам бормади. Чанглари олисларга учиб кетди... Чанглари ҳам менга ўхшарди. Ерда ётган сумкамдан мовий ранг ипак рўмол кўриниб турарди. Онам рўмолни келинлик давридан асраб, ўлимлигига атаб қўйган эдилар. Уни атайлабдан шаҳардан олиб келган эдим. Рўмолни тиканли сим устидан иргитдим. У симнинг энг баланд жойига илашиб қолиб, шамолда тугдай ҳилпирар эди. Бирдан кимдир келиб бизни қондани бузмасликка чақириб қолди. Жамоа бир қалқиб кетди ва тиканли девордан узоқлашди. Мени жон тарк этганди. Тобут узоқлашар, баланддаги ипак рўмол шамолда «тап-тап» этганича ҳилпирар, унинг остида сувратим қаққайиб турарди. Вужудимда, бўғзимда куйиш ва оғриқли ингроқ пайдо бўлди.



# ҚЎШМА КОРХОНАЛАР САЛМОҒИ ОШМОҚДА

Айни кунларда Хоразм вилоятида 29 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларда 2730 нафар киши иш билан таъминланган.

2005 йилнинг I-ярмида қўшма корхоналар томонидан 12 млрд. 673 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб (хизматлар кўрсатилиб), 1 млн. 30 минг АҚШ доллари миқдорида экспорт амалга оширилган.

“Хоразм-Нуртоп”, “Унихо”, “Боготтекстил”, “Гурлан Дора Лтд”, “Хоразм Мавера пласт” қўшма корхоналари ва “Урганч ёғ” хорижий инвестицияси иштирокидаги ҳиссадорлик жамияти вилоятдаги асосий экспортчи корхоналар ҳисобланади.

Бугунги кунда қўшма корхоналар ходимлари халқаро стандартларни жорий қилиш бўйича ўтказилаётган семинарларда қатнашиб ўз малакаларини оширмоқдалар. Бу эса корхонага сифат бўйича сертификатлаш тизимини жорий қилишида қўлай шароит яратди.

2005-2007 йилларда вилоятга чет эл инвестицияларини жалб қилиш даъстури асосида “Хоразм автомобил ишлаб чиқариш бирлашмаси” ҳиссадорлик жамияти базасида Полшанинг “Noven Color” компанияси билан ҳамкорликда «USP Cottor» қўшма корхонаси ташкил қилинди. Қўшма корхона ойига 450-500 минг погон метр трикотаж матоси ишлаб чиқаришига мўлжалланган. Ишлаб чиқарилган маҳсулот 100 фоиз экспортга йўналтирилади. Ушбу ишлаб чиқариш учун зарур бўлган технологиялар “Noven Color” компанияси томонидан етказиб берилади.

Хорижий инвестицияларни жалб қилишни янада рағбатлантириш тўғрисида қабул қилинаётган Президентимизнинг фармонлари ва Ҳукуматимиз қарорлари вилоятда қўшма корхоналар сони ва уларнинг вилоят иқтисодиётида тутган ўрни ошишига хизмат қилмоқда.

## «ШОВОТТЕКСТ» ЎЗБЕКИСТОН–GERMANYA ҚЎШМА КОРХОНАСИ


2003 йилда «Шовот–Турон» масъуляти чекланган жамияти базасида Германиянинг «Шульц экспорт–импорт Гмбх» компанияси билан ҳамкорликда ташкил қилинган.

Корхонада Германиянинг KFW банки кредит линияси бўйича 998 минг евро кредит маблағи ҳисобига Германия ва Туркияда ишлаб чиқарилган ишлаб чиқариш дастгоҳлари ўрнатилди.

Корхона йилига 3 млн. 360 минг гона футболка ва кўйлақлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, 98 киши иш билан таъминланган. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича МДҲ давлатлари ва Ҳиндистон фирмалари билан шартномалар имзоланган, буюртмалар қабул қилинмоқда.




Суратларда: Сифатли маҳсулотлари билан Республикамиз ҳамда жаҳон бозорларида танилган «Шовоттекст» Ўзбекистон–Германия қўшма корхонасининг иш бинолари ва жонкуяр ишчи-ходимлари.



## «ХОРАЗМ–НУРТОП» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

«Хоразм–Нуртоп» қўшма корхонаси 1994 йилда Туркиянинг «Нуртоп» фирмаси билан ҳамкорликда «Хоразм» ҳиссадорлик жамияти базасида ташкил қилинган. Қўшма корхона йилига 2100 тонна ип–калава ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхонада замонавий ишлаб чиқариш ускуналари ўрнатилган бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга ташқи бозорда талаб катта.


Корхона вилоятнинг асосий экспортчиси ҳисобланади. Бугунги кунда корхонада 98 киши меҳнат қилмоқда. Маҳсулотлар юз фоиз экспортга йўналтирилмоқда.



Суратларда: Барча маҳсулоти экспортга мўлжалланган, ип–калава ишлаб чиқарувчи «Хоразм–Нуртоп» Ўзбекистон–Туркия қўшма корхонаси.

## «УЗХИМВЕКТ» ЎЗБЕКИСТОН–РОССИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Қўшма корхона 2000 йилда «Урганч ёғ» ҳиссадорлик жамияти базасида Россиянинг «Химвект» илмий–ишлаб чиқариш фирмаси билан ҳамкорликда ташкил қилинган. Корхонада кимё саноатида кенг фойдаланиладиган «А» ва «В» маркали олеин ва пальмитин кислоталари, дистилланган ёғ кислоталари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхона йилига 21000 тонна пахта ёғи чиқиндисини қайта ишлаш қувватига эга.



Суратларда: Қўҳна Урганч шаҳрида жойлашган «Узхимвект» Ўзбекистон–Россия қўшма корхонасининг замонавий жиҳозлари ва асбоб–ускуналари

## «БОҒОТТЕКСТИЛ» ЎЗБЕКИСТОН–ТУРКИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

«Боғоттекстил» Ўзбекистон–Туркия қўшма корхонаси 2003 йилда Туркиянинг «Сонмез Метал Индустри ве Тижарет А.Ш.» фирмаси билан ҳамкорликда «Боғоттекс» ҳиссадорлик жамияти базасида ташкил қилинди.

Корхонага Германиянинг «Hallesche Vitteldeutsche AG» компаниясининг қиймати 6,7 млн. евро бўлган замонавий асбоб–ускуналари ўрнатилди. Қўшма корхонада 200 киши иш билан банд бўлиб, йилига 4350 тонна ил–калава ва 1440 тонна трикотаж матоси ишлаб чиқариш имконияти яратилди.

Корхона маҳсулотлари жаҳон талабларига тўлиқ жавоб беради. Бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тўлиқ экспорт қилинмоқда.




Суратларда: Боғот туманида ташкил этилган «Боғоттекстил» Ўзбекистон–Туркия қўшма корхонаси манзаралари.

## «АЗИЯ ТЕКСТИЛЬ ЛТД.» ЎЗБЕКИСТОН–ХИТОЙ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Қўшма корхона 2001 йилда Хитойнинг «Блу Оушэн Интернэшнл» (Blue Ocean International) компанияси билан ҳамкорликда ташкил қилинган.

Қўшма корхонага Хитойда ишлаб чиқарилган, қиймати 154 минг АҚШ доллари бўлган трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган дастгоҳлар ўрнатилган.

Корхона маҳаллий бозор билан чеклашиб қолмасдан, экспортга ҳам маҳсулот йўналтирмоқда.



Ушбу суратларда «Азия текстиль Лтд.» Ўзбекистон–Хитой қўшма корхонаси фаолияти акс этган.



## Кўнглим, осмонларга бир кулиб қўйгил...

\* \* \*

Ёмғир

Кўнгли билан бир ёғар  
Жимжитлик кулогимда паноҳ  
топади.  
Мажнунтолга илашган хаёл  
Яна ёмғир бўлиб оқади

Ёмғир

Кўзим билан бир ёғар  
Кўзларимда мўнгли жуфт  
қарга  
Баданимда ёмғир ўрмалар  
Баҳорни соябон қиламан

Товонимдан то пешонамгача  
Узун бир тун  
Юрак ёмғир билан бир ёғар.

\* \* \*

Кулишини унутган кулгуларим кўн,  
Ҳозир эртан учун яшагим келди.  
Осмон, сенинг учун йиғлаганимда  
Ҳар тонг дуоларим ижобат бўлди.

Оқ девор, хаёлим чизилиб унга,  
Баҳорни кафтимга ўйиб қўйибман.  
Кўзимни яширдим сўнгсиз бир тунга,  
Ҳудо деб тилимни тишлаб юрибман.



ТИЛАК

Шамолларга кўлларимни узатдим,  
Бармоғимга ўралашди тилаклар.  
Кўзларимда сирларини яшириб,  
Оқ балиқдек таллинади юраклар.

Елкани йўқ кемалардек эргашиб,  
Тўтиб олдим дарёларнинг кўлидан.

Нафосат НУРМЕТОВА



Юзларимга шапалоқлар тортма деб,  
Қолиб кетдим тўлғайларнинг йўлидан.

Жаранглайди сукунатнинг ўйлари,  
Баргларига алла айтар ўрмонзор.  
Гар чарчасанг бу дунё ишларидан,  
Ҳаёт дея қўйлаб беради анҳор.

Кўнглим, осмонларга бир кулиб қўйгил,  
Бугун юлдузларнинг қалблари баҳор.  
Мен ҳам тилакларга эргашиб юрсам,  
Тонгларини ҳада этарди дийдор.



Шаҳина ҚУРБОНОВА



ДУНЁ

Ташишли кўринган бу ҳорғин дунё  
Кимгадир қувончин улашар сўзсиз.  
Бахтсизга бахт берар, шоҳларни гадо,  
Гадони давлатманд қилар шубҳасиз.

Кимнидир олдида турган ошани  
Ўзганинг оғзига тутмоғи тайин,  
Гоҳида оқиллар қолиб пойгакда,  
Тўрни эгаллайди қай бир бетайин.

Ўғил безиб кетар отадан гоҳро,  
Аканинг дашноми укага бир пул.  
Мол-дунё олдида опасин ҳатто,  
Бир чақага пуллар бемехр сингил.

Молу мулк олдида қочар оқибат,  
Қондошлик риштаси ҳатто бир чақа.  
Инсонни ўйнатиб бойлик қўйига,  
Ҳаёт устимиздан урар қаҳқаҳа.

Шундайин тузилган бу кўҳна замин,  
Барисин бошқарар Оллоҳ илоҳий.  
Алдамчи дунёга қўймагайсиз ҳирс,  
Чин дунё олдинда, бу дунё фоний.

**Насиба ДАЖАНОВА,**  
**21-лицейнинг 8-синф ўқувчиси**

### БИЗ ЁШЛАР...

Биз ёшлар ватанинг эртанги кунни,  
Юрт учун бўламиз ҳимоя, қалқон,  
Тенгдошлар, келинлар ўқиб, изланиб,  
Қурайлик илмдан мустаҳкам қўрган.

Ватан осмон бўлса, биз унда юлдуз,  
Биз қанча порласак гўзалдир осмон.  
Гар ёшлар, ўз бурчин унутмасалар,  
Қудратли юрт қуриш бўларди осон.

Биз кулсак, кулажак боғларда чечак,  
Биз бормиз, оталар мағрур ва ўктам.  
Бизни қутаётир бахтли келажак,  
Беғубор ёшлик бор, юртимиз кўркам.



**Саъдулла ЖУМАНИЁЗОВ**



### БАҲОРНИНГ БИР КУНИ

Жилоланар гул япроғида,  
Биллур каби шабнам доналар.  
Ўйнаб эган майин шаббода,  
Майсаларни чайқаб аллалар.

Юз кўрсатгач кўкнинг малаги,  
Ниначилар рақси бошланар.  
Бир қарасанг шохи рўмолдан,  
Оқ булутлар кўзга ташиланар.

Кутмаганда шамол увиллаб,  
Босиб келар қора булутлар.  
Чақмоқ чақиб, осмон гувиллаб,  
Селдан сувга тўлар дала, жар.



Сал ўтмасдан келинчак мисол,  
Кун юзида Қуёш кулади,  
Капалаклар мамнун ва хушҳол,  
Гулбарглардан бўса олади.

### ЭЙ ШҲХ

Тирикликдан муродим сенсан, эй шўх,  
Ишончим, эътиқодим сенсан, эй шўх.

Хаёлимда малаксиймо яратдим,  
Илоҳий бир ижодим сенсан, эй шўх.

Дилу жоним, ҳаётим ҳам мамотим,  
Умидим, фикру ёдим сенсан, эй шўх.

Ўзинг бўлсанг гариб умримга мазмун,  
Чиқмаган илк саводим сенсан, эй шўх.

Гўзаллар кўп ва лекин барчасидан  
Латофатда зиёдим сенсан, эй шўх.

Ширинсўзлик билан машҳур бўлдинг,  
Эл ичра яхши одам сенсан, эй шўх.

Умрлар излаган бахтимни охир  
Йўлиқтирдим. Қарадим – сенсан, эй шўх.

### ЎЛДИР МЕНИ

Келгил-эй, ўйланма, ёр, ўлдир мени,  
Бу ишингдан қилма ор, ўлдир мени.

Согинурман қатлими нозинг билан,  
Айла тез қатъий қарор, ўлдир мени.

Хоҳишинг йўқ эрди ёз, қиш чоғлари,  
Келди-ку фасли баҳор, ўлдир мени.

Ўлдиролмайсан агарчи қасд этиб,  
Ногаҳон беихтиёр, ўлдир мени.

Гарчи нозингни тутарсан сен дариг,  
Кўзларинг-ла фитнакор, ўлдир мени.

Тийри пайқонингни, жоним, кўксима  
Йўлда ёким бешумор, ўлдир мени.

Хайрихоҳимсан агар, кулдир мени,  
Мен бўлай чин бахтиёр, ўлдир мени.



Нодира ИБРОХИМ

# ГУМБАКЛАР

## РАССОМНИНГ ТУШЛАРИ

### Ҳикоя

*Гумбакнинг охирзамон деб атаган нарсасини  
Яратгувчи капалак деб атайди.*

«Иллюзиялар». Р.Бах.

1

Яна ўз суратимни чиздим. Ўхшамади. Балки четдан қараган одам ўхшатар. Ҳа, ўхшашлик бор, бироқ бу мен эмас. Сувратдаги ўхшашлигим — бу рассомликдаги нўноқлигим, акс ҳолда у мени акс эттириши керак эди. Унинг билан суҳбатлашгим келмагани ҳам шундандир — кўзларидаги ётлик мени аёвсиз итарар эди.

Яна йиртиб ташладим. Бу нечанчиси? Ҳисобдан адашдим. Аслида санашга ҳеч қачон уринмаганман — ҳеч бир маънода ҳам ҳисоб-китобга мослашмаганман. Аммо ҳолатимдан билдимки, хатоларим, адашишларим чексизлик қадар чўзилиб кетяпти. Бу сафар ўзимдан буткул айрилгандай, шалвираб, кичрайиб қолгандай эзила бошладим. Бу маҳзуну мубҳамлик мени узоқ вақтгача тарк этмади. Ҳаётдан беза бошладим. Мўйқаламни қўлга олгим келмайди. Бошқа ишга ҳам ҳафсалам йўқ. Ички бир алам аралаш ўксиниш билан нидо қиламан: эй, Яратгувчи! Айт, йўл кўрсат, нима қилай?

Саҳарга яқин кўзим илинади. Нотинч уйқум қанча давом қилганини билмайман-у, аммо оғир тушлар исканжасида чарчаб уйғонаман. Сочларим ҳўл, вужудим титрарди. Бу не эди? Астойдил эшлашга урина бошладим. Қачонлардир ўқиган нарсаларим жонланиб, тушимга кирдимикан? Ўзга бир ҳаёт. Кимлар билан яшадим бу ўзга борлиқда? Гумбаклар, гумбаклар... аста тушимнинг баъзи саҳналари шууримда тиклана бошлади. Лекин уйғонганимдан бера тушимнинг кўринишлари эмас, руҳиятимдаги ундан қолган қандайдир кайфият, ҳолат борлиғимни банд этарди, худди бу бутун бир ҳаётдан қолган гуссали, аммо ёруғ хотирадек... Соғинчлар, изланишлар, армонлар ва хулосалардан иборат тўлиқ бир Ҳикмат — ҳа, бу яшаб ўтилган бир Ҳаёт хотираси.

Лекин гумбаклар нима, қандай аҳамияти бор уларнинг бу ҳаётда? Гумбаклар... Балки гуммарглардир, чунки уларнинг кўпчилиги яшаётган му-

ҳитга чидай олмай, капалакка айланиш орзуси қобиғида ўлиб кетишларидан шундай аталсалар не ажаб...

Шўртепа. Бу муҳит тўйимли озуқаларга бой. Бошқа лаззатлари ҳам бисёр. Мана бу ер иссиққина чириган япроқлар, сомон қатламлари... Мана бу ерда эса озгина, юмшоққина пахта қавати ҳам бор.

Мен фақат уларни четдан кузатяпманми ёки ўзим ҳам баъзан гумбак қобиғида яшадимми? Диққатимни, хотирамни жамлаб, ҳар бир кўринишни эшлашга ҳаракат қилдим. Жигарранг, кўримсизгина гумбакнинг қобиғида яшаб, не-не машаққатларни кўрмадим. Атрофимда турли-туман қуртлар, кўнғизлар, майда-майда микроблар яшашади. Шўртепа мавжудлик учун жуда қулай ер, фақат бунда ҳеч қандай қонунларда ёзилмайдиган, лекин ақлли мавжудотларнинг ҳаммаси биладиган қ о н у н и я т л а р г а мослашиб яшаш лозим эди. Бу қонуниятлар баъзи баҳайбат, ўта ақлли, совуққон кўнғиз ва семиз қуртларга ҳомийлик қиладилар. Лекин бу қўллари узун, «шафқатли» зўравонларга ҳам ҳавас қилиш қийин. Уларга ҳомийлик қиладиган ёзилмас қонуниятлар Шўртепанинг энг яхши томонларидан фойдаланиш учун, энг юмшоқ, энг тўйимли озуқаларга бой ерларида яшаш имкониятини берса ҳам, лекин кўнғиллар, виждонлар учун кўп қурбонликлар беришни талаб қилишарди...

Сувратгинам, нега сени йиртиб ташладим. Энди мен ўзимни ҳаддан ташқари шафқатсиз, кескин одам сезяпман. Шундандир, тушларим ҳам ғамнок, ғализ. Виждоним қийналяпти. Ўзим яратган суврат олдидами? Йўқ, у шахсга, образга айланиб улгурган эканки, мени тинч қўймапти. Ҳа, у Менга ўхшарди, фақат, нигоҳидаги кўз илғамас такаббурлик уни Мендан андак йироқлаштириб, бегонага менгзаб турарди.

— Ҳа, сен ўзингни дунёдаги энг камтар одамман деб ўйлайсан, аммо ўзинг ҳам сезмайдиган такаббурлигинг йўқ эмаски, ўз борлигингни чизгансан! Менда не айб?

— Йиртиб ташласам ҳам тилинг заҳар-а?

— Ахир ўзингман! Ўзингниям неча бор тимда-тимда қилдилар, бироқ тилингдан бол томаётгани



йўқ. Дарвоқе, Менда ўзинг тан ола олмайдиган, сен билмайдиган, ҳатто хаёлингга ҳам келмайдиган кўп хислатларинг акс этган. Сен эса Мени айблайсан.

Унинг ҳақлигини тан олдим-у, жавоб бергим келмади. Бу ҳам ўша такаббурликдан нишонадир?

Кейинги тун мени яна ўша Ҳаёт комига тортиди.

Капалак гумбаклари Шўртепанинг энг кам сонли аҳолиси эдилар. Улар кўпинча тепанинг четки, сиртқи қатламларида, Ташқи Оламга яқин ерларида яшашарди. Улар Ташқи Оламнинг мусаффо, муаттар ҳавоси ҳақида, эркин-эркин парвозлари ҳақида, гўзал капалаклар билан бирга гулзорлардаги нафис гулбаргларга маҳлиё бўлиб, асалдан лаззатланиб яшаш ҳақида орзу қилганлари-қилган эди.

Мен учун одатий бўла бошлаган тушдаги ҳаёт саҳналарини эслаб ўтирар эканман, яна чизишга иштиёқ сездим. Бу иштиёқдан ўзим ҳам хурсанд бўлиб, ҳар сафаргидек боғнинг тўрига, олча тагига ўрнашиб ўтирдим. Чизишга шайландим. Бу онлар, сеҳрли жараёнларнинг бошланиши мен учун, худди висолни интиқ кутган ошиқдай ҳаяжонланаман, оламшумул кашфиёт мени қаршилаб келаётгандек титрайман. Атрофдаги ҳамма нарса — энгил шамолда шовуллаётган дарахтлару қушларга суқланиб қарайман. Боғ четидан шилдираб оқиб ўтадиган ариқчада кўлларимни чаймоқ учун чўккаладим. Вожааб! Ариқчада муғрайганича уч-тўртта баргихазон оқиб келяпти. Айни пишиқчилик пайтида куздан келган бу хабар ўйларимни тўзғитиб юборди. Бевақт сарғайган япроқлар фарёдидан сув юзи алла-нечук лойқаланиб кетгандек бўлди. Куз — ҳамisha ёнимизда, у гоҳ маъюс, гоҳ ғамнок мактублар йўллаб туради руҳиятимизга. «Ёзга ортиқча инонма», дея огоҳлантиради гўё. Қандай ишга киришганимни билмайман, юрагимга тушган титроқдан қоғоз юзида дардларим, аламларим пайдо бўла бошлади. Пешонамда ажин йўқ, аммо кечаги ёшимга нисбатан катта кўриниб қолганим нимадан? Қайси ифода, қандай ранг, қандай чизиқлар бағишляпти бу йилларни?

*Қаро кўзим, кел эй, мاردумлиғ эмди фан қилғил,  
Кўзим қаросида мاردум киби ватан қилғил.*

Дафъатан шууримда янграб ўтган бу сатрлардан ҳам ҳайрат, ҳам қувонч туйдим. Навоийнинг буюк руҳиятини қанчалик ўзимга яқин ҳис қилсам-да, борлигимдаги ноетуклик туфайли унинг олдида айбдор сезардим ўзимни. Лекин изланиш ва интилишларимми, камолотдан йироқ бўлса ҳам, ижодкорликми, хуллас, барибир нимадир бор эдики, унинг улуғ, покиза руҳини ёнимда ҳис қилганимдан хотирам равшанлашди. Ҳа, кел, энди эй қаро кўзим, одамийлик касб эт. Ўзимни топай мен ҳам, англай энди адашишларим сабабини...

Йўқ, қорачиқларимда акс эта бошлаган ётлик, ёлғизлик кўкрагимдан итариб, мўйқаламни ҳам қалтиратиб юборди. Чизишдан тўхтадим.

Кўримсиз, кўпол эканликларидан қаттиқ изтироб чекадиган гумбаклар сингари қунишганча бо-

шимни осилтириб ўтирдим. Бу қадар ожизлик қобилига ўралишимдан илк бор ўзимда қандайдир ботиний энгиллик сеза бошладим. Хаёлим яна уларга кетди.

Бу Кўҳна тепа...

Нечанчи марта ўзимга савол бердим: улар не хилқатлар? Ахир бу мавжудотларнинг капалак табияти мутгасил қудратли куч билан Ташқи Оламга тортса, айни пайтда гумбаклик қобилиги бу Шўртепа шартшароитларига бўйсунилганга мажбур қиларди. Улар бир умр ўнг қирғоқ ва чап қирғоқ, оқ ва қора, тилак ва имконият ўртасидаги зиддиятлар, қарама-қаршиликлар аро азобланиб яшашга мажбур, маҳкум эдилар. Ишонинг, улар қуртлар ва микробларга баъзан ҳавас қилишарди, чунки уларнинг ичида парвоз истайдиган, мусаффо ҳавони кўмсаб, бадбўйдан доимо кўнгил айниб юрадиган капалактабиат йўқ эди-да. Ҳа, ишонаверинг, бу — минг марта ҳавас қилса арзигулик ўзига хос бир бахтдир. Гўнг еб ўтириб, асални кўмсаб, чирик сомонларда ухлаб, гулбарглари орзу қилиш, қурт билан яшаб, капалакни соғиниш нақадар азоблигини тасаввур қила оласизми?

Гумбакларнинг баъзилари бир умр курашлар, ўзгартишлар, буюк тўнтаришлар ҳақида бемаъни сафсаталар соғишарди. Баъзилари мунғайишиб, аянчли тарзда бу Шўртепанинг шафқатсиз, адолатсиз қонунлари ҳақида нолиганлари нолиган эди. Уларнинг ҳаммаси гумбак қобилигидан чиқиб, капалакка айланишни орзу қилишарди. Бу не фожеа, бу не адо бўлмас дoston? Ҳозиргина руҳиятимдаги нишотий комгирликка вобаста ширин орзуларнинг қанотлари қайрилиб, яна капалакка айланишга кўзи етмаган гумбакдай мунғайиб қолдим. Уларни донолар ҳукмига ташладим: бу мажруҳ махлуқларнинг, Яратувчининг кибрига лойиқ деб топилган бечораларнинг аҳмоқона ҳолатлари устидан қулинглар!

Улар шунга арзишади.

Лекин бу қаҳрли жазога дучор қилинган хилқатларнинг аянчли тақдирларига раҳм билан қараш учун ўзларингизда озгина мурувват ҳам топа билинглар. Улар бунга ҳам арзишади. Негаким, бир кун келиб, гумбаклар ниҳоят капалакка айланганларида сизнинг мавжудлигингиз қанчалик аянчли, қанчалар ночор эса-да, хайрихоҳ бўлишади.

Сиз ҳам бунга арзийсиз.

Бу гуноҳсиз гуноҳкорлар, айбсиз айбдорларнинг ҳар бир қадами Ташқи Олам қонуниятлари бўйича тўғри ва Шўртепа қонуниятлари бўйича нотўғридир. Агар улар тепанинг қоидалари билан «келишиб» қадам ташлашга мажбур бўлсалар, ичларидаги капалакнинг бу мавжудлиги Ташқи Олам ҳақиқатларига зид эканлиги ҳақида тинимсиз чирқирашларига чидашлари керак бўлади.

...Миям гувлаб, асабларим таранглашгани сайин қулоқларим шанғиллай бошлади. Бу ҳолатда қандай кўлимга мўйқалам оламан? Қоғоздан менга боқиб турган кўзлар янада ғазабнок кўринади. Яна сувратларимни йиртиб ташладим.

Ўзимни ўша Оламда чизсам-чи? Ўша тепада ивирсиб яшаётган мавжудотлар орасида ўзимни чиза



олсам, балки уларни яхшироқ тушунарман? Бу ғалати мавжудлик сирини тушунган заҳотим эса — аниқ биламанки, неча тундан бери мени қийнайдиған ғалати тушлар исқанжасидан ҳам қутуламан.

2

Бу Кўҳна тепа...

Бу буюк ва аянчли саҳнада ҳар бир мавжудот кўнглида қандай орзуси бўлишидан қатъи назар, фақат ўзига белгиланган ролнигина бажариб ўтиб кетади. Мажбурият ва зарурият шартларининг шафқатсиз исқанжаси уларнинг ўз роллари, яъни яшаб ўтиши керак бўлган тақдирларига буйсундирадилар.

Эй, нолишни севадиганлар, балки бу Исканжанин ҳам адолатли ҳикмати бордир? Бу адолат мавжудлигининг биринчи даражасида сизга сезилмаса, бу унинг умуман йўқлиги эмасдир?

Эй, курашчан сафсатабозлар, тилларни, оёқларни, қўлларни бир зум тинч қолдириб, БУЮК ЖИМЛИККА қулоқ солинлар... Бу борлиқда ҳамма нарса арзимас, чунки ўлим ҳам ҳолатнинг давомидир. Ва ҳамма нарсанин ўз арзирли ўрни бор, чунки ҳолатда шу биргина жонингиз — жон. Ҳамма нарса бачкана. Ва шу бачкана нарсаларнинг ҳаммаси соф...

Зиддиятлар туфайли ичдан энг кўп эзиладиган, «аҳмоқман» деб тан олишга мажбур бўлиб, ичида ҳассослигини англаб турадиган, сиртдан ғумбак, ичдан капалак бўлган мавжудотлар мавжудлигидан не маъно?

Бу Кўҳна тепа...

Донолар, сизларга бу тепанин қай бир фожеаси, қай бир бахти, қай бир Мазахини айтиш керак?

Тепанин бутун махлуқоту мавжудотлари, гўнгу сомонлари, иссиғу совуқлари, жинойту қабихликлари, аянчли фожеалари ва юксак дуру гавҳарларига қулгу ва кўзёшлари, азобу укубатларидан не ҳикмат?

Донолар, тирикликнинг ўзими бу Ҳикмат? Азаддан абадга узатилиб турилиши керак бўлган Изланишми бу ҳикмат? Энг асосий саволга энг асосий жавоб топилган сонияда борлиқ ва йўқлик ўртасида фарқ қолмаслигим бу ҳикмат? Бу маънони бир оғиз сўз, бир оғиз жумла ёки том-том китоблар билан ифодалаб бўладими?

Ифодалашнинг ҳожати борми?

Уни сўз қолипларига солиб ифодалашга ҳаракат қилишнинг ўзи бир нодонлик эмасми?

Нималар деб алжирай бошладим? Бу не, рўёга буткул сингиб кетишим? Ғумбаклар дунёсига бу қадар чуқурлашиб кетишимдан бирор наф борми? Ахир «тонг отяпти», «чақмоқ чақади», «бўрон бошланади»... каби сўзларнинг маъносини барча ғумбаклар каби мен ҳам тушунишим керак энди. Тонг

отади — бу Тепанин тонги. Кейин яна тун келади. Чақмоқ чақса, бўрон турса ҳам — гўнгни, хазонни кўзғатадиган тўполон, офат бўлади.

Мўйқаламим тезлашиб, Тепа устида тўзон уюри пайдо бўлди, қоронғилашиб келаётган осмон теграсида яккам-дуккам қора булутлар пайдо бўла бошлади. Чизишдан тўхтаб, тонг ҳақида ўйлай бошладим ва бошқа тоза қоғоз олдим. Тонгни қандай ифодаласам экан? Ҳақиқий тонг азал-азаллардан кўнгишларда ёришиб келади. Бу тонгни Тепадан қидириш бефойда-ку. Тепанин қайси қатлами, қандай шароитида яшаманг, Яратувчининг мулки бўлган кўнгишларингизга тонгни ҳам, зулматни ҳам, лаззатни ҳам, азобни ҳам Унинг ўзи оқизади-ку. Сиртингиз эса — Тепаники. Ичингизни бу муҳитга ошкор этиб, ифлосликдан лаззатлини юрганларга қулгу-мазах бўлишингиздан не маъно?

Лекин, Тепадан нафратланишга ҳам менин ҳаққим йўқлини англаяпман. Зеро, у ҳам Яратувчининг мулки. Сиртингиз, ғумбак қобиғингиз билан ичингиздаги капалагингизни ардоқланг. Бу муҳитга вақтида олдин Капалак бўлиб чиқсангиз — учиш у ёқда турсин, юролмай, ҳатто ўрмалай ҳам қоласиз. Капалак фақат Ташқи Оламдагина чарх уриб уча олади.

Ҳамма мавжудотлар вақти етганида, тухумлик, қуртлик даврларини яшаб ўтганларидан сўнг ғумбаклик даврига эришадилар ва Ташқи Оламда Капалакларга айланадилар.

Қоғозда яралаётган дунёнинг ғаройиб вакиллари — ғумбакларга хитоб қилдим: ғумбаклар, Яратувчининг буюк макри ва буюк туҳфасининг маъносини, ўз моҳиятларингизни англаг энди. Қобиғингиз ва ичингизни ҳикматли мувозанат ҳолатида сақлаш санъатини ўрганин энди!

Бу ер Шўртепа бўлса ҳам, «сохта мавжудлик макони» бўлса ҳам, сиз ўз эҳтиёжлари бўлган тана билан ва биргина азиз жон билан яратилдингиз. Фақат Яратувчи биладиган ва у белгилаган кун ташқи Оламга қайтмагунингизча, сиз шу ерда мавжуд бўлишга мажбур экансиз, бу мавжудлигингизни Моҳият ва Моддиятнинг уйғунлиги, мувозанати билан безанг.

Бу борлиқдаги энг тўғри таъриф. Ҳамма нарса оддий ва ҳамма нарса олий.

«Шундай оддий ва олий нарсаларни тасвирлашга ҳаракат қилганимнинг ўзи бир нодонлик...» дея картина тагига ёзиб қўйди камтар-такаббур бир ғумбак.

Кичкина, жигарранг, оддий ғумбак.

1998 йил, июн, Урганч.

**Нодира ИБРОҲИМ** —рассом. Ўзбекистон Бадиий Академияси қошидаги ижодкор рассомлар уюшмаси аъзоси. 1974 йили Хоразмда туғилган. Фанлар Академияси Зоология институти катта илмий ходими, биология фанлари номзоди. Оилали, икки фарзанднинг онаси.

Шеърлар ва насрий асарлар ҳам машқ қилади. Ижодкор сифатида «Ёшлик» журналида биринчи бор қатнашмоқда.

## ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ!



1999 йил «Зулфия» номидаги Давлат мукофоти таъсис этилганидан кейин Хоразм вилоятида илк бор ушбу бахтга Янгиариқ туманида тугилган Дилрабо Жуматова мушарраф бўлди.

Дилрабо 1985 йилда санъаткор оиласида дунёга келган. Ота-онаси санъатда бахтини топган инсонлар. Дилрабо 2000 йилда ушбу мукофотни санъат йўналиши бўйича қўлга киритди.

Ҳозирги кунда Д.Жуматова Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультетининг 4-курсидан таълим олиш билан бир қаторда инглиз ва испан тилларини чуқур ўрганмоқда, «Испания ва Ўзбекистон матбуоти-

нинг қиёсий таҳлили» мавзусида илмий малакавий битирув ишини ҳам олиб бормоқда. Шу билан биргаликда туркман тилидан Гўрўгли туркумига оид «Хирмондали», «Бозиргон» достонларини ўзбек тилига таржима қилиш билан банд.

## СУРНАЙНИНГ СЕҲРЛИ НАВОСИ

Қувондиқ Матяқубов 1982 йил Кўҳна Хоразмнинг юраги бўлмиш азим Хива шаҳрида таваллуд топди. Унинг отаси Хоразм сурнайи сеҳрини бутун дунё бўйлаб таратган ажойиб инсон Матрасул Матяқубов (Матрасул сурнайчи) бўлади.

Қ.Матяқубов 1991-98 йиллари Хива туманидаги А.Атажонов номидаги 5-сон мусиқа мактабининг қўшнай ва доира курсини тамомлади.

1996 йилда Республика мусиқа мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган кўрик-танловда қатнашиб, фахрли ўринни эгаллади.

1999 йил бўлиб ўтган «Халқ чолғу асбоблари ва баён сози» Республика 15-кўрик танловида қатнашиб, фахрли 1-ўринни эгаллаб 1-даражали диплом ва олий ўқув юртига имтиҳонсиз қабул қилиниш имтиёзини қўлга киритди. Шу йилиёқ Урганч Давлат Университетининг мусиқа факультетига ўқишига кирди.

2000 йилда «Камолот» жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган «Истеъдод-2000» кўрик-танлови ғолиби бўлган.

2004 йил «Меҳр-муруват йили» муносабати билан ўтказилган «Сурнай сеҳри» Республика кўрик-танловида қатнашиб, Республикада олий ўрин «GRAN-PRI» совриндори бўлди.

Ишонамизки, Қувондиқ ўз сурнайи билан ота изидан бориб, бутун ер юзига Хоразм санъатини, сурнайнинг сеҳрли навосини таратади.





Муножот АБДУЛЛАЕВА  
Зуфия номидаги мукофот  
соғриндори

# ҲАЙРАТЛАРИМ ҚЎНАР КИПРИКЛАРИМГА...



Нодира ЯНГИБОЕВА

## ГУЛХАЙРИ...

(Зомин йўлларида ёзилган шеър)

Меҳмоннавоз гулим, ҳушийдор гулим,  
Қанча соғинтирсанг, ҳаётинг бор, гулим,  
Сен менга, мен сенга интизор гулим,  
Билдим дийдор надур, сенинг тўфайли,  
Гулхайри, Гулхайри, Гулхайри!

Чўққига интилган бўйинг бўлсайдим,  
Қорингдай оппоқ ўйинг бўлсайдим,  
Пойингда шарқироқ сойинг бўлсайдим,  
Сен юксак тоғлардан тўшмагин, майли,  
Гулхайри, Гулхайри, Гулхайри!

Оҳанграбо меҳринг найлайди мани,  
Нигоҳим тоғларга бойлади мани,  
Хоразмга олиб кетсамми сани,  
Чорлайсан, чорлайсан Зомининг сари  
Гулхайри, Гулхайри, Гулхайри!

Бунча чиройингга бўлдим маҳлиё,  
Дунёнинг ичинда ўзинг бир Дунё,  
Бир умр ёнингда қолсаммикан ё  
Зоминда, Зоминда қолсаммикан ё  
Зомин бу—Шеър сайли, юраклар сайри  
Сени соғинаман, гулим Гулхайри!



Улида НУРМЕТОВА

## ТЕЛЕФОН

Телефон жириңлар,  
Тўхтат шеърингни  
Ёзма, кўй,  
Бас етар,  
Охирги нуқта.  
Ёзмагин куйган дил ерини  
Юрагим эзилар  
Кўйгин уч нуқта...

Эшитиб бу телефон сўзин  
Онам бирдан  
Ҳайрон қолдилар.  
Деди ёзмагин  
Шу ерин қизим,  
Тўхтатгин, мана шу  
Сўзда қолдилар.

Телефонмикан бу  
Айтиш-чи онам,  
Юракка гулгула  
Солган бу овоз.  
Пари эмасмикан  
Ёки бир олам,  
Шеърлар ёзилган  
Олароқ қозоғ.

\*\*\*

Ҳали уйғонмаган,  
тушимдаги каби,  
сўзим соясидан чўрайман гоҳо.  
Юпанч бўлар баъзан илиқ сўз,  
ҳиссиётнинг олтин шафрази,  
қўлогимга ёқут исирга...  
Майин бир ифори севаман сўнгра.  
Тандирдан узилган қўлча мисоли  
сўзларнинг тафти бор,  
мавжли,  
мўлойим.  
Баъзан эса хаёлим тортар  
Тўзлаб,  
Шўрлаб ётган қароқ ер.

\*\*\*

Дарчасини очади тўн, ундан  
Аста чиқиб келар сўлгин юлдузлар.  
Ҳайратларим кўнар киприкларимга  
Сўнг —  
Осмон аҳиллигин кўрмогим учун,  
Сўнгиқ юлдузларнинг гулханига мен  
Киприкларим билан қалайман олов,  
Бемажол учунга эсон кирган маҳал.  
Жонсарак юлдузларда порласин ёғду.  
Кўзларда ифода ялт этиб кетсин  
Дилрабо нурдан...  
Савраб кетсин учунлар ёниб,  
Муаззам руҳим ҳам ўзни бўлаклаб  
Ҳар бита учунга сингади тайин  
Алалхусус  
Рухим  
Истагани учун, тўннинг юрагида  
Чағнаб тўрмоқни  
Учуннинг қалбига жо бўлгани рост.  
Тонг чоғи дилқушо шўғаллар  
таралганида  
Юрагим —  
Уча, кўзга кўрринмайдиган анжойиб қўлининг  
Қанотлари ҳароратин сеза бошлайди...  
Рухим моҳияти ешилар учундан!

Муножот Абдуллаева 1987 йилда Хоразм вилояти, Шовот туманида туғилган. Ҳозирги вақтда Жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетиде таҳсил кўрмоқда. Ёш шоиранинг «Настарин», «Марваридлар тўкаётган тонг» номли шеърий тўпламлари чоп этилган.

# Ёшлар қалбидаги эзгу мақсадлар

2001 йил 24 январ куни ёшлар масаласига бағишланган йиғилишда юртбошимиз Ислон Каримов нутқ сўзлаб, жумладан, «Камолот» ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин!» деган эдилар. Ишонч билан айтилган бу сўз ёшлар ташкилоти раҳбарларида ташаббускорликни уйғотди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Хоразм вилоят бўлими Кенгаши ҳар бир ўғил-қизнинг юриштириши, орзу ва мақсадларига теран нигоҳ ташламоқда. Айниқса, 13 май куни Андижон шаҳрида террорчилар томонидан содир қилинган хунрезликлар барчамизни янада хушёрроқ бўлишга ундади. «Камолот»нинг жойлардаги бошланғич ташкилотлари бундай иллатларнинг яна содир бўлмаслиги учун фаол ва ташаббускор ёшлар билан муҳим тадбирларни амалга оширишга киришди. Яқинда ёшлар ташкилотининг вилоят Кенгаши қатор мутассадди ташкилотлар билан ҳамкорликда «Огоҳлик—давр талаби» мавзусида жойларда 150 дан ортиқ анжуманлар ўтказди. Анжуманларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси кафедра мудири Абдуғани Холбеков, таниқли ислоншунос ва таржимон Абдулазиз Мансур, Фозилқори Ёсин ўғли, Тошкент ислон университети ўқитувчиси Азимжон Ғофуров, Ўзбекистон ФА тарих институти директори Дилором Гуломова ва илмий ходим Дилором Алимоваларнинг иштирок этиши барчада катта таассурот уйғотди. Тадбирлар савол-жавобларга бой, баҳс-мунозара тарзида ўтди. Бундай кеча ва учрашувларни доимий равишда ўтказиб боришни мақсад қилиб қўйдик. «Огоҳлик—давр талаби» мавзусида ўтказилган анжуманлар ёшларимизнинг тарбиясига ижобий таъсир кўрсатганига аминмиз. Чунки бу ерда экстремизм,

терроризм, ватан хонларининг асл башараси фoш қилиниб, чинакам динда Ватанга муҳаббат ва садоқатнинг, халққа меҳр-оқибатли бўлишнинг улугланганлиги, муқаддас оятлар ва ҳадислар билан тушунтириб берилди.

Диний экстремистлар ўрта асрларда мавжуд бўлган халифаликни барпо этиш каби хом хаёлларда юрибдилар. Ваҳоланки, бизнинг Турон заминда қорахонийлар, сомонийлар, ғазнавийлар, хоразмшоҳлар, темурийлар, аштархонийлар, Хива, Қўқон хонликлари ва Бухоро амирликлари халифаликка итоат қилмасдан, мустақил равишда сиёсат олиб борганлар. Ота-боболаримиз мустақиллик учун сарбадорлар, Ҳаллолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Амир Темур, Паҳлавон Маҳмуд, Дукчи Эшон, Чўлпон ва Фитратлар тимсолида кураш олиб борганлар.

Айни замонда дунё харитасининг санокли қисмини ўнлаб тили, урф-одати, этногенези ва ҳатто миллати бир хил бўлган араб давлатлари ташкил қилади. Уларнинг ҳар бири мустақил равишда эркин суверен давлат сифатида сиёсат олиб бормоқдалар. Шундай экан, нега энди Ўзбекистон ўз мустақиллигини ўрта асрларда қолиб кетган халифалик ақидаларига топшириши керак?! Бу ҳеч қачон амалга ошмайдиган, халқимиз хоҳиш-иродасига зид бўлган хомхаёлдир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистон ҳеч кимга ҳеч қачон қарам бўлмайди! Ҳар бир ёш қалбидаги эзгу мақсад ҳам шудир.

**Шухрат НАРБАЕВ,**  
«Камолот» ЁИХ Хоразм вилояти  
бўлими Кенгаши раиси.





Муҳаббат ТҶАҲОБОВА

# ГУНОҲҚОР

Ҳикоя

...Рост-ёлғонлигидан қатъий назар биз бунга ишонавердик. Бир-биримиздан кўнглимиз қолса «Сенга Раҳим чолниқдай гуноҳ чиқсин» дея пўлиса қилардик. Чолга рўбарў келиб қолсак гуноҳ юқишидан қўрқиб қочардик.

Қисматни қарангки, пешонамизга чолнинг невараси билан бир синфда ўқиш битилган экан. Ҳеч ким у билан бир партада ўтирмас, деярли гаплашмас ҳам эди. Дардан чиққач уни йўл бўйи мазах қилиб борардик.

— Зарифнинг бобосининг гуноҳи бор!

— Ҳали Зарифга ҳам гуноҳ чиқади!

Зариф йиғларди.

— Бобомнинг гуноҳи йўқ.

— Бўлмаса, бўйнидаги нима, қўзиқоринми?

— Буванг гуноҳкор. — Шавкат Зарифни туртиб юборарди. — Нимага бўлмасам бутун қишлоқда битта сенинг бувангни бўйнида маддаси бор?

Бошқаларимиз ҳам кучимизни кўрсатмоқчи бўлиб хезланардик. Зариф йиғлаб қочарди. Ҳар куни шу зайл қий-чув қилиб уйимизга тарқалишардик.

...Қамоқхонанинг зах йўлақлари бўйлаб илк қадам ташларканман, негадир кўз олдимга ўша воқеалар келди. Вужудимни нимадир, қандайдир қуч, илма-тешиқ қилиб юборгандай бўлди. Наҳотки болалигимда ҳам шунчалик ёвуз бўлган бўлсам, деган фикр кечди хаёлимдан. Бу ўйимдан ўзим ҳам қўрқиб кетдим.

Ваҳоланки, бу воқеалар ёдимга тушгунга қадар, жиноятчи эмаслигимга ишончим комил, бошқаларга ҳам буни қайта-қайта такрорлар, ишонтирмоқчи бўлардим.

Миршаб узоқлашиши билан атрофимни аллақандай шарпалар ўраб олди. Уларнинг тажовузкор нигоҳлари нигоҳим билан тўқнашаркан, гўё ўн беш йил олдин Зариф мен бўлганман шекилли, ё Зарифнинг руҳи ичимга кириб олган дея ўйлай бошладим.

Бир куни Зариф синфимизга онасини етаклаб келди. Шўрлик аёл ўқитувчимизга нималариндир гапирди. Муаллима бошини сарак-сарак қилганча ваҳожат билан ўрнидан турди.

— Сизларга ким айтди Раҳим чолнинг гуноҳи бор деб?

Ҳаммамизнинг бошимиз эгилди.

Ўқитувчимиз алланималарни узоқ гапирди, охирида қўшиб қўйди.

— Ҳар бирингиз Зарифдан алоҳида кечирим сўрайсизлар!

Бошқаларни билмадим-у, аммо менинг ичимга ғалати бир қалтироқ кирди. Тишимни гижирлатиб қўйдим. Кечирим сўраш навбати келганида базўр мингирладим.

Дарслар тугади. Хийлагина тинч кетдик. Ер остидан бир-биримизга қараб қўямиз. Ниҳоят Сарвар Зарифнинг папкасидан тортқилаб юзига тупурди.

— Барибир бобонгнинг гуноҳи бор, сенгаям чиқади, қизбола.

Биз ҳам ёрилиб кетай деб тургандик. Бор сўкишларимизни тўқиб солдик, юзига туфладик.

...Юзимга келиб теккан шилимшиқ хаёлимни тўзғитиб юборди. Кўзим...

Зарифга тушди. У бурини қоқиб юзимга отди. У бу ерда нима қиляпти? Мен-чи? Ўзимни бемажол сездим. Гўёки руҳим танимни тарк этаётгандай туюлди. Бир тўда иблислар қуршовидаману, улар устимдан хохолаб қулишаётгандай эди.

Бошимга қуйилган муздай сувдан ўзимга келдим.

— Юраги чумқуқниқю, яна қотилмиш бу тўра.

Яна иблислар қаҳқаҳаси. Дарвоқе, қамоқдаман-ку! Булар маҳкумлар. Мен қотилманми? Зарифни ўлдирдимми?

...Биз Зарифни сафимизга қўшмадик. Йиллар ўтиб улғайдик, аммо унга муносабатимиз ўзгармади. Мактабни тугатиб ҳар биримиз ўз йўлимиздан кетдик. Уни унутти ҳам юборгандим.

Мен ўқишга кирдим. Иккинчи курсни тамомлаб, таътилга келганимда, Шавкатни учратдим. Аллақандай сўлғин. Касалманд одамга ўхшаб қолган эди.

— Зариф ўлди, — унинг овози аллақандай дарди эди.

— Қайси Зариф? Анави Раҳим чолнинг неварасими?

— Юраги касал экан. Кейин ўсмаям чиқибдимей.

Ўзимни ёмон ҳис қилишман. Уни биз ўлдирдик. Э, падарига лаънат Раҳим чолнинг гуноҳиниям, шу гапни ўйлаб топганингам, — Шавкатнинг кўзидан ёш сизаётганини кўрдим. Ичимда нимадир узилгандай бўлди.

— Қўйсанг-чи, — мингирладим. — Қаердан топдинг бу гапни?

— Бизнинг бемаъни, аҳмоқона тазйиқларимиз қурбони бўлди у. Ўзи шу қилиқларимиз керакмиди?

— Болалиқда шунақаси бўлиб туради.

Уни юпатмоқчи бўлдим-у, аммо тилимга бирон баъмани гап келмасди. Аксинча, ўзим ҳам унинг таъсирига тушиб қолаётгандим.

Шавкат билан Зарифнинг мазорини зиёрат қилиб қайтарканман, елкамни аллақандай юк босаётгандай эди. Кўз олдимдан Зарифнинг қиёфаси кетмади. У гоҳ ғазаб билан, гоҳ мунгли термулар, гоҳ муштини тугиб қочарди. Шу куни биринчи марта кўзимга ёш келди. Ўзимни Зарифнинг ўрнида тасаввур қилиб кўрарканман, нафасим сиқилаётганини ҳис қилдим. Наҳотки шунчалик виждонсиз бўлганмиз, одамгарчилик нималигини наҳотки билмаганмиз? Ростданам Раҳим чолнинг гуноҳи бор деган гапни ким ўйлаб топди экан ўзи? Чолнинг бўйнида муштдай

келадиган нарса борлиги аниқ эсимда, аммо унинг аслида нималигини билмайман. Уйимизда ҳам бу ҳақда кўп гапириларди. “Раҳим чолниқидай гуноҳ чиқади” деган гап кунига беш-олти марта айтилари, десам ҳисобда адашмаган бўламан. Ахир сал баҳона топилса шу гап ишлатиларди-да. Бошқаларниқиди ҳам шундай.

Ҳамма нарсанинг чегараси бор дейишади. Назаримда биз Зариф билан муносабатларимиз чегарасини билмаганимиз, ўйинимиздан ўймоқ чиқишини хаёлимизга келтирмаганимиз. Шу кун илк бор мезонлар ва меъёрлар ҳақида ўйлаб кўришга қарор қилдим. Уларни неча марта бузганларим кўз олдимга келди. Синфдош қизнинг севгисини топганим, курсдошларимга қилган фирромликларим, майда-чуйда ўғриликлар... Негадир ўзимни ёмон одам деб ўйлай бошладим. Яхши хислатларим ҳеч ёдимга тушмади.

Таътил татимади. Ўқишлар бошланишидан сал олдинроқ шаҳарга қайтдим. Афти-ангоримни, феълим ўзгарганини кўриб дўстларим ажабланишди. “Нима гап, нима гап”лар кўпайди. Яшириб ўтирмадим, тўғриси айтдим-қўйдим. “Мен синфдошимнинг ўлимига сабаб бўлдим” дедим. Улар кўрқиб кетишди. Воқеаларни айтиб бергандим, кулишди.

— Нима, жиннимисан? Болаликда ким нималар қилмайди? Ўзингни қотил ҳисоблашинг фирт бемаънилик. Ҳеч бир қолига сизмайди.

Ўртоқларим мени овутиш, олдинги ҳолимга қайтариш учун кўп уринишди. Нималар дейишмади.

— Балки Зариф тугма касалдир.

— Ўзи айбдор ҳаммасига.

Уларнинг бундай далдалари сабаб виждон азобидан қутулгандай бўлдим. Тўғри-да, нима, мен уни бўғиб ўлдирибманми ё мен бошлабманми ўша томошаларни. Атрофда бундай воқеалар қанчадан-қанча. Ким кимнинг дилини огритмаган. Ўзимни ҳам неча марта мазах қилишмоқчи бўлишган. Йўқ, қўймаганман. Неча бор панд еганман. Яшаб юрибман-ку. Ўзи Шавкатда гап. Ўйлаб топган нарсасини қаранг. Ҳали синфдаги бошқа болаларнинг ҳам миясини чайгандир.

Бу ҳақда бошқа ўйламасликка қарор қилдим.

Аммо кунларнинг бирида Сарварнинг ўғлининг бўйнига ярага ўхшаш нарса чиққанини, ҳар қанча даволамасин, наф тегмаётганини эшитдим у вужудимга қалтироқ кирди. Шавкат тўхмат билан қамалганидан кейин-ку, бутунлай тамом бўлдим. Назаримда Зарифнинг руҳи биздан ўч олаётгандек эди. Аслида ҳам шундайми, йўқми, ишқилиб хаёлимга шу фикр ёпишиб олди. Назаримда мени ҳам қандайдир оғир жазо қутаётгандай эди. Кечалари алаҳсираб чиқадиган бўлдим.

— Қани шоввоз, ўрнингдан тур-чи, бир гаплашиб кўяйлик, — кимдир белимга қаттиқ тепди. Унга юзландим. Йўқ, бу Зариф эмасди. Шунгаям шуқур дедим. Тенамда бир дароз йигит афтини бужмайтириб турарди.

— Нима дейсан? — зўра гапирдим.

— Мен бу ерда шефман. Ҳамма қатори менга бўйсунинг мажбурсан. Ўрганишинга тўғри келади. Қотил экан деб сийлаб ўтирмайман.

Дароз оёғимга зарб билан тепди. Индамадим. У ҳам бошқа ҳеч нарса демай мендан узоқлашди.

Зах деворга суянарканман, наҳотки мен қотил бўлсам деб ўйладим. Тўғри, кўп жирканч ишлар қилганман. Ҳозир уларни бир-бир эсласам кўнглим

беҳузур бўлиши аниқ. Аммо қотиллик барибир бошқа нарса. Қанчалик ёмон бўлмайин, ҳозирча ичимда нимадир тирик, ўша нимадир яхшилиқнингми, виждоннингми, бир парчаси, у майиб бўлиши мумкин, аммо тирик. Аҳён-аҳёнда ўзининг борлигини ёдимга солиб туради. Агар шундай бўлганида ҳозир бундай ўйлар қуршовида ўтирмаган бўлардим-ку.

Ўша кунни эслашга ҳаракат қилдим. Зиёфатдан чиқиб, уйга кетаётгандим. Соат тунги бирлар чамаси. Ширакайф эдим. Катта йўл бўйида бир жувон қўл кўтарди. Тўхтадим.

— Қаерга борасиз? — деган саволимга жавобан аёл елка учирди. Кейин ишқилиб йиғлай бошлади. Тўғриси, асабим бузилди. Машинани тўхтатдим.

— Тушиб йўқол.

— Жон ака, ярим тунда кўчада қолдириб кетманг. Яхши одамга ўхшайсиз, илтимос қиламан. Эрталабгача машинангизда ухласам ҳам майли. Фақат...

— Хўш, нима балога йўлиқдинг?

— Мени... мени... зўрлашди.

Этим жимирлаб кетди. Аёлга яхшилаб разм солдим. Ёшгина. Ранги оқариб кетган. Унга ичим ачигандай ҳам бўлди. Аммо хаёлимда эртага менга тўхмат қилса-чи, ёки фирибгар бўлса-чи деган фикр келдию, машина эшигини очдим. У ўтирган томонга келиб, қўлидан тортдим.

— Йўқол.

Жувон қўлимга ёпишди. Итариб юбордим, шилқ этиб йиқилди.

Машинага ўтирдим-да, йўлда давом этдим.

Эртаси кун уйимизга бир йигит келди. Ўзини жиноят қидирув бўлимидан дея таништирди. “Айтганимдай бўлди, фирибгар аёл машинангнинг номерини ёдлаб қолибди-да”, деган фикр ўтди хаёлимдан.

— Хўш, хизмат?

— Мана бу аёлни танийсизми? — йигит расм тутди. Бу ўша эди.

— Йўқ, — дедим совуққонлик билан.

Йигит бошини чайқади.

— Мана бу визит карточкаси сизникими?

Ҳайрон бўлдим. Наҳотки фирибгар аёл чўнтагимдан олишга улгурган бўлса.

— Ҳа.

— Мен билан боришингизга тўғри келади.

— Нега?

— Сиз қотилликда гумон қилинасиз.

— Кимни ўлдирибман?

— Мана шу аёлни.


Чўчиб тушдим. Ички ишлар бўлимига келиб терговчининг саволларига жавоб беришимга тўғри келди. Экспертиза учун текширувдан ўтказишгач, қамоқхонага олиб келишди. Мана, ўтирибман. Аёлининг рангсиз юзи кўз олдимда гавдаланди. Бечорагина... негадир ўзимни гуноҳдор ҳис қила бошладим. Балки, мен уни уйга олиб келганимда, ўлиб қолмасмиди. Беихтиёр кўзимдан ёш сизиб чиқди.

Яна кўз олдимга Зариф келди. Агар бу ердан эсон-омон чиқсам, унинг руҳига Қуръон ўқитиб юборишга аҳд қилдим.

Турмада уч кун ётдим. Экспертиза аёлининг ўлимига менинг алоқам йўқлигини исботлади. Аммо бу хулоса негадир менга тасалли бера олмади. Нега?!







Мухаббат САПАЕВА,  
«Маданият ва маърифат» маркази  
вилоят бўлими гуруҳ раҳбари,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

## «СЎЗНИНГ ПАНЖАЛАРИ АСРАСИН СИЗНИ...»

*Хоразмни қазсангиз агар,  
Ер остидан дарёлар чиқар.  
Хоразмни қазсангиз агар,  
Ер остидан дунёлар чиқар.*

Севимли шоиримиз Матназар Абдулҳакимнинг шундай сўзлар билан бошланувчи сатрлари бор. Гўзал, ниҳоятда фалсафий шеър. Бу шеърни изоҳлаб бўладими?

Йўқ, ўзи шеър отлиғ «дунё»ни изоҳлаш шартми-кан? Уни борлигича, шундайлигича англамоқ керакдир балки. Бироқ шундайлигича етказмоқ учун ҳам катта истеъдод ва тафаккур талаб қилинади ижодкордан. Хоразм азал-азалдан буюк алломалар, олиму фозиллар, шоирлар ватани дея эътироф этиб ўтирмасак-да, юқоридаги тўртликнинг ўзи фикримизга етарлидир.

Омон Матжон таъбири билан айтганда Хоразмда тоғлар йўқ деманг, тоғдек буюк даҳолар бор. Огаҳий бобомиз бизнинг ота тоғимиз бўлса, Оллоҳга беҳисоб шукрки, бу тоғлар бир-бирига елка бериб бугунги кунда ҳам улкан тоғ тизмалари ҳосил бўлаётганидан кўксимиз тоғлар бўйи ўсади.

Елкасида сўзнинг юкини орқалаган, биргина сўз ҳаётидан азиз бўлган бугунги хоразмлик ижодкорларни ўтганлар олдидаги қарздорлик ва келажак олдидаги масъулият ҳисси ҳамиша хушёрликка чоғлайди.

Шу боисданми 2002 йилнинг май ойида «Маданият ва маърифат» маркази Хоразм вилоят бўлими қошида ижодкор ёшларнинг «Ёғду» клуби ташкил этилди.

Ўшанда Матбуот уйининг йиғинлар залида ўтказилган тантанали маросимда ушбу клубнинг фаолиятини олиб боришни каминага топширганларида, ростки, кўнглимда бироз ҳадик, бироз ҳаяжон билан

бирга билдирилаётган бу ишончдан фахр туйғуси ҳам янаётган эди. Клубга вилоятнинг барча туманларидан ёш қаламкашлар аъзо бўлган.

Улар билан ўзимни худди полапонларини бағрига олган она мусичадек сезаман. Ҳар сафарги таширфларидан бошим кўкларга етади. Парвозларидан севинаман.

Зебо Нурмонова, Умида Нурметова, Нафосат Нурметова, Зумрад Машарипова, Нилуфар Аллаберганова, Нодира Янгибоева, Гўзалой Матёқубова, Адолат Машарипова, Жавлон Матназаров, Нетьмат Қиличев, Ҳикмат Юсуповларнинг бугунги ижодига қараб Хоразм шеърини ўз номини сақлаб қолаётганидан қувонамиз.

*Соғинч—узун йўлга тикилган назар,  
Ялпиз ҳидларидан маст бўлар гунча.  
Кўзларим қароси дунёни кезар,  
То қунлар ботгунча ё тонг отгунча.*

*Ухлаб ётибману, кўзларимда ёш,  
Гуллар сочларимга боғлар ўзини.  
Юрагимга ботган шаффоф харсангтош,  
Само ўлиб қўяр ёмғир кўзини.*

Қаранг, гунча ялпизнинг ҳидларига маст бўлса, ёмғирнинг кўзларини самолар ўпса, СОҒИНЧни шундайин ҳис қилса Зебо...

*Ёки  
Хазонларни ёқмангиз, қўйинг,  
Улар ҳам охиратга қўймай кетсинлар.  
Ёмонликни бешафқат сўйинг,  
Изғириндан совқотган барглар нетсинлар?  
Хазонларни ёқмангиз, қўйинг...*

Ҳазонларнинг ёнишдан дили оғриган Нафосатнинг топилдиқлари ноёб эмасми?

Жавлоннинг мана бу ташбеҳлари хаёлларингизни тўзғитиб юборса шояд.

*Бу йўлларга юрмоқчун эй, дил,  
Бир танга минг юрак керакдир.  
Билсанг агар чин ошиқларнинг  
Тани бошдан оёқ юракдир...*

*...Шамолларга боғлаб қўйиб сочини...  
...Атиргул тўйида рақсга тушиб...*

...Тун бўйи ой билан суҳбатлар қурган Нодира қизнинг сирли ва сеҳрли нигоҳларида исмсиз ҳисларнинг аксини кўргандай бўламиз.

2003 йил вилоятимизга ташриф буюрган бир гуруҳ пойтахтлик шоирлар иштирокида Янгибозор туманида шеърят кечаси ўтказилди. Унда Омон Матжон хоразмлик ёш ижодкорларнинг чиқишларига қараб ҳайратини яшира олмай: «Назаримда қулоқларим остида бомбалар портлаётган, тўплар гумбирлаётгандай бўлди» деган эдилар.

Зеро, шоиримизнинг қалбида бир вақтлар ўзи айтган сўзлари исботини топаётган бўлса ажабмас...

Урганч Давлат Университети адабиёт ўқитувчиси Абдулла Ўразбоевнинг бир даста шеърлари қўлимда турибдию сатрлар орқасида улкан юрак борлигини ҳис қилдим.

*Самода муаллақ қотган қўлларим,  
Бир илинж, бир тиргак истаган юрак.*

*Бир буюк ҳикматни англадим охир,  
Ватани Ватандан изламоқ керак  
Нечаким ўзини кўхкан айласин  
Тупроғин ютмоққа шаштла шайлансин,  
Юраксиз одамда Ватан найласин  
Ватани юракдан изламоқ керак...*

Бу сўзлар шунчаки ҳайқириқ эмас.


Ватани ҳис қилмоқ, Ватани бошдан кечирмоқ шу эмасми?

Омон Матжон, Матназар Абдулҳаким, Комил Аваз, Эркин Мадраҳимов (Ошиқ Эркин), Жуманазар Юсупов, Гавҳар Ибодуллаева, Сайёра Самандарова, Дурпошна Раҳимова, Насиба Юсуповаларнинг издошлари ортидан узун қарвон қўнироқларини жиринглатиб келётганидан қалбимиз ғурурга тўлади. Энг муҳими улар ҳаётида Сўз жон қадар мавқега эга. Йўқса, Насиба:

*Қўзларимда ўсиб борар мовий йўллар,  
Ташлаб кетдим бир суврату сийратларни.  
Умрим нима, бу жонимдан баланд турар,  
Мен юкинган битта сўзнинг қийматлари, — дея  
олармиди?*

Ишонамизки, бизга Навоидан мерос қолган шеърят илоҳийлик мартабасидан сира тушмайди.

Замонлар ўзгарар, замонлар келар, лекин шоир қўлларида ушлаган қаламнинг муқаддаслигини кўрсата билишга ва уни сақлаб қолишга бурчлидир. Бу ёнига, умид қилиш ва кутиш керак. Сўзга юкинган, сўзга сиғинган, сўзнинг гадоларини Илоҳим, Сўзнинг панжалари асрасин.





Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон республикаси халқ таълими вазирлиги ҳузурдаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолияти ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, шунингдек Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг 2004 йил 25 августдаги йиғилиши баёни топшириқларини тўлақонли таъминлаш мақсадида Ўзбекистон республикаси халқ таълими вазирлиги ҳузурдаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хоразм вилояти филиали ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

2004 йил болалар спорти иншоотларини қуриш дастурига асосан қурилиб фойдаланишга топширилган Хонқа тумани «Сарапаён», Боғот тумани «Хўжалик», Хазорасп тумани «Мухомон» қишлоқларида болалар спорти мажмуаларида болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча қулайликлар яратилди. Боғот ва Хазорасп туманларидаги ушбу мажмуаларда янгидан Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ташкил қилинди.

Вилоятдаги умумтаълим мактабларида 335371 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олмақда. Шундан спорт секцияларида мунтазам шуғулланувчилар сони 113283 нафарни ташкил қилиб, бу 33,8 фоизни ташкил қилади.

Вилоят халқ таълими бошқармаси тизимидаги ўқув муассасаларида спортнинг 20 туридан 4451 та спорт секциялари фаолият кўрсатмоқда. Бошқармага қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари сони 18 та бўлиб, уларда фаолият кўрсатаётган мураббийлар 428 нафарни ташкил қилади, шулардан 189 нафари олий маълумотли, 19 нафари тугалланмаган олий маълумотли, 175 нафари ўрта махсус маълумотли, 45 нафари ўрта маълумотга эга. Ушбу спорт мактабларига жалб қилинган

шуғулланувчилар сони 156620 нафар бўлиб, улардан 102250 нафари қишлоқ жойларида, шундан қизлар 2548 нафарни ташкил қилади.

Ҳозирги кунда Хоразм вилоятида 1734 нафар жисмоний тарбия ўқитувчилари фаолият кўрсатмоқда. Шунларнинг 189 нафарини аёллар ташкил этади.

Ўқитувчилар билим даражаси ва малакасини аниқлаш, жисмоний тарбия бўйича касбий маҳоратини ошириш мақсадида сўнгги 4 йил давомида вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ўттизга яқин жисмоний тарбия ўқитувчилари қайта тайёрлашдан ўтказилди. 2004 йил давомида 213 нафар, 2005 йил биринчи ярмигача 144 нафар жисмоний тарбия ўқитувчилари, вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидан 12 нафар мураббийларнинг малакалари оширилди.

Оммавийликни таъминлаш мақсадида Шовот тумани «Қиёғ» қишлоғидаги олдинги ширкат хўжалиги Маданият клуби қайта таъмирланиб болалар спорти иншоотига айлантирилди, шунингдек, «Ижтимоят» қишлоғида болалар спорти ўйингоҳи қурилиб ишга туширилди, Гурлан тумани марказида болалар спорти майдони, бокс клуби, теннис маркази қайта таъмирланиб болалар ихтиёрига берилди. Хива тумани пахта тозалаш заводи ҳудудида иккита замонавий бокс заллари ва спорт майдонлари, «Янгиобод» шаҳарчасида болалар боғчаси бир қисми реконструкция қилиниб, болалар спорти иншоотига айлантирилди: Урганч шаҳридаги 28-сон «Темирийўлчи» ва 29-сон «Байналминалчи» маҳаллалари ҳудудларида болалар спорти майдончалари қурилиб фойдаланишга топширилди. Янгибозор туманидаги «Бўзқалъа» фермерлар уюшмаси ҳудудида болалар спорт ўйингоҳи, Янгиариқ тумани марказидаги спорт-соғломлаштириш маркази реконструкция қилиниб, епорччилар ихтиёрига берилди.

«Хоразм вилояти болалар спорти мажмуаларини янгидан қуриш ва қайта таъмирлаш 2005 йил манзиллий дастури»га асосан Урганч тумани «Анжирчи» қишлоғида болалар спорт мажмуасини қуриш режалаштирилган.

## «ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИ БЎЛУР...»

Кўхна ва навқирон Хоразм ўзининг ёш спортчилари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Зеро, бу бежиз эмас. Кейинги йилларда воҳада спортга, айниқса болалар спортга берилаётган катта эътибор ўзининг ижобий самараларини кўрсатмоқда. Ушбу саҳифамизда Хоразм ёш спортчиларининг вакили сифатида бу соҳада аллақачон тилга тушиб улгурган уч ёш, умидли спортчиларнинг суратлари акс этган.

Жалолоддин Нуруллаев эндигина ўн бир ёшга тўлган. У саккиз ёшдан бошлаб спортнинг каратэ тури билан мунтазам шуғулланиб келади. Исми жисмига мос Жалолоддин 2002 йили Ўзбекистон чемпионатида кумуш медални қўлга киритди, 2003 йил АҚШнинг Атланта шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон кубогида голиб бўлди, 2004 йили Бирлашган Араб Амирлигида бўлиб ўтган Жаҳон кубогида кумуш медал соҳиби бўлди.

Эндигина ўн тўққиз ёшга қадам қўйган Нилуфар Давлатова аллақачон «Ўзбекистон спорт устаси» фахрий унвонига сазовор бўлган. Ёш спортчи қиз Жаҳон ва Осиё биринчиликларида бир неча бор фахрли ўринларни эгаллаган.

1991 йил туғилган Сулаймон Юсупов беш ёшдан каратэ билан шуғулланади. Сулаймон Ўзбекистон чемпиони, Жаҳон кубоги бронза медали соҳиби, Марказий Осиё чемпионатида кумуш медалини олишга сазовор бўлган иқтидорли спортчи.





Рўзибой ҚУЛМАТ

# АҲМАД

Ҳикоя

Ёз кечаси. Булутсиз осмонда юлдузлар чарақлайди. Аҳмад оғир аскар пойабзалининг асфалт йўлда “гурс-гурс” этишига қулоқ солиб бораркан, қоронғи кечада ёлғиз ўзи уйига қайтаётганидан қувонар, гурурланарди. Уйнинг эшиги қулфланмаган экан. Аҳмад эшикни секин очиб даҳлизга қадам қўйди. Чироқ ёруғида бутун бўй-баста билан намоён бўлди. Унинг бўйи новча бўлиб, қўл-оёқлари гавдасига нисбатан узундай кўринар, оқ-сарикдан келган юзи чиройдан холи эди.

Тўрдаги хонадан чиқиб келаётган ўн бир-ўн икки ёшлардаги укаси Аҳмадни кўриб, даҳлиз ўртасида туриб қолди. Аҳмад ҳам остонада қимирламай турарди. Улар бир-бирларига тикилишарди, нима қилишни билишмасди.

– Аҳмад ака, – деди укаси ниҳоят ва орқасига қайтиб, ҳозиргина ўзи чиққан хонанинг эшигини ўзи кенг очди. – Аҳмад акам келди!

Хонадан бирданига беш-олти бола: Аҳмаднинг укалари, сингиллари чиқиб келишди. Улар ҳам бояги боладай акаларига тикилганча туриб қолишди. Улар, шу жумладан, Аҳмад ҳам, узоқ вақт кўришмаган қариндошлар қучоқлашиб, ўпишиб кўришганини кўн кўришган, шундай қилиш кераклигини билишар, лекин ўзлари шундай қилишга тортинишарди. Болалардан кейин отаси илжайиб чиқиб келди. Аҳмад уларга қараб юрди.

– Салом, – деди у.

Отаси ҳам ўғлини қучоқлашга ийманарди. Болаларига ҳам тортинчоқлик шу одамдан ўтган, яна жоҳиллик билан сал нарсага тежаб-тергайвериш уларни ўз ҳаракатларидан уяладиган, журъатсиз, довдир, қандайдир асабий қилиб қўйган. У ўғлига икки қўлини чўзди. Аҳмад охири сонияда тортинишни йиғиштириб қўйиб, отасини қучоқлаб олди. Ота-бола ниҳоят бесўнақайлик билан қучоқлаша кетдилар. Улар бир-бирларига ёпишиб олганча, оёқларини кўтариб ташлаб-кўтариб ташлаб, болалар ўртасида тебраниб туришарди, кўришишлари чўзилиб борарди. Улар энди нима

қилишни билишмаётган эди. Онаси келиб, Аҳмадни сочини силай бошламаганида ота-бола шу кўйи яна қанча туришлари номаълум эди. Аҳмад энди онасини қучоқлаб олди. Онаси юз-кўзларидан ўпиб тинмай гапирарди.

– Кўзларим тўрт бўлди-ку. Болам, нега кечикдинг?

Укалари қариндошлар ва қўшниларга суюнчилагани чопа кетишди. Бир пасда уй одамга тўлди. Аҳмадни тўрға, энг мўътабар меҳмон ўтирадиган жойга ўтқазилди. У чордона қурганча бошини эгиб ўтирарди. Чароғон аскархоналаридан кейин бу уй унга жуда ғариб ва қоронғи бўлиб туюлмоқдайди. Қумсувоқ қилинган девор чироқ нурини ютиб юбораётгандай эди.

Эртаси куни отаси элга ош берди. Аҳмад кун бўйи тик оёқда туриб меҳмонларни қаршилади. Келувчилар унга тикилиб қарашар, “эсон-омон келдингми” дея елкасидан қоқиб қўйишарди. Ҳамма уни иззат-ҳурмат қилмоқдайди. Аҳмад умри бино бўлиб шу кунгидай ҳурмат-эътибор қозонмаган, барчанинг диққат марказида бўлиб кўрмаганди. Бу ҳол уни руҳлантириб юборган бўлса-да, олдинга хижолат чекиб, қисилиб-қимтиниб турди. Кейинчалик бир оз кўникди, ўзини анча эркин тутиб, атрофини ўраб турган ёш-ялангларга хизмат даврида кўрган-кечирганларини сўзлаб бера бошлади. У “ништяк”, “дед”, “салага” каби сўзларни ва баъзи ўрисча беибо сўзларни қўшиб тобора берилиб сўзлар, борган сари димоғи чоғ бўлиб бормоқдайди. Фақат чеккароқда қулимсираб туришган, ўзидан уч-тўрт ёшлар чамаси кичикроқ болаларга хавфсираб қараб қўярди. Хизматга кетишидан олдин бу болалар уни найнов деб калака қилишарди. Ҳозир ҳам улар бирон ноҳўя гап айтиб, унинг обрўсини туширишадигандай эди. Хайрият, ундай бўлмади. Кечга яқин меҳмонлар тарқаб, меҳмонхонада уч киши – Аҳмаднинг кечаги жойини эгаллаган тоғаси, унинг ёнида ўтирган отаси, четроқдан жой олган

Аҳмад қолди.

– Энди, – деди тоғаси отасига қараб, – жиянни уйлантириб ҳам қўярсиз?

– Ҳа, албатта.

– Бирон мўлжаллаганингиз борми?

– Мўлжални энди бола олади-да, ўзи топар, – деди отаси илжайиб. У гапираётганда одамнинг юзига қарамасдан, негадир қимирлаб қўйиб-қимирлаб қўйиб гапирарди.

Аҳмадга унинг гапи ёқди. Умуман у кечаёқ отасининг ўзига бўлган муносабати ўзгарганини сезганди. Хизматдан олдинги даврида ҳечам бунақамасди. Отаси энди уни ўзига тенг кўриб, жиддий гаплашаётганди. Ҳа, отасининг гапи ёқди. Онасининг кечаги гапи эса унга сираям ёқмади! “Сенга холагани қизини олиб бераман”. Аҳмад биледи ўша холасининг қизини: хунук, бундан ташқари индамас.

Аҳмаднинг тез-тез телевизор устидаги соатга қараб қўяётганини сезган тоғаси ҳазиллашди:

– Учрашув борми дейман, соатга қараяпсан?

Аҳмад қип-қизариб кетди.

– Йўғ-э, – деди ўнг қўлини ярим сиқиб чап кафтига шاپиллатиб урганча. – “Время”ни кўриш керак.

– Ҳа-а, – деди отаси жонланиб, – бошланадиган вақти бўлиб қолибди-ку. Очиб юбор.

Аҳмад дик этиб ўрнидан туриб, телевизорни қўйди.

– Мана шунақа, – деди отаси тоғасига, – армия одам қилади.

Аҳмад телевизорга яқинроқ бориб, чордона қуриб ўтириб олди. Бир-бирига чатиштирилган бармоқларини қўйиб, жиддий қиёфада “Время” кўрсатувини томоша қила бошлади. Хизматга янги борган пайтларда “Время”ни мунтазам кўриб боришга мажбур қилишарди. Кейинчалик Аҳмад бунга кўникди. Оз-моз ўрисчага тушунадиган бўлгандан кейин эса ҳатто қизиқиб қолди. Эндиликда “Время”ни кўриш онглилик белгиси деб биларди. Дастлабки кунлари Аҳмад “Время”ни канда қилмай кўриб борди. У кўрсатувни томоша қилаётганда укалари халақит бермаслик учун жим ўтиришар, ўғлим улғайиб қолибди деб ҳисоблаётган онаси эса унга меҳр билан тикиларди. Баъзан Аҳмад бирон ўрисча гапни ўзи таржима қилиб, уларга тушунтирган бўлар, унга отаси ҳам қўшиларди. Гоҳида ота-бола “Время”да айтилган айрим янгиликларни узоқ таҳлил қилишар, гоҳида баҳслашиб ҳам қолишарди.

Ҳа, Аҳмаднинг кунлари ана шундай завқли кечмоқдайди. У отаси айтгандай қиз топишни ҳам унутмаганди. Элга ош берилган куннинг эртасига зерикиб кўчага чиқиб турганида, у бир қизни кўриб қолди. Қиз шошилиб келаётганди. Аҳмаднинг тўғрисида келганида “Салом” дея тез

ўтиб кетди. Аҳмад уни таниёлмай орқасидан қараб қолди. Қиз уч-тўрт уй наридаги уйга бурилганди, Аҳмад таниб, беихтиёр “Фазилат” деб юборди.

– Аҳмад-жонмисан? – деди кимдир орқасидан. Ўгирилиб қаради. Бу синфдош кўшниси Ойниса эди. Ойниса ўрта бўйли, тўлароқдан келган, икки юзи қип-қизил, ҳамма билан гаплашиб кетаверадиган очиқ, сергап қиз эди.

– Салом, Аҳмад-жон. Эсон-омон келдингми?

Аҳмад ҳадеб бош силкитар, ўзи ҳеч сўрашишни билмасди. Ойниса гапира-гапира уйига кириб кетди. Аҳмаднинг бир зумга чалғиган хаёли яна Фазилатга қайтди. Бундан икки йил олдин ҳам Фазилат анча кўзга яқин қиз эди, энди бўлса етилиб, шунақанги чиройли қиз бўлиб кетибдики. Эҳ! Шу дақиқадан бошлаб Аҳмад ошиқ бўлди-қўйди. “Салом” деди-я менга, мен-чи, мен, индамай турибман-а, эҳ! ..

Аҳмад Фазилатни кўриш мақсадида ҳар куни уч-тўрт марта кўчанинг у бошидан бу бошига бориб келадиган, Фазилатларнинг эшиги олдида кўп турадиган бўлди. Бировнинг эшиги олдида қаққайиб туравериш ноқулай эди. Шунинг учун у кўчадан ўтувчиларни гапга солиб, шунчаки таниши билан суҳбатлашиб тургандай бўлиб кўринишга ҳаракат қиларди. Бироқ ўтувчилар одатда у билан узоқ гаплашиб туришмасди. Аҳмад Фазилат ўтиб қолармикан деб ўзларининг уйи олдида ҳам анча турарди. Шунча ҳаракат қилиб, қизни бир-икки марта, шунда ҳам узоқдан кўришга муяссар бўлди. Қиз бир кўриниб, лип этиб ғойиб бўларди. Пахта даласига кетаётган ёки қайтиб келаётган Фазилатнинг янгалари, сингилларини кўп кўради. Фазилат уй ишларини бажарарди шекилли ёки умуман ҳеч иш қилмасмиди: кўча-кўйга кўп чиқавермасди. Умуман Фазилатнинг туриш-турмуши Аҳмад учун сирли эди. Бу эса унинг ишқини янада алангалатарди.

Бир ҳафталардан кейингина Аҳмад қизга рўпара келиб қолди. Шунчалик ҳаяжонланиб, довдираб қолдики, оёқлари чалишиб кетаёзди. Қиз ёнидан индамай ўтиб кетди. Аҳмад ўзига-ўзи нега салом бермаяпти, деган саволни бериб, дарров уялшти деган хулосага келган ҳам эдики, тўрт-беш қадам узоқлашган қиз кулиб юборди. “Нега кулади?”- деди Аҳмад ичида. Бу саволга у эшигини пойлаб-пойлаб, ниҳоят учратганинда индамагандан кейин кулади-да, деган жавобни берди. Нега индамади ўзи, лоақал саволлашса бўларди-ку. Қиз бола уялади-да. Аҳмад яна уни учратиб қолса нима қилиши ҳақида ўйлаб, уйига кетди.

Эртаси куни Аҳмад кўчага чиқиб бир оз турди, сўнг ҳар кунги йўналиш бўйлаб юриб кетди. Фазилатларнинг уйига яқинлашганда, уни ҳаяжон босди. Лоп этиб олдиан Фазилат чиқиб қолгандай эди. “Нима дейман, нима қиламан?” қисинди у.



Фазилатларнинг уйи тўғрисидадан ўтгандан кейингина елкасидан тош ағдарилгандай бўлиб, енгил нафас олди. Қайтишда ҳам шу ҳолат такрорланди, лекин буниси бояғидай кучли бўлмади. Уйга, аниқроғи, хонасига кела солиб, хизматдан қайтаётганида кўтариб келган жомадонини очди. Ундан ручкасини ола туриб, эски, муқовасиз шеър китобга кўзи тушди. Уни хизмат пайтида бир ўзбек боладан олганди. Китобни қўлига олиб ўқий бошлади. Ўқиркан, севинчи ичига сигмай борарди. Шоир у айтмоқчи бўлган ҳамма гапларни айтиб қўйганди. Синглисидан қоғоз олиб, узундан-узоқ шеърни кўчирди. Кўчириб бўлиб қоғозни тўрт буклади-да, синглисини чақирди. Тўққиз ёшлардаги синглиси етиб келди.

— Сен ҳалиги... — чайналди Аҳмад, — ҳалиги... Фазилатни биласан-а?

— Қайси? Ҳа, анавими? Биладан.

— Унга мана шу хатни олиб бориб берасан.

— Нега?

— Нега бўларди, — Аҳмад нима деярини билмай бир оз туриб қолди, сўнг давом этди. — Сингиллари билан ўйнамоқчидай бўлиб борасан-да, секин берасан.

— Нима учун?

Синглиси аста орқасига тисарилиб Аҳмаддан узоқлашиб борарди, охири қиқирлаганича чошиб кетди. Аҳмад хатни кичик синглисига бермоқчи бўлиб уни чақирди. Синглиси овоз бермади. Бошқа хоналарни қаради, лекин топа олмади. У уй ичида йўқ эди. Ташқарига чиқиб эшик олдида кир ювиб ўтирган онасидан сўради.

— Нима қиласан уни? — сўради онаси.

— Керак.

Онасининг жавобини кутмай кета бошлади.

— Болам, — деди онаси ортидан. Аҳмад ўтирилиб қаради.

— Ахир у қиз ҳали ўқиркан-ку. Қолаверса, улар уруғи билан кеккайган одамлар, бизни назар-писанд қилишармиди...

Аҳмад шартга бурилиб, йўлида давом этди. У қаттиқ уялиб кетганди. “Дарров айтибди-я, зумраша”, — ичида синглисини койиди у.

Ўқиса нима қипти, яхши кўрганидан кейин бир йил кутади-да. Ана шундай ўй-хаёллар билан кўчага чиққан Аҳмаднинг кўзи болалар билан ўйнаб юрган кичик синглисига тушди. Бироқ энди ундан хатни бериб юбориш ниятидан қайтган эди. “Буям сотади” деди ичида, тупроқда уст-боши чанг бўлиб кетган синглисига қараб.

Ноилож яна кўча бўйлаб юриб кетди. Фазилатни уйи олдида кетаётганда кечағидай ҳаяжонланмади. Қайтишда ҳатто эшиги олдида бир пас турди ҳам. У бутун оила эшиклари олдида серрайиб туришларини бир неча кундан бери деразадан кузатаётганидан хабарсиз эди. Уйнинг

эшиги бирдан шарақ этиб очилганди, чўчиб тушди. Юраги дук-дук уриб кетди. Эшикдан Фазилатнинг ўртанча акаси, муштумзўрлиги билан ном чиқарган Азамат чиқиб келди. Аҳмад унга салом бериб, секин кета бошлади. Азамат уни тўхтатди.

— Шошма, ҳой.

Аҳмад тўхтади.

— Сен бу ерда нима қилиб турибсан?

— Ҳеч.

— Нима ҳеч, нима ҳеч?! — овозини баландлатди Азамат.

У Аҳмадга юзма-юз туриб олди. Улар бири-бирига шунчалик яқин туришардики, дарозликда Аҳмаддан қолишмайдиган Азаматнинг бурни уни юзига тегай дерди.

— Бу ерда иккинчи қорангни кўрмай, тушундингми?!

Аҳмад бир нима деб гудраниб, орқасига тисарилганди, Азамат ёқасидан олди.

— Тушундингми, деяшман?

— Ҳа, тушундим.

Азамат ёқасини қўйиб юборди. Аҳмад анчагача Азамат орқасидан келиб ёпишадигандай кўрқиб борди. Анча узоқлашгандан кейин эса, нега ўзининг бунчалик босиқлик қилганига, нега сенинг нима ишинг бор, деб бақирмаганига ёки башарасига бир мушт туширмаганига ҳайрон қолди. Фазилатнинг акаси-да у, мана, нима учун. “Фазилатни яхши кўраман-да, — деди ичида, — йўқса кунини кўрсатардим”.

Агар у Фазилатнинг акаси бўлмаганда, нималар қилиб ташлаши мумкинлиги ҳақида ўйлаб, уйига етиб келди, хонасида шифтга қараб ётиб олди. “Синглингизни яхши кўраман, деб айтсам бўлади-ку” — ўйлади у. Шунга ўхшаш воқеани қайсидир кинода кўрганди. Унда йигит тўғри қизнинг отаси олдида бориб, қизингизни севаман, дейди. Аҳмадни хаёл йўрғаси олиб қочди. Мана, Азамат ёқасидан ушлаб турибди: “Фазилатни яхши кўраман”, деди Аҳмад. Азамат башарасига бир мушт туширди. “Фазилатни севаман” дейди юзи қонга бўялган Аҳмад. Азамат яна уради, жуда қаттиқ уради. Аҳмад жўрттага кўзини юмиб ётади. Азамат ўлдириб қўйдим деб кўрқиб кетади. Шунда Аҳмад бошини тиклаб жилмаяди. “Сен севгилимнинг акасисан, бўлмаса...” деб, йўғон темирни букиб ташлайди. Азаматнинг оғзи очилиб қолади. “Сен мард йигит экансан, — дейди у елкасига қўл ташлаб, — синглимга муносиб экансан”.

Фазилатнинг ёлғиз ўзи шаҳарга боради. У ерда унга уч-тўртта болалар ўчакишади. Шунда бирдан Аҳмад пайдо бўлади.

“Буёққа юрларинг!” дейди у болаларга ва бир чеккага чиқариб чўзилтириб ташлайди. Фазилат ҳаммасини кўриб туради. “Сизга ҳеч нарса

қилмадимми?” сўрайди у меҳрибонлик билан. “Менга нимаям қиларди”, – дейди Аҳмад бепарво қулиб. Эҳ!

Ўз ўйидан ўзи завқланган Аҳмад ухлаб қолди. Уйғонганида бўлиб ўтган воқеа эсига тушиб татби хира бўлди. “Эртага яна эшиги олдида туриб оламан, қани биринг деб кўрсин-чи”, – деди у ичида. Бироқ ўзи тан олгиси келмаса-да, энди Азаматга рўпара келишга юраги бетламаслигини биларди. Нега шундай чиройли қизнинг шунақа ёмон акаси бор-а? Фазилатни кўз олдига келтиришга ҳаракат қилди, лекин ҳеч тасаввур қилолмади. Фазилат ўрнига нуқул Ойниса кўринаверди. Жуда яхши қиз-да Ойниса. Аҳмад уни кейинчалик, кўча тентираб юрганларида ҳам кўп учратди, у Аҳмадни кўрди дегунча сўрашгани-сўрашган. Ойниса!.. Аҳмад бирдан қутилмаган фикрга келди. Ойнисанинг унда кўнгли бор. Ҳа, ҳа, кўнгли бор! Бўлмаса нега шундай қилади? Шу пайтгача сезмаганини қаранг-а. Ойниса шунчалик ёниб-қуйиб юрибди-ю, у бўлса... ҳаммасига анавунини деб... “Қишлоқ гўзали эмиш... — пичирлаб такрорлади у Фазилат ҳақида кимдандир эшитган гагини. – Ҳе, ўргилдим ўша қишлоқ гўзалидан”.

Аҳмаднинг кўкси гурурга тўлди. Гурурланмасин ҳамми? Биттасини зор қақшатиб қўйиб бошқасига илакишиб юрган йигит бўлса. Ойниса анавининг эшиги олдида турганларини кўрган бўлса-я, сезган бўлса-я? Хафа бўлгандир. Эҳ!

Эртаси куни тушгача Ойнисанинг йўлини пойлади. Оиласидагилар бир неча мартадан уйларига кириб чиқдилар ҳамки, Ойнисадан дарак бўлмади. Туш пайти ётиб ухлади. Анча ётиб қолибди. Шошилиб кўчага чиқаётганида, уйига кириб кетаётган Ойнисани кўриб қолди. Яна пойлай бошлади. Ойниса икки соатлардан кейин чиқиб, катта йўл тарафга кета бошлади. Аҳмад унга бирнасада етиб олди.

– Салом, Ойниса.

– Салом, Аҳмад. Қалай, дам оляпсанми?

Ойнисанинг шу гапларидан кейин Аҳмад хафа бўлмабди, деган хулосага келди. Ойниса сал олдинроқда борар, унга қарамасдан тинимсиз гапирарди.

– Ишга кирмадингми ҳали?

“Ишга кирган, кирмаганим билан қизиқяпти Кўнгли бор-да менда, кўнгли”, – деди Аҳмад ичида.

– Йўқ ҳали, яқинда кираман, – деди овоз чиқариб.

– Қаерда ишламоқчисан?

– Жамоа хўжалигида.

Катта йўлга чиқишгач Ойниса ўнгга бурилди. Аҳмад ҳам шундай қилди.

– Синфдошларни кўриб турибсанми? – сўради Ойниса. – Маҳмудни олдида бормаيسانми? У бир ой олдин келганди.

Ойнисанинг бирдан Маҳмуд ҳақида гапира бошлагани Аҳмаднинг гагини келтирди.

– Биласанми, – давом этди Ойниса. – Хизматдан келганида уни таниёлмай қолдим. Йўқ, танишга танидимку-я, унинг жуда ўзгариб кетганини айтаман.

“Нега ҳадеб Маҳмудни гапираверади?» – гашлиги ортди Аҳмаднинг.

– Сен ҳам сезгандирсан, у ўзгариб, бирам олифта, бирам димоғдор бўлиб кетибдики, асти қўяверасан. Вой тавба дебман, одамам икки йилда шунчалик ўзгариб кетар экан-а..

Аҳмад сен унақа эмассан демоқчи, деган фикрга келиб севинди. Маҳмуд ҳам оғиз солиб юрган бўлса керак, Ойниса кўнмаган, шунинг учун уни ёмонлаяпти. Тезроқ гаплашиш керак. Бўлмаса Ойниса хафа бўлади, уни Маҳмуд илиб кетади. Энди оғиз жуфтлаган ҳам эдики, Ойниса кўчага бурилди. Фазилатга рўпарў келганда ўзини йўқотиб қўядиган Аҳмад Ойнисанинг ёнида ўзини анча эркин тутарди. Бундан ташқари унинг очилиб-сочилиб гапиришидан дадилланиб келаётганди. Кўчага бурилганларида бир оз довдираб қолди. Негаки кўча анча гавжум бўлади.

Ойниса қадамини тезлатди. У ҳам кўчада эркак киши билан ёнма-ён юришдан хижолат чекаётгандай эди. “Қаёққа кетяптийкин?” – ўйлади Аҳмад.

– Қаерга кетяпсан, Ойниса?

– Уйга.

– Уйга?!

– Ҳа, уйга... нима, сенинг хабаринг йўқми ҳали? Ҳа-а, қаёқданам хабаринг бўлсин: ахир хизматда эдинг. Уйингдагилар ҳам фалончи синфдошинг фалончига турмушга чиқди, деб ёзиб ўтиришмагандир.

Ойниса ўзидан бир қадамча орқада келаётган Аҳмадга бир қараб қўйди. У қизариб кетганди.

– Маҳмуднинг акасига текканман...

Аҳмад юришдан тўхтади ва беихтиёр:

– Нега бўлмаса доим уйингда юрасан? – деб қичқириб юборди.

Ойниса юришдан тўхтаб, Аҳмадга қаради. Аҳмад шартта кета бошлади. Унинг ортидан ҳайрон бўлиб қараб қолган Ойниса гап нимадалигини тушундими, йўқми – номаълум эди. Ҳар ҳолда у паст овозда шундай деди:

– Нима, энди онамникига боролмайманми? Вой жинни-ей.

Бир неча кундан кейин Аҳмад холамнинг қизи ҳам чакки эмас, деган хулосага келди.







# ФЕРМЕРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ



Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришда олиб борилаётган сиёсат бугунги кунда ўз самарасини бермоқда.

Қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфи пайдо бўлиб, мулкка бўлган муносабат ўзгарди, ер ҳақиқий эгасини топмоқда.

Президентимиз 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги, 27 октябрдаги «2004-2005 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармонлари билан қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришда фермерлик ҳаракати устивор йўналиш деб белгиланди.

Бу билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришдаги хусусий секторнинг ривожланишига қулай имконият ва имтиёзлар яратилди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва хизмат кўрсатувчи, тайёрлов ва таъминот ташкилотлари ўртасида муносабатлар бозор тамойилларига асосланган ҳолда олиб борилмоқда. Натижада, улар ўртасида ҳақиқий рақобат муҳити шаклланди.

Фермер хўжалиklarининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги салмоғи йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Вилоятимизда кейинги йилларда фермер хўжалиklари ривожланишига кенг имкониятлар яратилмоқда.

Вилоятда 2004 йилда ишлаб чиқарилган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 42 фоизи фермер хўжалиklarининг улушига тўғри келди. Шу жумладан, жами ишлаб чиқарилган галланинг 44 фоизи ва пахтанинг 39 фоизи фермер хўжалиklари томонидан етиштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябр 476-сонли қарорига асосан фермер хўжалиklarига айлантирилган 15 та ширкат хўжалиklarини таҳлил қиладиган бўлсак, 2004 йил якуни бўйича фермер хўжалиklари пахтадан ўртача 27,0 центнердан ҳосил олиб, 23 фоиз рентабелликка, бугдойдан ўртача 41,8 центнердан ҳосил олиб, 18,6 фоиз рентабелликка эришган бўлсалар, бу кўрсаткичлар ширкат хўжалиги даврида, пахтадан ўртача 14 центнердан, бугдойдан ўртача 29 центнердан ҳосил олинган бўлиб, бугдойдан 2 фоиз рентабелликка эришилган бўлса, пахтачиликдан йил зарар билан яқунланган.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни

чуқурлаштиришга оид ҳукумат қарорлари бажарилишини таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Вазирлар маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607-сон ва шу асосда Хоразм вилояти ҳокимининг 29 декабр 2004 йил 272-сон «2005-2007 йилларда фермер хўжалиklarини жадал ривожлантириш тўғрисида»ги қарорлари қабул қилиниб, ушбу қарорларга асосан вилоятда зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли, истиқболсиз 72 та ширкат хўжалиklари тугатилди.

Жойларда фермер хўжалиklари ташкил этиш мақсадида танловда қатнашиш учун 7979 талабгорлардан аризалар қабул қилинди. Ўртача битта ўринга 2,0 та ариза тўғри келди. Ариза берганларнинг барчаси биринчи босқичда ўз имкониятларини кўрсатиб, иккинчи босқичга ўтказилди. Иккинчи босқичга ўтказилган талабгорлар ўзларининг иқтисодий, деҳқончилик, агротехника соҳасидаги билимларини кўрсатиб, танлов натижасида 5298 та талабгор ғолиб бўлиб, уларга 90793 гектар ер майдони ажратиб бериш ҳақида туман ҳокимларининг қарорлари ва вилоят ҳокими раҳбарлигидаги комиссиянинг қарорлари қабул қилинди.

1 май 2005 йил ҳолатига кўра вилоятда 12718 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатиб, уларга ажратиб берилган ер майдони 178027 гектарни ташкил қилади ва ўртача ҳар бир фермер хўжалигига 14 гектардан тўғри келади.

Фермер хўжалиklarини ривожлантириш, қишлоқда хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини ташкил этиш ва улар фаолиятини такомиллаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Мазкур қарорга асосан тугатилган ширкат хўжалиги ҳудудида 71 та Муқобил МТП ташкил этилди. Янгидан ташкил қилинган фермер хўжалиklари ММТПларнинг таъсисчилари бўлиб, МСТПлар балансида 17 млрд 47 млн. сўмлик мулк ўтказилди. ММТПларда мавжуд ишга яроқли техникаларнинг сони 3498 тани ташкил қилади. Ташкил этилган муқобил МТПлар фермер хўжалиklари билан 6 млрд. 550 млн. сўмлик хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар туздилар. 2005 йил 1 июл ҳолатига кўра фермер хўжалиklarига 3 млрд. 871 млн. сўмлик хизмат кўрсатилди. Бундан ташқари 60 та сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ташкил этилди. Янгидан ташкил қилинган фермер хўжалиklари СФУларнинг таъсис-

чилари бўлиб, уларнинг балансига 448 млн. 179 минг сўмлик мулк ўтказилди. Ташкил этилган СФУлар фермер хўжаликлари билан 1 млрд. 170 млн. сўмлик хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар туздилар. 2005 йил 1 июл ҳолатига қўра фермер хўжаликларига 441 млн. сўмлик хизмат кўрсатилди.

Фермер хўжалиklarини ёқилги мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар билан бевосита ҳудудларнинг ўзида таъминлаш мақсадида жойларда маҳсулот тарқатиш шахобчалари ташкил қилинди.

Вилоятда тугатилган ширкат хўжаликлари ҳудудида ташкил қилинган мини банклар фермер хўжалиklarини бекор вақтларини сарфлаб туман мар-

казларига боришининг олдини олди. Мини банкларда давлатга пахта ва ғалла етказиб берувчи 5810 та фермер хўжалиklarига 3 млрд. 53 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратиб берилди.

Хукуматимизнинг фермерчиликни ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги ғамхўрликларига жавобан вилоятимизнинг фермерлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни шараф билан уддалаш учун барча имкониятларни ишга сафарбар қилиб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ва давлатимиз буюртмаларини бажаришда янгидан-янги марраларга эришаверадилар.



## ЭЛ ОСОЙИШТАЛИГИНИ ЎЙЛАБ

Ички ишлар тизимида шундай бир хизмат бор. Бу фуқаролар билан энг кўп ва энг яқиндан мулоқот қилувчи профилактика инспекторларидир. Профилактика инспекторларининг хизмат доирасига кирадиган ишларни санайдиган бўлсак, уларнинг адоғи йўқ.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июндаги «Жиноятчиликка қарши курашда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги профилактика хизмати родини кучайтириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинганидан кейин маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг самарали тизими яратилди. Маҳалла посбонлари профилактика инспекторларининг қанотлари десак муболаға бўлмайди. Айнан уларнинг ёрдамида катта шаҳарлардаги тунги постларни кузатиш, кўчаларни айланиш ишлари ташкил қилинмоқда.

Ислохотлар туфайли профилактика инспекторларининг хизмат шароитлари ҳам анча яхшиланмоқда. Аксарият милиция таянч пунктлари замон талаблари асосида қурилган бўлиб, унда профилактика катта инспектори, профилактика инспектори, маҳалла посбони, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш профилактика инспектори учун алоҳида хоналар мавжуд. Кейинги 3-4 йил ичида профилактика хизмати ходимларининг деярли ҳаммаси компьютер билан таъминланди. Хизматдаги тезкорликни ошириш учун эса бир нечта янги хизмат машиналари ва алоқа воситалари билан таъминландилар. Дикқатга сазовор томони шундаки, милиция таянч пунктлари ҳар оқшом маҳалла фаоллари билан гавжум бўлади. Маҳаллий ҳокимиятлар вакиллари ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари раислари, педагоглар иштирокида маҳаллаларда жиноятчиликка қарши кураш, диний экстремизмнинг ҳар

қандай кўринишларининг олдини олиш борасида жойларда аҳоли билан тез-тез учрашувлар ўтказиб турилади.

Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида Хоразм вилояти ИИБ профилактика инспекторлари томонидан 291 та жиноят фош этилди. Унинг 172 тасини муқаддам судланган шахслар содир этишган.

Шовот тумани маркази Туркистон кўчасида яшовчи Равшан Юсупов кандир гиёҳвандлик ўсимлигини экиб, ҳеч ким билмаса керак деб ўйлаганди. Зийрак ва ҳушёр профилактика инспектори Ш.Ражабов унинг жиноятини фош қилди. Урганч шаҳрида яшовчи Ширин Жуманиёзовнинг ахлоқсизлиги қўни-қўшниларнинг оромини бузарди. Устига-устак Ширин ўзига ўхшаган энгил табиат аёлларни уйига таклиф этиб, «ошиқ-мошиқ»ларга учрашиш учун имкон яратиб берарди. Профилактика инспектори, майор Ш.Хўжаниёзов ва маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари унинг бу хатти-ҳаракатларига барҳам беришди. Ширин Жуманиёзовага нисбатан Жиноят Кодексининг 131-моддасига биноан қўшмачилик қилгани учун жиноят иши қўзғатилди.

Хива тумани Ал Хоразмий фермерлар уюшмасида яшовчи Худойберган Ражабов уйда ҳеч қандай ҳужжатсиз ноқонуний равишда ТОЗ русумли, 2 нилли, 16 калибмли, 32653 рақамли ов қуролини сақлаб келгани учун профилактика инспектори капитан Ф.Бобоев фош этилди.

Хоразмда ўз ишининг фидойилари ҳисобланган бундай профилактика инспекторлари жуда кўп. Вилоятда ҳар бир ана шундай инспектор тўғрисида илиқ гапларни айтиш мумкин. Бу борада уларга кенг жамоатчиликнинг кўрсатаётган ёрдами эса бизни янада қувонтиради.

*Мирза АБДУЛЛАЕВ*

Юсуф ЛАТИФ

# ОҚТОЙ

## Нақл



Қадим ўтган замонда, Гўрўғлибек даврон сурган Ваянган томонда Давлатали деган бир камбағал киши яшаган экан. У кафтдеккина томорқасида эртадан кечгача тер тўкиб меҳнат қилса-да, қорни нонга тўймас, эгни кийим-кечакка ёлчимас экан. Топган-тутгани кунора қозон қайнатишга зўрға етар экан. У ҳеч қачон турмушидан нолимас, умри шундай ўтиб бораётганига ҳам сира ачинмас экан. Сабртоқатли, қаноатли инсон экан.

Давлаталининг оғирини енгил, узоғини яқин қиладиган битта оқ эшаги бор экан. У эшагини биррам яхши кўрарканки, буни таърифлашга қалам ожиз, тавсифлашга лойиқ сўз топилмас экан. Давлатали уни ўзича отга менгзаб, эркалаб «Оқтой» деб чақирар экан. Оқтой эса, меҳрибон ва дилкаш хўжайинининг бу илтифотидан терисига сизмай кетаркан, унинг хизматига ҳамиша ҳозир у нозир бўлиб тураркан.

Давлатали очик кўнгил йигит бўлиб, дили билан тили бир экан. Юрагидаги неки орзу-армони бўлса, бундан Оқтой ҳам бохабар экан. У гоҳи-гоҳида:

— Биласанми, Оқтой, қанийди, битта сигиримиз бўлса!.. Болаларнинг оғзи оққа тегса! Баъзан сутли бўрсилдоқ нон есак!.. Қандай яхши бўларди-я, дўстим, сен ҳам оғилхонада танҳо, ёлғиз зерикиб яшашдан қутулар эдинг-да, — дея Оқтойга ҳасрат қилиб қўяркан.

Орадан ойлар, йиллар ўтибди. Давлатали болачақасининг ризқ-насибасидан қисиб-қимтиб, бир оз пул тўплабди. Сўнгра Оқтой иккови бозорга бориб, битта ориқ сигирни сотиб олишибди.

Ўша кунни Давлаталининг уйида тонг отгунча хурсандчилик бўлибди. Унинг аёли ҳам, болалари ҳам бир-бир келиб, сигирни силаб-сийпаб, роса эркалашибди. Оқтойга ҳеч ким қарамабди ҳам. Бироқ у хафа бўлишга арзигулик бошқа баҳона тополмай, ўз-ўзига тасалли берибди.

Сигир билан Оқтой тез орада дўстлашиб кетибдилар. Агар уйда Оқтой бўлмаса, сигир тинмасдан маърайвераркан. Башарти сигир кўзига кўринмай қолса, Оқтой оғилхонани бошига кўтариб ҳанграйверадиган бўлибди.

Шу зайлда кунлар кечаверибди. Илгари ориқлигидан қовурғалари саналиб турган сигир Давлаталининг уйида семириб, ялтиллаб қолибди. Буни кўриб, Оқтойнинг ҳам ҳасади, ҳам гаши келибди. Ахир, хизматни у қилса, эртадан кечгача тиним нималигини билмаса... Шу ҳам инсофданми? Сигирдан бир нима ортса ейди, ортмаса йўқ. Ётаверадиди, гўнгда ағанаб!..

Оқтой, кейинчалик ўйлаб қараса, бу ҳали ҳолва экан.

Сигир кундан-кун ўзгариб, қоринлари қаппайиб, елинлари тирсиллаб бораверибди. Ой-кунни тўлганда малла бузоқча туғилибди. Давлаталининг бир кувончи икки бўлибди.

Шу-шу, Оқтойни буткул унутишибди. Ҳаммалари сигир билан бузоқчанинг атрофида гиргиттон айланиб-ўргилишган, силаб-сийпашган, Оқтойга эса ҳеч ким қарамасмиш!

Лекин ҳамма кўргулик ҳали олдинда экан. Ўша очофат бузоқча пайдо бўлгач, сигирдан битта чўп ҳам ортмайдиган бўлибди. Устига-устак у Оқтой тепкилаб ташлаган хас-хашақларга ҳам баъзида кўз олайтираркан. Бундан Оқтойнинг баттар жаҳли чиқиб унинг дуч келган жойига тепиб ҳайдаб юборар экан.

Бир куни жуда хунук воқеа рўй берибди... Уша куни Давлатали Оқтойни минганча, каллаи сахарлаб зарур юмуш билан кўшни қишлоққа борган экан. Ишлари битгач, улар яна ҳаялламай уйга қайтишибди. Узоқ йўл юриб, ўлардай ҳориган Оқтой оғилхонага киргач, уйку элтиб, аста мудрай бошлабди. Бир пайт у ёнгинасида бузоқчанинг шарпасини ҳис этибди. «Ўзим ўлай деяпман-у, сенга оёқ остида бало борми?» — деб ўйлабди у қаҳри келиб... Мўлжалга аниқ теккан бир жуфт туёқ зарбидан ҳалиги шарпа юзтубан йиқилибди. Оқтой бундай қараса, хўжайини уст-бошининг чангини қоққанча тураётган эмиш! Кўзлари габадан чақчайиб, атрофга алангаи оташ сочаётган эмиш! Буни кўриб, Оқтой даҳшатга тушибди. Ўзини кўярга жой тополмай қолибди.

— Ҳа! Ҳаром ўлгур! — дебди хўжайини унинг устига бостириб келганча. — Эгангни танимайсанми? Кўр бўлгур! Қорнинг тўйиб қолдими, кўзингни ёғ босдими? Мана сенга, мана!..

У Оқтойни роса савалабди. Охири ҳолдан тойиб, оғилхонадан чиқибди. Оқтой эса ўқсиб-ўқсиб йиғлабди. «Аҳмоқ эканман. Энди ақлим кирапти! Ҳали бу ишингиздан кўп пушаймон бўласиз, хўжайин!» — деб ўйлабди у аламини ичига ютиб ва уйдан бош олиб кетишга қарор қилибди.

Кун ботиб, қишлоққа оқшом чўкибди. Экинзору боғларда чирилдоқлар базми бошланибди. Шу пайтни пойлаб турган Оқтой ҳайё-хув деганча йўлга тушибди. Бир терак бўйи кўтарилган тўлин ой ҳам у билан бирга кетибди.

— Менга ҳамроҳ бўлганинг учун раҳмат! — дебди Оқтой унга. — Сафарга ёлғиз ўзинг чиқишдан ёмон иш йўқ, ахир!..

Тўлин ой Оқтойни зериктириб қўймабди. Бир маҳал у, ўйинқароқлиги тутиб, каттакон булутнинг орқасига бекиниб олибди. Оқтой тўхтаб, уни анча кутибди. Охири тоқати тоқ бўлиб, кетишга чоғланибди. Тўлин ой шу заҳотиёқ яшириниб олган жойидан чиқиб, жамолини кўз-кўз қилганича Оқтойга эргашибди.

Оқтой сафар олдидан бир нарсани — бу қишлоқда эгасиз дайди итлар кўплигини ўйлаб кўрмаган экан. Улар кундузи пана-пастқам жойларда писиб ётишаркан, кечалари ёвон чеккасидаги сайхонликда тўпланишиб, кўнгиллари тусаганча дилхушлик қилишаркан.

Оқтой сайхонликка яқинлашгани сайин боши қотиб, итларга дуч келиб қолмаслик чорасини ўйлабди. Бироқ энди таваккал қилишдан ўзга чора йўқ экан. У сайхонликка етганида бирданига ўн чоғли ит унга ташланишибди. Оқтой ваҳимага тушиб, орқа-олдига қарамасдан шаталоқ отиб қоча бошлабди. Итлар вовиллашиб, уни изма-из қувиб келишибди. Ахийри, Оқтой ўзини қамишзорга уриб, улардан аранг қутулибди.

Қамишлар Оқтойга хавф-хатардан холи, тинчгина жой бўлиб кўринибди. Ваҳоланки, тўқайзорда ёввойи тўнғизлар макон тутишган экан. Улар аррадек ўткир, узун тишларини ярақлатганча тунни изғиб ўтказишар экан. Бундан беҳабар Оқтой шохлари тарвақайлаб ўсган жийда тагида дам олмоқчи бўлибди. Шунда унинг ёнгинасидан қоп-қора бир бало ўқдай отилиб чиқибди. Оқтой бунақанги кўрқинчли махлуқни илгари ҳеч кўрмаган экан. У ўтақаси ёрилиб яна қоча бошлабди. Оқтой шунчалар тез чопибдики, туёқлари ерга тегмабди.

Тўқайзорнинг бир томони тез оқар дарё, иккинчи томони қалин чангалзор экан. Оқтой буни қоронғиликда пайқамабди. Босар-тусарини билмай, чангалзорга кириб кетибди-ю, танасига сон-саноксиз тиканлар игнадай санчилиб, юролмай тўхтаб қолибди. У қаттиқ оғриқдан эс-хушини йўқотиб, оёқлари дағ-дағ қалтирабди. Аммо ичида аллақандай куч «Олга! Фақат олға!» — дея қистокқа олиб, Оқтойни ҳол-жонига қўймабди. Хуллас, у минг машаққатлар билан тонг оқарганда чангалзордан чиқибди.

Оқтой эс-хушини йиғиб қараса, баланд тепалик устида турган экан. Пастда эса, денгиздек кўм-кўк ва бепоён ўрмон ястаниб ётган эмиш. У дам ўрмонга, дам оёқлари остидаги турли ўт-ўланларга тўймай боқибди, ўз кўзларига ҳеч ишонгиси келмабди. «Вой-бўй!.. Тушимми бу ё ўнгимми? Юрган эканмиз-да, офтобда кабоб бўлиб... Жаннат экан-ку, бу жойлар!» — деб ўйлабди Оқтой ва йўл бўйи чеккан азоб-уқубатларини ҳам унутганча ирғишлаб ўйинга тушиб кетибди.

Оқтой ўрмонда кўнгли тусаганича еб, истаган номаъқулчилигини қилганча уч кечаю уч кундузни аранг ўтказибди. Тўртинчи куни у хомушланиб: «Бу уч-қуйруғи йўқ ўрмон экан. Мана, тўрт кундирки, тентираб юрибман, лекин ҳали бирон жонзотни учратмадим. Бунақада зерикиб ўламан-ку! Устига-устак, кун бўйи бош кўтармасдан ўтласам ҳам ҳеч тўймайман. Еганим юқмайди. Тўрт кундан буён қуёш тугул, ойни ҳам кўрганим йўқ. Нуқул ёмғир ёғади. Эҳ, қанийди ҳозир бир боггина янтоқ бўлса!.. Қирт-қирт чайнаб, орқамни офтобга тутсам-да, исини-и-иб... озгина мизғиб олсам!..» — деб ўйлабди.

Орадан яна кунлар ўтибди. Ширин хаёллардан яна Оқтойнинг тинчи йўқолиб, охири у уйга қайтишга жазм қилибди. Бироқ ўша чангалзор воқеаси эсига тушса, юраги орқасига тортиб кетаркан. Шундан-да, уйга қайтиш истаги устунроқ келибди.

Оқтой қалин ўрмонда шунча кун юриб, чангалзорнинг қайси томондалигини аллақачон унутиб қўйган экан. Лекин у таваккал қилиб, тусмоллаб йўлга тушибди. Ишқилиб, у кимсасиз бу ўрмондан тезроқ чиқиб олса, бас!

Оқтой йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. У уч-тўртта қулаган дарахт айқаш-уйқаш бўлиб ёт-



ган жойга етганида, беихтиёр, бир уюм суякни кўриб қолибди. Оқтой кўрқа-писа унга яқинроқ бориб қараса, аллақандай баҳайбат махлуқнинг суяклари эмиш. У қаттиқ таъсирланиб кетганидан:

— Эй, бахтиқаро жонивор! Бу кимсасиз маконда илк бор учратганим сен бўлдинг. Кимлар сени шу кўйга солди? Қай юртлардан келгандинг ўзи? — дея гам-аламларини ичига сиғдирилмай хитоб қилибди.

Шунда ҳалиги махлуқнинг калла суяги қимирлагандай бўлибди. Кутилмаганда, у қозиқдай тишларини шақиллатиб, чунонам бўкирибдики, бундан Оқтойнинг эси оғиб қолай дебди. Лекин у дарҳол ўзини ўнглаб олибди. Яшин тезлигида ортига бурилиб, довул кўчгандай елиб кетибди. У шунчалар тез чопибдики, туёқлари остидан ҳар тарафга сачраган учкунлар ўт-ўланларни куйдирибди. Япроқлар дув-дув тўкилибди. Орадан сал фурсат ўтар-ўтмас, Оқтой ҳолдан тойиб, тинка-мадори курий бошлабди. Охири оқибат, у қандайдир тошга қоқилиб кетиб, ўмбалоқ ошганча уч юмалабди. Ўмганини кўтариб, тагин оёққа турай деса, мажולי етмабди. У тақдирга тан бериб, кўзларини чирт юмиб олибди.

Оқтой шу алфозда анча ётибди. Бир маҳал алланарса нақ унинг тепасига келиб:

— Ҳай, кимсан? Ўликмисан ё тирикмисан? — деб сўрабди.

Оқтой кўзларини аста очиб:

— Тирикман, — деб жавоб қилибди ва яғринига кўниб турган қари ҳаккани кўриб, жуда-жуда суюниб кетибди.

Боёқишнинг қувонгани шунчалар эканки, бутун ўрмонни бошига кўтариб ҳанграб юборибди. Қари ҳакканинг эхонаси чиқиб кетай дебди. У баланд бир шохга кўниб, Оқтойнинг тинчишини кута бошлабди. Бироқ Оқтой борган сайин телбаланиб, оғзидан оппоқ кўпиклар сачратиб ҳанграйверибди. Охири қари ҳакканинг тоқати-тоқ бўлиб:

— Қар-р, қар-р... Эй нотаниш меҳмон, тинчлан! Бунчалар шодланишнинг боиси не? — деб сўрабди.

Оқтой аранг тийилиб:

— Эй, азиз ҳаккажон! Сени кўриб қувонмай бўладими? Мен неча кундирки, бу ўрмонда ёлғиз яшайман. Танҳоликда яшашдан ёмон нарса йўқ экан. Энди эса, бахтиёрман. Худойим менга сени етказди. Сени кўргач юртимни кўргандай бўлдим. Ахир ҳар йили қишда учрашардик-ку? Бир эсла... Гоҳ уйимизнинг томига келиб кўнардинг, гоҳ томорқамизда гўнг титиб юрардинг, дўстим! Қариндошим! — деб жавоб берибди.

— Минг афсуски, мен сени ҳеч эслай олмаяпман. Қар-р... Кимсан ўзинг? Қанақа махлуқсан? — дебди қари ҳакка ажабланиб.

Оқтой уруғ-аймоғини роса мақтаб, кўкларга кўтариб, тагин эзмаланибди. Бундан қари қарганинг энсаси қотиб:

— Бу курраи заминда салкам уч аср яшаб, етти иқлимни кезиб чиққанман. Оқ, қора, кулранг эшакларни кўрганим бор. Лекин сендақа қизил эшакни ҳеч учратмаганман, — дебди.

— Ким қизил? Менми? — дебди Оқтой ҳайрон бўлганча. — Ахир мен оқман-ку! Ҳозиргина хоросдан чиққандай, оппоқман!..

Қари ҳакка:

— Шошмай тур! Қуруқ тортишмайлик, — дея учиб кетиб, сал наридаги минорадай улкан арчага бориб кўнибди. Арча учида катталиги тилла тангадай думалоқ бир нарса бор экан. Ундан кўкимтир ёғду таралиб, гўё бир кўзли махлуқнинг кўзидай ҳамиша чақнаб тураркан. Қари ҳакка ўша думалоқ нарсани «қар-р, қар-р» дея уч маротаба чўқибди. Шунда арчанинг йўгон танаси тарс ёрилиб, унинг ичидан сопол лаганга ўхшаш, аммо кумушдек ялтироқ алланарса юмалаб чиқибди. Бу — қуёш кўзгуси экан. У билан ўрмоннинг исталган бир бурчагини ёритса ҳам, иситса ҳам бўларкан.

— Мана, кўзгу. Боқиб кўр-чи, қанақа экансан? — дебди қари ҳакка кўзгуни қанотлари ёрдамида Оқтойга тўғрилаб.

Боядан бери лолу ҳайрон бўлиб турган Оқтой, беихтиёр кўзгуга боқиб, ўзини таниёлмай қолибди.

— Буни қара-я, гапинг рост экан, қариндош! — дебди у хинқиллаб. — Аммо мен илгари оқ бўлганман. Хўжайиним ҳам «Оқтой» деб чақирарди. Ишонавер...

Қари ҳакка Оқтойга эътироз билдирмабди. У қанотлари билан уч маротаба қарсақ чалибди. Кўзгу яна арчанинг бағрига кириб, кўздан ғойиб бўлибди.

— Ҳаётимда омадим ҳеч чопмади-чопмади. Толеи шум, бахти қаро эканман, — дебди Оқтой хомушланиб. — Ўша кунги чангалзорни эслашдан кўрқаман, юрагим бетламайди!.. Танам шилиниб-тилиниб, ўз қонимга ўзим бўялган эканман-да! Қаттиқ кўрққанмандан сезмаганман буни... Менга қара, қариндош! Ҳув анави булоқда чўмилсам, яхшилаб ювинсам... Балки яна оқариб кетарман, а? Нима дейсан?

— Бу доғларни сув билан ювиб ташлайман, деб хомтама бўлиб юрма. У булоқда чўмилиш эса, ўзингни ажал кўлига топширишдан бошқа нарса эмас. Булоқ суви кўзга қанчалар тиниқ ва зилол бўлиб кўринмасин, унинг устидан чивин ҳам учиб ўтолмайди. Дарров домига тортиб олади, — дебди қари ҳакка.

— Ахир мен уйимга шу аҳволда қандай қилиб бораман? — дебди Оқтой қайғуриб.

— Яшашни истайсанми? Барчасини унут! — дебди қари ҳакка гапни чўрт кесиб. — Майли, ана, юртинга ҳам бординг, дейлик, кейин-чи, кейин нима бўлади? Ҳамма сендан бегонасирайди. Ўзини олиб қочади. Чунки у ерда сендақа қизил эшак битта — сен

бўласан! У ерда энди ҳеч ким сени танимайди. Ҳатто ўз яқинларинг ҳам. Чунки сен — қизилсан, илгаригидай эмас. Улар сендан ҳайиқишади, ҳатто кўрқишади ҳам. Негаки, сендан қон ҳиди анқиб турибди.

Оқтой чуқур ғамга ботиб, бошини ҳар ён уриб:

— Эҳ, қаттиқ янглишибман! Адашибман! Энди нима қилай, ҳаккажон! Маслаҳат бер. Ёрдамингни аямагин. Яхшилигингни ҳеч унутмасман! — дея зорланиб, ялиниб-ёлвориб қари ҳаккага илтижо қилибди.

— Бу ўрмон бизники, ҳаккаларники. Жаннатмакон гўшанинг олийжаноб ҳўжайинлари ҳозир сафарда юришибди. Улар қайтгач, ўйлайманки, сени хафа қилиб қўйишмайди. Зерикишни ҳам, ёлғизликни ҳам унутасан. Истасанг, бир парча ер олиб, деҳқончилик қиласан. Ахир сен ер ҳайдашни биласан-ку, шундай эмасми?

— Умрим далада ўтган, ҳаккажон! Ҳаммасига розиман! — дебди Оқтой қувониб.

— Лекинг битта шарт бор, — дебди қари ҳакка. — Ғалла эксанг дони бизга, сомони сенга бўлади. Келишдикми? Қар-р!..

Оқтой бунга ҳам кўнибди. «Зора, ғам-андуҳларимни тезроқ унутақолсам», — деб ўйлабди у.

Оқтой қари ҳакка билан маслаҳатни пишитиб олганига хурсанд бўлиб, ўша кунидеъ ишга киришиб кетибди. Дарахтлари анча сийраклашиб қолган бир жойни танлаб, аввалига у ерни шох-шаббалардан тозалай бошлабди. Қари ҳакка эса, Оқтой ишлаётган майдончани куёш кўзгуси ёрдамида гоҳ ёритиб, гоҳ иситиб тураркан. Лекин тунни ҳар доим биргаликда — қари ҳакка унинг қоқ белига кўниб олганча ўтказишар экан.

Нимаям бўлибдию бир кечаси алламаҳалда қари ҳакка уни чўқилай бошлабди.

— Бу нима қилиқ яна? — деб сўрабди Оқтой оғриқдан уйқуси ўчиб.

— Сен қуртлаб кетибсан, дўстим. Чангалзорда тилинган жойларинг ҳали битмаган экан. Яраларингни ғиж-ғиж қурт босибди. Уларни битта-битталаб олиб ташляпман. Йўқса, эртагача улар сени еб қўйишади! — деб жавоб берибди қари ҳакка ясама кунчаклик билан.

Оқтой индамай бошини қуйи эгибди. Қари ҳакка тагин уни чўқилашга тушибди. Оқтой тишини тишига қўйиб чидабди. Бир пасдан сўнг у вой-войлаганча:

— Эй, бераҳм! Жон оғритган дўст бўлмас, деганлар. Бигиздай тумшуғингдан жоним азобда. Бас қил! — деб қичқирибди.

— Чид! Бир оз чидагин-да! Қуртларга ем бўлмоқчимисан? — дебди қари ҳакка.

Оқтой ноилож ер депсиниб, шаталоқ отиб, уни ҳайдай бошлабди. Қари ҳакка арчанинг шохига кўниб:

— Энди кунинг битди, аҳмоқ! Қар-р!.. — деб қичқирибди. — Эртага бутун қавм-қариндошимни меҳмонга чорлайман. Бир мазза қилишсин! Қар-р!..

— Ахир сен билан келишган эдик-ку! Наҳот, сўзингдан тонсанг, бетайин. Маккор экансан-ку! — дебди Оқтой аччиқланиб.

— Бизга сенинг хизматингдан кўра этинг ҳалолроқ, нодон! Билиб қўй!.. — дебди қари ҳакка.

Эрталаб ҳар томондан гала-гала ҳаккалар учиб келишибди. Улар қора қонга беланиб ётган Оқтойнинг устига мўр-малахдай ёпирилишибди. Минорадай улугвор арча тагида бир уюм суяк қолибди, холос.





ёшларнинг таълим-тарбия олишлари учун қулай шарт-шароитлар ва кенг имкониятлар яратилди.

Вилоятда жами 27441 нафар педагог фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг икки нафари Ўзбекистон Қаҳрамони, 35 нафари халқ ўқитувчиси, 150 нафардан ортиғи Давлат мукофотига сазовор бўлган, эл-юрт хурмат-эътиборини қозонган устозлардир.

Вилоятда кадрлар салоҳиятини оширишга тарбиячи ва ўқитувчиларнинг касбий малакаларини, уларнинг касб маҳоратларини ўстиришга таълим мазмунини такомиллаштириш ва илғор педагогик технологияларни ҳаётга тadbик қилишга катта эътибор қаратилган.

Мустақиллик шарофати туғайли 76 нафар ўқитувчи хорижда ўз малакаларини ошириб келди.

# ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари ва барча таълим муассасалари жамоалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида”ги фармони ва шу асосда қабул қилинган ҳукумат қарорларини амалда бажариш мақсадида ўтган 2004-2005 ўқув йилида муайян ишларни амалга оширдилар. Бугунги кунда Хоразм вилоятида фаолият кўрсатаётган 537 та мактабдан 435 таси дастурга киритилган бўлиб, ушбу таълим муассасаларининг ўқув моддий базаси шaroити чуқур таҳлил қилинган ҳолда 4 та мактаб янгидан қурилди. 124 та мактаб капитал реконструкция, 225 та мактаб капитал таъмирлаш, 82 та мактабда таъмирлаш ишлари бажарилди.

Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан Хонқа туманида 100 ўринга мўлжалланган санатория типигади мактаб-интернат капитал таъмирдан чиқарилиб, сўлим масканга айланди. Ҳозирда бу ерда ҳар мавсумда 100 нафар ўқувчи соғлигини тиклаш билан биргаликда таълим-тарбия олмақда.

Мавжуд таълим муассасалари замон талабларига мос равишда замонавий мебел жиҳозлари, компьютер техникаси ва ўқув лаборатория ускуналари билан жиҳозланиб ўқувчи-

Республика халқ таълими вазирлиги томонидан қабул қилинган “Таълим муассасаларига методик хизматни такомиллаштириш истиқболлари” дастури асосида вилоятда таълим-тарбия жараёнига марказдан туриб раҳбарлик қилиш, амалий-услубий ёрдамни кучайтириш мақсадида вилоят ҳокимининг 2002 йил 2 апрелдаги 55-сонли қарори билан ташкил қилинган “Таълим маркази” томонидан бир қанча ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Марказ тажрибали ва салоҳиятли кадрлар билан таъминланган.

Халқ таълими вазирлигининг махсус буйруғига кўра Урганч шаҳридаги 10-сон ўрта мактаб рус тили ва адабиёти фани бўйича модернизация қилинган янги таҳрирдаги дастурларни тажриба синовдан ўтказиш, Урганч шаҳридаги 3-сон, Боғот туманидаги 1-сон мактаблари баҳоланишнинг рейтинг тизими бўйича Республика тажриба-синов майдони қилиб белгиланган.

Вилоят таълим муассасаларининг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. 2004-2005 ўқув йилида Корея Республикаси билан халқ таълими соҳасидаги ҳамкорлик ишлари янада мустаҳкамланди. Таълим тизимининг махсус делегацияси Кореяда, Корея делегацияси эса Хоразмда бўлиб, таълим-тарбия жараёни бўйича ўзаро тажриба алмашув иш-



лари олиб борилди. Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси Корея Республикасининг Теджон шаҳри билан ҳамкорлик шартномаси тузди. Шартномага асосан 2004-2005 ўқув йилида Хоразмлик 4 нафар ўқувчи Корея Республикасининг Теджон шаҳар олий техника мактабига ўқишга юборилди. Теджон шаҳар таълим департаменти томонидан вилоятдаги корейс тилини ўқитишга ихтисослашган синфга замонавий техника, телевизор ва видео аппаратуралари беғараз ёрдам сифатида тақдим қилинди.

Урганч шаҳридаги 19-сон мактабнинг немис тили фани ўқитувчиси Роза Собирова Германия элчихонаси томонидан ўтказилган танловда иштирок қилиб шу йилнинг май ойида Германияда ўз малакасини ошириб келди. Қўшқўпир туманидаги инглиз тилига ихтисослашган мактаб ўқитувчиси Машарипова Феруза АКСЕЛС ўқитувчилар танлови ғолиби сифатида 7 ҳафта мобайнида Американида ўз касбий малакасини оширди.

Республика халқ таълими вазирлигининг махсус Низоми асосида “Йил ўқитувчиси” кўрик-танловлари вилоятда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда.

Ўтган “Йил ўқитувчиси-2004” Республика кўрик-танловида вилоят вакиласи, Урганч шаҳридаги 5-сон мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Барно Дўсчанова муваффақиятли қатнашиб, Республикада фахрли 3-ўринни эгаллади. Шунингдек, Урганч шаҳридаги 8-сон ихтисослашган мактаб жамоаси “Йил мактаби - 2004” кўрик танловида фаол иштирок этиб Республикада юқори натижага, «Йилнинг энг билимдон мактаби» номинациясига сазовор бўлди.

Халқ таълими вазирлигининг ташаббус ва таклифи билан ўтказилган “Энг ораста кийиниш маданиятига эга мактаб жамоаси” кўрик-танлови вилоятда босқичма-босқич ўтказилди. Педагог жамоалар орасида ягона ва маданиятли либослар ҳам ихчам, ҳам кўркем, шу билан бирга камхарж кийимларнинг афзалликлари тарғиб қилинмоқда. Вилоят ғолиби Янгибозор туманидаги 8-сон мактаб жамоаси шу кунларда ушбу танловнинг Республика босқичига пухта тайёргарлик кўрмоқда.

Вилоятда иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ўз истеъодларини намойён қилишларига кенг имкониятлар яратиш мақсадида

ўқувчи-ёшлар ўртасида турли хил кўрик-танловлар, анжуманлар, мусобақалар ўтказиб келинмоқда. Вилоятимизда Зулфияхоним издошларининг сафи кенгайиб, Зулфия номидаги Давлат мукофотиغا сазовор бўлган Дилрабо Жуматова, Мўътабар Рўзметова, Муножот Абдуллаева, Фароғат Жабборова, Зебо Нурмановалар ўзларини ижод соҳасидаги чексиз иқтидорларини намойиш қилиб, Хоразм қизларининг фахрига айланган.

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган “Ўзбекистон – Ватаним маним” қўшиқлар байрамининг бу йилги Республика босқичида Қўшқўпир тумани ўқувчилар жамоаси фахрли 2-ўринга сазовор бўлишди.

“Президент асарлари билимдони” кўрик-танловида истеъодли ёш шоира Фароғат Жабборованинг Республикада 1-ўринни эгаллаши қувончли ютуқлардан биридир.

Бу йил ёзги мавсумда 39 та оромгоҳ фаолият кўрсатиб, уларда 11130 нафар бола соғломлаштирилди ва дам олди. Бундан ташқари Республикаимиздаги сўлим манзарали оромгоҳларда вилоятимиздаги кам таъминланган оила фарзандларидан 1500 нафари соғломлаштирилди.

Урганч туманидаги А.Ёқубов номли оромгоҳда Хива туманидаги 20-сон “Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчилари ёзги мавсумни мароқли ўтказдилар.

Ўқувчи ёшларни кенгроқ қамраб олиш мақсадида ёзги даврда мавжуд 42 та мактабдан ташқари таълим муассасалари тўлиқ фаолият кўрсатиб, уларга 44144 нафар ўқувчи жалб қилинди.

Ҳозирги кунда вилоятда 385 та мактабгача таълим муассасасида 30583 нафар бола тарбияланмоқда.

Ушбу муассасалар ўртасида ўтказилиб келинаётган “Севимли ўйинчоқлар” Республика кўрик-танловида Урганч шаҳридаги 37-сон болалар боғчаси фахрли 1-ўринни эгаллади.

Юқорида қайд қилинган барча ютуқ ва муваффақиятлар самараси албатта шарафли ва масъулиятли касб эгаларининг машаққатли меҳнатлари самарасидир.

Ёш авлодни баркамол, юксак маданиятли, ҳар томонлама етук ворислар қилиб тарбиялаш, таълим-тарбия жараёнини жаҳон андозалари даражасига етказишни мақсад қилиб, фидоийлик билан меҳнат қилаётган барча таълим аҳлига ҳурматимиз чексиз ва ҳамиша таъзимдамиз!

**Пўлат УРАЗОВ,**  
*Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи.*







# Қизларга насихатларим



Суюкли невараларим Дилноза, Гулноза, Мафтунахон! Сизларга ва сиз орқали дўгоналарингизга айтмоқчи бўлган ушбу сўзларим ва маслаҳатимни қулоғингизга тилла балдоқ қилиб тақиб олинг. Чунки бу сўзлар сизнинг келгуси ҳаётингизда сизга ўша тилла балдоқдан ҳам қимматлироқ бўлиб, кўрк ва зеб бергай, бахтли кунларни ато этгай, сизни ҳаёли, ибодли, доно ва гўзал қилиб кўрсатгай.

Азизларим, сиз ота-онангизнинг арзандаси, суюкли дилбандисиз, лекин бошқа хонадонга келин бўлсангиз, у ерда ҳам керакли, суюкли, арзанда бўлинг, бу эса фақат ўзингизга боғлиқ.

Келинг, бир бошдан бошлайлик, сиз камолга етпасиз, баловат ёшидасиз, гавдангиз тўлишиб, қоматингиз чиройли бўлиб борапти. Билингки, қиз бола худди гулга қиёс, чиройли, хушбўй бўлса ҳаммага ёқади, бировнинг ҳаваси келади, авайлаб-асрашга ҳаракат қилади. Аксинча, кўрimsиз, бадбўй бўлса ҳеч ким қарагиси келмайди, юлиб ташлаб эзгилайди, бундан худоса шуки, ҳаммиша чиройли бўлиб юришга, озода, саранжом-саримша ва назокатли кўринишга ҳаракат қилинг.

Мода экан деб ҳар хил, миллатимизга мансуб бўлмаган, гавдангизга ёпишиб турувчи ва ярим яланғоч кўрсатувчи кийимларни танламани, аминманки, бу хил кийимларни энг замонавий йиғитлар ҳам ёқтиришмайди, фақат мазақ қилишни, сиз ҳақингизда ёмон фикрда бўлиши мумкин.

Ўзингизга ортинча буюк суртманг, ҳозир ўз ҳуснингиз, табиий гўзаллигингиз етарли.

Соч бу-хусн, хуснингизга яна бир хусн, яъни узун, чиройли, рангини йўқотмаган сочлар ҳам қўйилганига не етсин.

Баъзи қизларга, ҳатто ёши ўтганроқ аёлларга ўхшаб табиий сочингизни оқартириб, ранг-баранг қилиб бўяманг, ҳали оқарганини қорайтиришга ҳам улгурасиз.

Сизга ҳаё-ибо ярашур, овозингизни баланд кўтариб гапирманг, ёки қулманг. «Қиз бола ярим овозда гаплашади» дейди момоларимиз.

«Супурилган уйга совчи келади» дейишган, уйингизни доим озода тутинг, деразаларингизни, дарпардаларингизни тез-тез ювиб турунг, тоқчаси чанг босиб ётмасин.

Ота-онангиз, опа-синглингиз, ака-укаларингиз, қариндош-уруғларга меҳрли бўлинг, уларни ранжитадиган, уялтирадиган иш қилманг, чунки улар сизнинг гамхўрингиз, меҳрибон ва қариндошларингиз, ҳали келин бўлиб ўзга хонадонга борсангиз, қариндош-уруғларингиз кўнглини, обрў-эътибори сизга далда бўлади, гурур бахши этади, лекин зинҳор-базинҳор улар билан кеккайманг, ишончларини суистеъмол қилманг.

Жигарбандларим, гурурингизни йўқотманг, андишали, ориятли бўлинг. Кўнглимни гап қиладиган бир фикрни айтмай, кейинги йилларда урф бўлиб бораётган антиқа одат пайдо бўлди. Тўй кунини белгилашиб, фотиҳа қилинган қиз бўлажак қайнона-қайнотаси ёки қайин оға, қайин опалари-

ни олдига солиб сарпо-кийим танлашга боради. Нима, сиз шу пайтгача кийимсиз юрдингизми? Ота-онангиз ўзи киймай сизни ясантирди-ку. Кўрмаганингиз кўргани кўрсин, қабилада иш тутиб, мен келин бўлялман, нимани хоҳласам, қилишим мумкин деб ўйламанг, ҳар бир ишининг жавоби бўлиши аниқ. Шахсан ўзим гувоҳ бўлган бир мисолни айтай. Кийим бозорига ёши бир жойга бориб қолган чол-камтир расталар олдига узоқ туриб қолишяпти. Ҳайрон бўлдим: шу ёшида чол-камтир нима ахтаришяпти, буларбон кийим йўқ-ку бу ерда. Шу пайт дўкон ичкарисидан бир қиз, бўлажак келинчақ чиқиб келди, ёнида ёшига қизча, тилмочга ўхшаб ота-онасига танланган кийимнинг нарҳини айтди. Чол тушмагур тўғри сўз эканми: — Не, бу жуда қиммат-ку, арзони йўқмикан, юр кетдик, — деворди. Камтир бечора хижолатдан ерга қараб, ҳай секинроқ, эшитса хафа бўлади, дейди. Уларни ҳам тушуниш керак, ким билади, бир умр емай, ишмай ўйилтирмаган деб йиққан пулларими ёки меҳнат-машаққат билан боққан молини сотганми? Бўлгуси келинчақ эса энгаси қотиб бурнини жийирди-да яна олдига юриб кийим танлашда давом этди.

Тўйдан олдин кувёв болага ич кийимлар, пардоз-андоз буюмларини олдириб, мақтаниб юрган қизлар қанча.

Оллоҳга беадаб шукурлар бўлсинким, бузун тўғчилик, осойишталик. Тўйларимиз дабдабали, серхаражат, таитанавор тарзда фақат рестороанларда, ёки махсус тўйхоналарда ўтмоқда. Столда тансиқ таом, турли хил ноз-неъматлар. Тўй-ку майли, умрда бир бўладиган, ҳаётингиздаги энг бахтли кун — никоҳдан ўтиш маросими-чи, шартмикан уни алоҳида базм қилиш. Баъзи тўйларда ЗАГС ходими тўйхонага келиб, чиройли қилиб никоҳдан ўтказаетгани ҳам яхши. Энди «Қиз йиғини», Хоразмда «Хина ёқар» дейишади. Бу ҳам худди тўй каби дабдабали ўтади. Давранинг ярмидан кўпи эркаклар бўлади, фақат кувёв етишмайди, холос. (Сўнги кунларда кувёвлар ҳам андишани йиғиштириб қиз йиғинга бормоқдалар). Лекин олдинлари «Қиз йиғини» ичкари ҳовлида, уй ичида, ҳақиқий қизлар базми бўлиб, ўйин-кулг билан ўтарди.

Азизларим, бу ҳақда ҳам бироз ўйлаб кўрсангиз, фикрларим мағзини чақсангиз фойдадан холи бўлмасди.

Сабрли бўлинг, қизим, ўша хонадонга борган олиб беришар, яланғоч кўйишмас, уларнинг ҳам орзу-ҳаваси бор-ку, олдин тўйни ўтказиб олишсин, ҳозирги бозор иқтисоди даврида икки кишига дастурхон ёзиш ҳам қийин, қолаверса келининг сарпоси деб қанчадан-қанча қудалар урушиб қолишиб, келишмовчиликлар бўлиб, тўйлар тўхтатилган. У хонадонда юзингиз ёруғ, қадамингиз қутлуғ бўлсин.

**Зухро РЎЗМЕТОВА,**

**Хоразм вилояти ўқувчилар саройи директори,  
халқ таълими аълочиси, олий тоифали педагог.**



## УСТА — ШОГИРД МАКТАБИ ДАВОМЧИЛАРИ

Азалдан Хоразм хунармандчилиги дунёга машхур. Хива гиламларининг таърифи етти иклимга кетган. «Хунарманд» уюшмаси Хоразм вилояти бўлимида кейинги йилларда қўли гул уста, кулол, ўймакор, харрот, гиламчи, зардўз, каштачилардан иборат хунармандлар аъзо қилиб олинган. Бу нодавлат, нотижорат ташкилот шу кунгача миллий хунармандчиликни ривожлантириш ва ишсиз фуқароларни уй шароитида иш билан банд қилиш мақсадида шаҳар, туманлардаги маҳалла ҳудудларида якка тартибда юридик мақомга эга бўлган «Усто — шогирд» мактаблари ташкил қилиб касбсиз, хунарсизларга хунар ўргатиб, уларни уюшма аъзолигига қабул қилиб, ўз аъзолари доирасини кенгайтирмоқда. Ҳозирги кунда 55 та «Усто — шогирд» мактаби мавжуд бўлиб, уларда 340 дан зиёд шогирд хунар ўрганмоқда. Уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари Республикамиздан ташқари хорижий давлатларда ҳам намойиш қилиниб, савдо кўرғазмалари ташкил қилиниб келади. Жумладан, бу маҳсулотлар Россия, Франция, Германия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Япония давлатларида кўрғазмалар уюштирилиб, ўз харидларига эга бўлди. Гилам тўқувчи Марям Абдушарипова, тикувчи Моможон Қўчқорова, Миллий либос устаси Луиза Собурова, Гулсара Абдуллаева, Раҳимбой Матёқубов, Зулфия Машариповаларнинг шогирд етиштириш, муҳтожларга беминнат ёрдам кўрсатиш борасидаги ишлари таҳсинга сазовор.

Республика Президенти томонидан Янгиариқлик кулол Султон Отажонов, ёғоч ўймаkori Ҳайитмурод Боғибеков, рассом Давлат Муҳаммедовларга «халқ устаси» унвони берилган.

Ўймакор Ҳ. Боғибеков жорий йилдаги «Ташаббус - 2005» Республика кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этди. Яна бир ўймакор уста Шавкат Ҳуманиёзов «Ташаббус - 2001» кўрик-танловида қумуш медалга сазовор бўлган эди.

Хулласе, Хоразм хунармандлар мактаби кундан-кунга ривож топиб бормоқда. Бу қувонарли ҳол, албатта.



# КОМИЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринга эга бўлиши ҳар томонлама етук, фидоий, маънавий баркамол кадрларга боғлиқдир. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги қонунда белгиланган вазифаларни амалга оширишда маънавий-ахлоқий ишларнинг ўрни алоҳидалигидан келиб чиққан ҳолда, комил инсонни тарбиялаш орқали Ватанамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга қодир, ғурурли ва ғайратли, етук, рақобатдош мутахассис кадрларни тайёрлаш масаласи республикамиз ҳукуматининг доимий диққат марказидадир. Энг муҳими, миллий дастурнинг умуммиллий маънавий салоҳиятимизни тиклаш ва комил инсонни тарбиялашдек мақсадни амалга оширишга қаратилганлигидадир. Бу ҳақда Президентимиз И.А.Каримов шундай таъкидлайди: «Бу соҳадаги ишларимизнинг пировард мақсади – имон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват, эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир. Яъни мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс — комил инсонни тарбиялашдан иборат».

Президентимиз асарларида ёритилган миллий ғоя ва мафкура ҳақидаги фикрлари талаба-ёшларнинг замон талаблари даражасидаги дунёқарашни, илмий салоҳиятини оширишда, уларни маънавий-ахлоқий баркамол шахс қилиб тарбиялашда, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу асарларда тарбиянинг назарий-методологик асослари илмий жиҳатдан таҳлил этилган ҳамда жойлар-

да маънавий-ахлоқий ишларни қандай йўлга қўйиш лозимлиги ҳам кўрсатиб ўтилган.

Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат Университети талаба-ёшлари қалбига Президентимиз И.А.Каримов асарларида ёритилган миллий ғоя ва мафкура ҳақидаги фикрларни сингдириш, чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича савол-жавоб кечалари ва давра суҳбатлари уюштирилмоқда. Жумладан, «Халқни халқ, миллатни миллат қилиб ўзлигини танитадиган, миллий ғурурини англатадиган нарса миллий ғоя ва мафкурадир» мавзусида мунозаралар ташкил этилмоқда. Шунингдек, ўқув йили давомида ўтказилган «Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси ва уни амалга ошириш тамойиллари», «Кучли давлатдан кучли жамият сари» концепциясини амалга ошириш биздан нималарни талаб қилади?», «Ўзбекистон: кеча, бугун ва эртага» каби мавзулардаги илмий анжуман ва суҳбатлар профессор-ўқитувчилар ва талабалар томонидан зўр қизиқиш ва иштиёқ билан қабул қилинди.

Талаба-ёшларда Ватанамиз мустақиллигини асраб-авайлаш, унинг буюк келажакига ишонч туйғуларини мустаҳкамлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиромни юксалтиришга қаратилган қатор муҳим тадбирлар – Мустақиллик, Конституция куни, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, Ватан ҳимоячилари ва Хотинқизлар куни, Хотира ва қадрлаш куни, Наврўз ва бошқа байрамлар, Амир Темури, Жалолиддин Мангуберди, Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Ал-Мотуридий, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд, Ат-Термизий, Алишер Навоий, Бобур, Оғаҳий каби буюк зотлар таваллудига бағишланган анъанавий тантаналар, талабалик қасамёди, бакалавр ва магистр дипломларини топшириш маросимлари юқори савияда ўтказиб келинмоқда.

Шунингдек, «Озод ва обод Ватан, фаровон жамият барпо этиш бизнинг бош мақсадимиз», «Ватан остонадан бошланади», «Ўзбекистон – ягона Ватан» мавзуларидаги 20 дан ортиқ давра суҳбатлари, 40 га яқин тарихий жой ва музейларга уюштирилган сайёҳатлар, талабаларнинг ижтимоий-сиёсий тафаккур тарзини, эркин фикрлаш, уларнинг сиёсий билимлари доирасини янада кенгайтириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Университетда талаба-ёшлар ўртасида маънавий-



маърифий ишларни тизимли равишда олиб боришда «Маънавият куни» алоҳида ўрин тутди.

Талабалар ўртасида «Огоҳлик — давр талаби», «Дунёвий жамият ва дин», «Динни сиёсатлаштириш ёвузликдир», «Диний экстремизм, ислом фундаментализми ва ақидапарастликнинг зарарли оқибатлари» мавзуларида мутахассислар ва ҳуқуқ-тарғибот органлари ходимлари иштирокида ташкил қилинган 48 учрашув ва суҳбатларда 5000 дан зиёд талаба ва ходимлар қатнашди.

Талабалар ҳуқуқий билимларини, уларнинг қонунларни билиши ва унга амал қилишни яхшилаш мақсадида ташкил қилинган Конституциямизнинг ҳуқуқий нормалари ва мажбуриятлари, Олий Мажлисида қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини ва бошқа ҳужжатларни чуқур ўрганиш бўйича айниқса, «Маънавият кунлари» доирасида ҳуқуқ-тарғибот органлари ходимлари билан ўтказилаётган учрашувлар ўз самарасини бермоқда. Шунингдек, талабалар ўртасида ҳуқуқбузарлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандликнинг олдини олишга қаратилган тарбиявий ишлар тизими амалга оширилмоқда. Бу борада ўқув йилида вилоят ОИТС маркази, «Саломатлик институти», наркология диспансери ва ички ишлар органлари ходимлари билан учрашувлар ўтказилган бўлиб, бунда барча кундузги бўлим талабалари тўлалигича қамраб олинди.

Талаба-ёшлар шахсини ижодий ривожлантиришда индивидуал ёндашувлар муҳим ўрин тутмоқда. Ҳар бир талабанинг майл-иқтидори, қизиқишларини имкон қадар инобатга олиш, қизиқувчан талабаларга ёрдам бериш борасида ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш, касбга бўлган иштиёқ, уни эгаллаш санъатини эътиборга олиш, уларни шакллантириш шароитларини яратиб юзасидан ибратли ишлар бажариб келинмоқда. талабалар томонидан ўқув-тарбиявий жараёнга қизиқиб, ўзларининг мустақил ва теран фикр-мулоҳазаларини, таклиф ва истакларини «Адолат қутиси», «Ректор» ва «Камолот почтаси» орқали намён этишлари улар шахсининг тобора такомиллашаётганлигидан, шунингдек, улар дунёқарашининг замонамизга мос равишда шаклланаётганлигидан дарак бермоқда.

Университетда спорт ишлари яхши йўлга қўйилган. Талабалар 14 та спорт секциясида машғулотлар олиб боришади. Талабалар уйида ҳам тренажёрлар ташкил топган.

Талабалар уйи хоналари меъёрларга биноан қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан таъминланган, санитар-маиший шароитлар яратилган. 5 та «Маънавият ва маърифат» хонаси мавжуд бўлиб, тарихий саналар, байрамларга бағишланган кечалар, кафедра кунлари муносабати билан уруш ва меҳнат фахрийлари, фан ва маданият вакиллари билан доимий мулоқотлар ташкил қилинади, телевизор, газета ва журналлар ҳамда маънавий-маърифий мавзудаги адабиётлар билан таъминланган.

Университетнинг 35 та кафедрасида 50 га яқин

мавзуда илмий тадқиқот ишлари бажарилмоқда. Кейинги 4 йилда 10 та бюджетдан маблағ билан таъминланган илмий лойиҳалар бажарилди. 2001 йили бажарилган бундай илмий тадқиқот ишлари ҳажми 2,9 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2004 йилда эса 20,2 млн. сўмлик илмий-тадқиқот ишлари бажарилди. Лойиҳаларнинг бир қисми Хоразм Маъмур академияси олимлари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда, университетимиз ходимлари томонидан умумий ҳажми 4,8 млн. сўм бўлган 5 та хўжалик шартномаси бажарилаётган бўлса, 2005 йил 1 январдан бошлаб умумий ҳажми 3,5 млн. сўм бўлган яна учта хўжалик шартномаси бўйича ишлар бошланди.

Университетимизнинг «Технолог» ўқув-илмий-ишлаб чиқариш марказида олимларимиз яратган технология асосида маҳаллий хом ашёлардан ва чиқиндилардан қурилиш материаллари, зангта қарши таркиб, битум, бор, ош тузи каби маҳсулотлар ишлаб чиқилмоқда.

Урганч Давлат университетида 3 та докторант, 20 га яқин тадқиқотчи докторлик, ҳамда 17 аспирант ва 40 дан ортиқ ташкилотлар номзодлик диссертацияси устида илмий ишлар олиб бормоқдалар.

Университетимизда иқтидорли талабаларни танлаш, уларга чет тилини, информатикани чуқур ўргатиш, илмий тадқиқот ишларида фаол қатнашишни таъминлаш мақсадида қатор имтиёзлар бор. «Университетнинг иқтидорли талабаси» номи таъсис этилган бўлиб, 50 нафар талабаларга ҳар ойда 1 тадан қўшимча стипендия белгиланади, улар қишлоқ хўжалик ишларидан озод қилиниб, чет тили ва информатикани чуқур ўрганадилар. Уларга ёз пайтида тил ўрганиш лагери ташкил қилинади.

Натижада иқтидорли талабаларимиз эришаётган ютуқлар йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. 7 та талабамиз Президент стипендияси совриндори бўлишди. Ҳозирги кунда 9 та иқтидорли талабамиз Германия, Швеция ва Чехия университетларида магистратура ва аспирантурада ўқишмоқда.

Кейинги 3-4 йил ичида ахборот технологияларидан ўқув жараёни ва илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш анча яхши йўлга қўйилди. Университетда Pentium русумли 532 та компьютер мавжуд. 78 та компьютер локал тармоқ орқали Интернетга уланган. Университетда 14 та компьютер синфи ишлаб турибди. Халқаро жамғармалар билан интернет маркази, компьютерда тил ўрганиш маркази, виртуал лаборатория, замонавий компьютер техникаси билан жиҳозланган экология таълим марказлари ташкил қилинди. Университет локал тармоғи ажратилган линия орқали оптик тола ёрдамида интернетга қайтадан уланиши натижасида интернетнинг тезлиги Республикамиздаги энг-юқори кўрсаткич 512 KBF сек.га етди, бу тезликни 2 MBFсек. гача ошириш имконияти мавжуд.

Бундай кўрсаткич университетда халқаро видеоконференциялар ўтказиш имкониятини яратди. 2004 йил

март ойида УрДУ, Бони университети ва Олмаота қишлоқ хўжалиги илмий текшириш институти иштирокида «Ер ости сувларидан фойдаланиш» мавзусида видеоконференция ўтказилди.

Урганч Давлат университетида маърузалар матнлари электрон версияси ва электрон қўлланмалар яратиш режа асосида ташкил қилиниши ва муаллифларни моддий рағбатлантириш натижасида 130 дан ортиқ фанлардан маъруза матнлари электрон версиялари ишлаб чиқилган ва университет серверига ўрнатилган. Улардан талабалар локал тармоқ орқали кутубхонада ва компьютер синфларида фойдаланмоқдалар. Ушбу электрон версияларидан 6 таси мультимедия элементлари, овоз, видео ва анимациялар билан жиҳозланган.

Университетнинг 2 та Web сайти яратилиб, интернетга қўйилган.

Университетда бажарилаётган 4 йирик Халқаро лойиҳадан биринчиси 2002-2011 йилларга мўлжалланган, ЮНЕСКО ва Германия ҳукумати томонидан молиялаштирилаётган, «Хоразм вилояти ер ва сув ресурсларидан фойдаланишни такомиллаштириш» лойиҳаси 10 млн. Евро ҳажмда бўлиб, уни бажариш учун Бони университети билан ҳамкорликда қўшма лаборатория ташкил қилинган.

Темпус дастури асосида иккита лойиҳа бажарилмоқда, улардан бири асосида Швециянинг Қироллик Технология институти билан ҳамкорликда университетда «Физикавий экология» бўйича магистратура ва «Экология таълим маркази» ташкил қилинди. Шу лойиҳа кўмаги билан 4 нафар талаба Швециянинг Қироллик Технология институти магистратурасида таҳсил олмоқда. Темпус дастури доирасидаги иккинчи лойиҳа Ўзбекистон университетларида инфор­мацион технология таълим йўналишлари учун

квалификация талабларини ишлаб чиқишга бағишланган. Ҳозирги кунда фақат 4 та йирик халқаро лойиҳалар ҳисобига университетда бажарилган ишларнинг ҳажми йилига 1,5 млн. АҚШ долларини ташкил қилади.

Университет профессор ўқитувчилари ACCELS, IREX, TEMPUS, DAAD ва бошқа хорижий жамғармалар грантларини ютиб, хорижий университетларда малакаларини ошириб ва тажриба алмашиб келмоқдалар.

Ўқув-услубий ишларни такомиллаштириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди. Талабалар билиминини назорат қилишнинг рейтинг Низоми ва таълим дастурларининг барчаси замонавий педагогик технологиялар асосида қайта ишланиб тасдиқланди. Дарслик, ўқув қўлланмалар яратиш бўйича ишлар жонлан­тирилди. Барча таълим йўналишларининг ўқув режасидаги фанлар бўйича адабиётлар мониторинги яратилди. Ўқув жараёнини етарли даражадаги ўқув адабиётлари билан таъминлаш проректор, ўқув бўлими, факультет деканлари, кафедра мудирлари, кутубхона ходимларининг асосий фаолияти бўлиб келмоқда.

Бунинг натижасида университетда ўқув адабиётлари яратиш тизими ташкил қилинди. Охириги уч йил мобайнида университет бўйича 7 та дарслик, 41 та ўқув қўлланма (вазирлик грифи билан), 250 дан зиёд ўқув услубий қўлланмалар, 182 та фан бўйича барча талаблар асосидаги маъруза матнлари чоп этилди. 123 фан бўйича маъруза матнларининг 3-авлод электрон версиялари яратилди, шулардан 8 таси электрон дарсликлардир. Чет эллардан 253 номдаги 3000 нусхага яқин дарслик, ўқув қўлланмалари ва бошқа турдаги ўқув адабиётлари келтирилди.

*Азимбой САЪДУЛЛАЕВ,  
Урганч Давлат Университети  
ректори*



# ЁШЛАР ТАФАККУРИ ЎЗГАРМОҚДА

Хизмат тақозоси билан тез-тез касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда бўламан. Боришим билан биринчи навбатда ёшларнинг кийиниши, ўзаро муаомаласи, маданияти, фикрлаши, ўқишга ва касб ўрганишга муносабати билан қизиқаман. Кейинчалик таълим-тарбия, касб ўрганиш, услубий ишлар билан танишаман. Кузатишларим асосида шунга амин бўлдимки, сўнгги беш-олти йилда ўқувчиларимизнинг кийиниши яхшиланиб, юриштуриши, одоби, ўқишга ва Ватанга муносабатида жиддийлик, масъулиятни ҳис қилиш кучайган. Ёшлар ўз келажаги ўз қўлидалигини, мустақиллик шарофати билан яратилган замонавий касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар уларнинг фаровон ва бахтли турмуши учун пойдевор эканлигини чуқур англаб етмоқдалар. Ишончим комилки, коллежни битирган ҳар бир йигит ва қиз яхши ишлаб, шу замонавий бинолардек уйларда озода ва фаровон турмуш кечиришни бундан буён ўзининг ҳаёт тарзи, деб ҳисоблайди. Булар мустақиллик даврида эришган энг катта ва бебаҳо ютуғимиздир. Ёшлар глобаллашув ва ахборот технологиялари ҳар бир хонадонга кириб келган бугунги шароитда тўғри йўлни танлай билаётганликлари биз педагогларнинг эртанги кунимизга ишончимизни мустаҳкамлайди.

Яқунланган ўқув йилида вилоятимизда фаолият кўрсатган 2 та академик лицей ва 59 та касб-ҳунар коллежида 3140 нафар педагог ва муҳандис-педагоглар 92 та касбий йўналиш бўйича 41 мингдан зиёд ўқувчига таълим-тарбия бердилар. Педагогларимизнинг 2 нафари фан доктори, 14 нафари фан номзоди, 582 нафари олиё тоифали ўқитувчилардир. Устозларнинг ярмидан кўпроғи ёшлардан иборат. Бу эса ўқувчи билан ўқитувчи ўртасида тезкор ҳамкорликни йўлга қўйиш ва бир-бирини яхши тушунишга катта ёрдам беради.

Коллежлар ва академик лицейларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, мавжуд экин майдонларидан мўл ва сифатли ҳосил олиш чоралари кўрилди. 2005 йилнинг биринчи ярмида 13,8 млн сўмлик турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. 46,7 минг тонна буғдой ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди.

Иқтидорли ёшлар бизнинг фахримиз ва энг катта бойлигимиздир. Ал-Хоразмий, Беруний, Огаҳийларнинг бугунги авлодлари орасида ноёб қобилиятлари билан ўзини кўрсатаётганлари кўпайиб бормоқда. Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида иқтидорли ўқувчилар билан илмий ишлар олиб бориш яхши йўлга қўйилган. Уларнинг билим савияларини юқори даражага кўтариш, мустақил фикрлаш қобилиятларини ижодий ишлари орқали аниқлаш ҳамда моддий ва маънавий рағбатлантириш анъанавий тусга кирган. Иқтидорли ўқувчиларнинг вилоят конференциялари “Ёш информатиклар”, “Ёш физиклар”, “Ёш адабиётшунослар”, “Ёш биологлар”, “Ёш математиклар” ва бошқа шўъбаларда олиб борилди. Урганч Давлат Университети қошидаги 1-сонли академик лицей, Урганч маиший хизмат, Урганч туман саноат, Хонқа қурилиш касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари Шерзод Муҳаммадиев, Илҳом Отажонов, Бехзод Рўзметов, Рустам Матёкубов, Индира Машарипова, Санжар Рўзметовлар ижодий ишлари совринли ўринларга муносиб деб топилиб, республика конференциясида иштирок этадиган бўлдилар. Яна бир иқтидорли ўқувчимиз – Ҳазорасп педагогика касб-ҳунар коллежи талабаси Мўътабар Рўзметова Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Замонавий билим соҳиби бўлган ва энг янги технологияларни маҳорат билан бошқаришга қодир мутахассислар фақатгина тезкор давр талабига жавоб берадиган даражада жиҳозланган касб-ҳунар



коллежлари ва академик лицейларда тайёрланиши мумкин. 2001 йилдан буён 18 та касб-хунар коллежи ва 1 академик лицейга Жанубий Кореяда 625 миллион сўмлик жиҳозлар келтирилиб ўрнатилди.

Осиё тараққиёт банки Урганч ва Шовот қурилиш, Гурлан енгил саноат касб-хунар коллежларини, Япония халқаро ҳамкорлик банки, Хива қишлоқ хўжалиги ва Янгиариқ Остона қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежларини касб-хунар ўрганиш ва таълимнинг техник воситалари билан таъминлаб, ўқув юртлари раҳбарлари ва муҳандис-педагогларни шу техникалар асосида касб ўргатишга тайёрлаш тадбирлари изчил амалга оширилмоқда. Шунингдек, Германия ва Польша ҳукуматларининг ёрдамлари билан вилоятдаги 8 та касб-хунар коллежида комплекс жиҳозлаш ва бошқа тадбирлар амалга ошириляпти. Бельгия ҳукуматининг кредити лойиҳасига эса 2 та касб-хунар коллежи киритилди. Энди ҳамма гап мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, юқори, юқори малакали мутахассислар тайёрлашда қолди.

Ўтган ўқув йилида таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини ошириш масаласига жиддий эътибор берилди. Бугунги кун талабига жавоб бермайдиган 13 нафар ўқув юрти раҳбари лавозимидан озод қилинди. Бўш лавозимларга ёш, иқтидорли мутахассисларни танлов асосида ишга тайинлаш чоралари кўриляпти.

Ёш авлодни ҳам маънавий, ҳам жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш, XXI аснинг офатлари, диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик балосидан асраш, ўз Ватани равнақи ва тақдири учун куйинчаклик руҳида вояга етказиш — аҳамияти жиҳатидан касб-ўргатиш ва билим беришдан кам бўлмаган мураккаб вазифадир. Сир эмаски, шлобаллашув ва оммавий ахборот воситалари ҳар бир оилага кириб боргани сайин миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизга зид бўлган зўравонлик, беҳаёлик, индивидуализм, Ғарбга хос турмуш тарзини тарғиб қилиш кучаяди. Хуллас, бу соҳада орқайинликка берилиш мумкин эмас. Коллежларимизда ўтказилаётган турли-туман маданий-маърифий тадбирлар савиясини кўтариш, ҳар бир ўқувчи қалбига йўл топиш бугун жуда муҳимдир.

Айниқса, спорт ишларини ҳар томонлама жонлантириш маънавий- маърифий ишларимизга катта ёрдам бермоқда. Эришаётган натижаларимиз ҳам ёмон эмас. Коллежларимизнинг забардаст ўқувчилари нафақат вилоят ёки республика, балки халқаро мусобақаларда ҳам нуфузли ўринларни эгаллаб, мураббийларининг юзларини ёруғ қилмоқдалар. “Олимпия захиралари” ва иқтисодий касб-хунар коллежлари нуфузли турнирларда мувафақиятларга эришаётган бўлсалар, Гурландаги Гулистон маънавий хизмат ҳамда Янгибозор педагогика ва спорт коллежларининг ўқувчилари улар сафига қўшилмоқдалар. Мана 24-29 май кунлари Тошкент вилоятида республика ўрта махсус, касб-хунар



таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилган “Баркамол авлод-2005” мусобақаларида хоразмлик ёш спортчилар 1 та олтмин, 5 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида фахрли 7-ўринни эгаллаб қайтдилар. Ҳолбуки, аввалги мусобақаларда биз 11-ўринда эдик.

Вилоятимиз аҳли ва ёшларимиз янги ўқув йилини ва мустақиллик байрамимизни яхши натижалар билан кутиб олаётганлигини таъкидламоқчиман. Бу йил яна бта янги касб-хунар коллежи ва 1та академик лицей ўқувчиларни ўз бағрига олади. Ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув юртларида 19515 нафар ўқувчи таълим олиши кўзда тутилмоқда.

Янги ўқув йилида кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган давлат таълим стандартларига эришиш учун нима қилмоқ керак? Август ойида умумтаълим фанлари ўқитувчилари, касбий таълим муҳандис — педагоглари ва ўқув юртлари раҳбарлари учун семинар-тренинглар ўтказилди. Касбий ва умумтаълим фанларини ўқитишни янада яхшилаш бўйича тўпланган тажрибалар оммалаштирилди, аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекнинг забардаст шоири Бобораҳим Машрабнинг бир ғазалида шундай сатрлар бор. “Ёшлигингда йўлга киргил, токи топқайсан камол. Гар жароҳат кўҳна бўлгон сўнгра бемалҳам келур”. Ёшлиқда олинган илм тошга ўйилган сўздек ўчмасдир. Ёшлиқ тарозида тортилмайди, бозорда сотилмайди. У инсонга бир марта бериладиган катта имкониятдир. Бизнинг вазифамиз ҳар бир ёш йигит ва қиз бу имкониятдан тўла фойдаланиб, илм ва ҳунарни эгаллаб, ўз оиласини боқадиган, Ватанини асрайдиган комил инсонлар бўлиб етишишига эришмоқдир. Бу шарафли вазифани бажараётган ҳар бир мураббий ўз меҳнати маҳсули билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

*Шериммат АБАЗОВ,  
Хоразм вилояти ўрта махсус, касб-хунар  
таълими бошқармаси бошлиғи.*

O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,



«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati

**Jamoatchilik kengashi raisi:**

Abdulla ORIPOV

**Jamoatchilik kengashi:**

Abulqosim MAMARASULOV

Ahmad OTABOYEV

Mirkamol ODILOV

Minhojiddin MIRZO

Ahmad USMONOV

Farmon XUDOYBERDIYEV

Botir UBAYDULLAYEV

**Bosh muharrir**

Sobir O'NAR

**Bosh muharrir o'rinbosari**

Lugmon BO'RIXON

**Mas'ul kotib**

Akbarali MAMASOLIYEV

**Tahrir hay'ati:**

Odil YOQUBOV

Abduqayum YO'LDOSHEV

Abdusaid KO'CHIMOV

Sirojiddin SAYYID

Rustam MUSURMON

O'rozboy ABDURAHMONOV

G'affor HOTAMOV

Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali. 1982 yildan chiqq boshlagan.

© "Yoshlik" № 3 (201) 2005 y.

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

**MUNDARIJA**

MUHARRIR MINBARI

*Ko'hna va navqiron yurtga sayohat.* ..... 1

E'TIROF

*Oshiq ERKIN. Istiqolot ne'mati* ..... 2

NAZM

*Matnazar ABDULHAKIM. Sanchib ketar sevinchdan bag'ir.* .... 6

*Sayyora SAMANDAROVA. So'zga olov ilashdi.* ..... 14

*Sotim AVAZ. Bir bor termulishga joningni tiksang.* ..... 19

SAYYOHLIK

*Ochiq osmon ostidagi muzey.* ..... 15

SIHAT - SALOMATLIK

*Onalik va bolalikka e'tibor.* ..... 5

TAMADDUN

*Xorazm Ma'mun akademiyasi.* ..... 7

NASR

*Shuhrat MATKARIM. Rais. Hikoya.* ..... 9

*Ismoil OLLOBERGANOV. Intiqom. Hikoya.* ..... 17

*Salomat VAFO. Nomsiz kema. Hikoya.* ..... 20

*Muhabbat TO'RABOYEVA. Gunohkor. Hikoya.* ..... 39

*Ro'ziboy QULMAT. Ahmad. Hikoya.* ..... 45

*Yusuf LATIF. Oqtoy. Naql.* ..... 51

BIRINCHI UCHRASHUV

*Nodira IBROHIM. G'umbaklar. Hikoya.* ..... 33

VOHA YOSHLARI

*Zulfiyaxonim qizlari. Surnayning sehrli navosi.* ..... 36

IQTISOD

*Qo'shma korxonalar salmog'i oshmoqda.* ..... 28

MUSHOIRA

*Ko'nglim osmonlarga bir kulib qo'ygil.* ..... 31

YOSHLAR OVOZI

*Hayratlarim qo'nar kipriklarimga.* ..... 37

KAMOLOT ODIMLARI

*Shuhrat NARBAYEV. Yoshlar qalbidagi ezgu maqsadlar.* ... 38

ADABIYOTSHUNOSLIK

*Muhabbat SAPAYEVA. «So'zning panjalari asrasin sizni...»*... 41

BOLALAR SPORTI

*Bolalar sportiga e'tibor* ..... 43

QISHLOQ XO'JALIGI

*Fermerlikka keng yo'l.* ..... 49

TALIM

*Ta'linga etibor — kelajakka e'tibor.* ..... 55

*Komil insonni tarbiyalash yo'lida.* ..... 59

*Yoshlar tafakkuri o'zgarimoqda.* ..... 62

O'GIT

*Zuhro Ro'zmetova. Qizlarga nasihatlarim.* ..... 57

**Muqovalarimizda**

1-betda: Xiva

2-betda: Zamonaviy Xorazm.

3-betda: O'zbekiston xalq shoiri Omon MATJON.

4-betda: Iste'dodli xushovoz xonanda, «Nihol» davlat mukofoti sohibi Murodbek QILICHEV.

Manzillimiz: 700000, Toshkent, Javoharlar' Neru, 1-uy,

Telefon: 133-40-83

Bosishga 07. 09. 2005 yilda ruxsat berildi.

Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob tobog'i 6,0.

Indeks 822 ISSN 0207-9137

Jurnal 2003 yil 29 dekabrda Matbuot va Axborot agentligi tomonidan 072 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda «Yoshlik»dan olindi deb izohlanishi shart.

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi bosmaxonasida chop etildi.

Buyurtma № 143

Manzil: Toshkent. sh. X. Sulaymonova ko'chasi, 33-uy.